

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ**

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
УНИВЕРСИТЕТИ
САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ**

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Ўқув ва илмий ишлар бўйича
директор ўринбосари

_____ доц. Бекмуродов Қ.А.
«___» _____ 2014 йил

**Телекоммуникация технологиялари ва касб таълими
факультети**

“Ахборот таълим технологиялари” кафедраси

5610600 – Хизмат кўрсатиш техникаси ва технологияси (хизмат
кўрсатиш тармоқлари бўйича)

**WEB ДАСТУРЛАШ
ўқув фани бўйича**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тузувчилар: доцент Бойназаров И.М., ассистент Дониёров А.А.

САМАРҚАНД-2014

Доцент Бойназаров И.М., ассистент Дониёров А.А. «WEB ДАСТУРЛАШ» фани бўйича таълим технологияси. С.: ТАТУ Самарқанд филиали, 2014. - бет.

«WEB ДАСТУРЛАШ» фанидан тажриба-синов ўқув-услубий мажмуаси ТАТУ Самарқанд филиали «Ахборот таълим технологиялари» кафедрасида тайёрланган. Ушбу мажмуа ўқув-услубий ва маълумотли ҳужжатлардан иборат бўлиб, талабаларни маъруза ва амалий машғулотларни мустақил ўрганиш бўйича ўзлаштириш сифатини оширади. Ўқув-услубий мажмуа «WEB ДАСТУРЛАШ» фанини ўрганувчи бакалавриат босқичи талабалари учун мўлжалланган.

М У Н Д А Р И Ж А

1. ЎҚУВ ДАСТУРИ	4
2. ИШЧИ ДАСТУРИ	12
3. КАЛЕНДАР РЕЖА	19
4. БАҲОЛАШ МЕЎЗОНЛАРИ	21
5. ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ	26
6. ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛЛАР	189
7. НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР (ЖН, ОН, ЯН)	194
8. ТЕСТЛАР	201
9. РЕФЕРАТ МАВЗУЛАРИ	211
10. АННОТАЦИЯЛАР	212
11. МАЪРУЗА МАТНИ	213
12. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ	286
13. ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ	291
14. ПРЕЗЕНТАЦИЯЛАР	294
15. МУСТАҚИЛ ИШ ТОПШИРИҚЛАРИ	299
16. ГЛОССАРИЙ	301
17. АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ	306
18. МУАЛЛИФ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ	306

1. ЎҚУВ ДАСТУРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:

№ БД-58112-4.04

2008 йил «23» август

ТАЈИРОВА-СЕНОВ

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг

2008 йил «23» август даги
«23»-сонли буйруғи билан
тасдиқланган

WEB ДАСТУРЛАШ

фанининг

ЎҚУВ ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 500000 – Мухандислик, ишлов бериш ва қурилиш тармоклари

Таълим соҳаси: 520000 – Мухандислик ва муҳандислик иши

Таълим йўналиши: 5521900 – Информатика ва ахборот технологиялари (соҳалар бўйича)
5320200-Ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик
5811200- Ахборот сервис

Тошкент – 2008

Фаннинг ўқув дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув-услубий бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2008 йил «__» _____даги «__»-сон мажлис баёни билан маъқулланган.

Фаннинг ўқув дастури Тошкент Ахборот Технологиялари университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар: Агзамходжаева М.Р. – ТАТУ, ассистент.

Мингликулов З.Б. – ТАТУ, ассистент.

Такризчилар: Ирмухаммедова Р. – ТАТУ, «Информатика» кафедра
доценти

Бобомуродов О.Ж. – ЎзРФА Математика ва
информацион технологиялар институти докторанти,
т.ф.н.

Фаннинг ўқув дастури Тошкент Ахборот технологиялари университети Илмий-услубий кенгашида тавсия қилинган (2008 йил 1.07 даги 10-сонли баённома)

Кириш

Ушбу дастур Web дастурлашда фойдаланиладиган асосий ва замонавий дастурлаш тиллари, уларнинг тузилиши ва улардан фойдаланиш методлари, ҳар бир дастурнинг афзаллиги ва камчилиги, фаннинг ривожланиш тенденцияси, истикболи ҳамда республикамиздаги бу борада олиб борилаётган ишлар ва олинаётган натижаларнинг Web дастурлаш соҳасида фойдаланиладиган дастурлаш тиллари истикболига таъсири масалаларини камрайди.

Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари

Фанни ўқитишдан мақсад – талабаларга клиент томонида, ҳамда сервер томонида турган ҳолда Web дастурлашнинг асосий тушунчалари, тузулиши, ишлатиш кўлами ва улардан фойдаланиш усуллари бўйича йўналиш профилига мос билим, кўникма ва малака шакллантиришдир

Фаннинг вазифаси – талабаларга HTML гипертекст тили асослари, Web-саҳифа ва маълумотлар базасига Web-интерфейсларни дастурлаш учун JavaScript, PHP дастурлаш тилларини ўргатишдан иборат.

Фан бўйича талабаларнинг билимига, кўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар

«Web дастурлаш» ўқув фани ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида бакалавр:

- Интернет асослари, алгоритм тушунчаси ва ҳеч бўлмаганда битта дастурлаш тилини, ҳамда дастурлаш технологияларини *билиши керак*;

- Талаба Интернет асослари, дастурлаш ва алгоритмик тиллари, дастурлаш технологиялари *кўникмаларига эга бўлиши* керак;

- Талаба ҳозирда кенг тарқалган ва оммалашган Web-саҳифаларни таҳлил қилиш; улардан фойдалана олиш; Web-саҳифаларни яратишда дастурлаш тилини тўғри танлай билиш; дастурлаш тилларидан самарали фойланиш *малакаларига эга бўлиши керак*.

Фаннинг ўқув режасидаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги

«Web дастурлаш» фани асосий ихтисослик фани бўлиб, 8-семестрда ўқитилади. Дастурни амалга ошириш ўқув режасида режалаштирилган «Информатика», «Интернет асослари», «Дастурлаш тиллари», «Дастурлаш технологиялари» ва бошқа фанларидан етарли билим ва кўникмаларга эга бўлишлик талаб этилади.

Фаннинг ишлаб чиқишдаги ўрни

Ҳозирда барча соҳаларга ахборот технологиялари жиддат билан кириб бормокда, шунингдек, таълим соҳасида ҳам. Барча давлат муассасалари, корхоналари ва бошқа соҳа ходимларини ишини автоматлаштириш ишлари

олиб борилмоқда. Ҳар бир корхона ўзининг Web-саҳифаларини ишлаб чиқишмоқда. Интернетда электрон дўконлар, хариталар, музейлар ва бошқалар ишлаб чиқилмоқда.

Шунинг учун Web дастурлашга талаблар ўсиб бормоқда. Кундан-кунга Web-саҳифаларни яратишнинг янги технологиялари ишлаб чиқилмоқда ва бу соҳа шиддат билан ривожланиб келмоқда. Шунинг учун ушбу фан асосий ихтисослик фани ҳисобланиб, ишлаб чиқариш технологик тизимининг ажралмас бўғинидир.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Талабалар Web дастурлаш фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларида фойдаланиш, янги информацион-педагогик технологияларни тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон материаллар, замонавий ахборот технологиялар, стендлар локал ҳисоблаш тармоқларидан фойдаланилади.

Асосий қисм

Фаннинг назарий машғулоти мазмуни

Web дастурлаш фанига кириш. Фаннинг ривожланиш тенденциялари. Web дастурлашда фойдаланиладиган асосий дастурлар тўғрисида умумий маълумотлар. Web дастурлаш соҳасидаги республикадаги ижтимоий-иқтисодий ислохотлар натижалари ва илм-фан, техника ва технология ютуқлари. Фаннинг вазифалари.

Web дастурлаш тўғрисида умумий маълумотлар

Web дастурлашнинг асосий вазифалари. HTML асослари. HTML хужжатида JavaScriptни киритиш. JavaScript операторлари, функциялари, методлари ва объектлари. JavaScript ходисаларни қайта ишлаш ва интерактив формалар. PHP га кириш. PHPнинг асосий синтаксиси, маълумот турлари, ўзгарувчи, ифода ва операциялар.

Web дастурлаш назарияси ва ҳисоблаш асослари

Web дастурлаш назарияси асослари: HTML-хужжат, HTML теглари, формалари, объектлари, жадваллари, фреймлари. HTML-хужжатни яратиш. Стил. CSS. JavaScript асослари. JavaScriptни HTML-хужжатга киритиш. Маълумот турлари. Ўзгарувчи. Ифода. Оператор. Функция. Метод. Объект. Интерактив форма. Cookie файллари. JavaScript хавфсизлиги. Web-саҳифа. Web-сайт. Web-сервер. World Wide Web. Разметка тиллари: HTML, XML, XHTML, WML. Сценария тиллари. "клиент-сервер" технологияси. PHP асослари.

HTML асослари

HTML разметкалари. HTML разметкалари (HEAD, TITLE, BASE (URL базаси), ISINDEX (кидирув шаблони), META (метаинформация), LINK (умумий ссилкалар), STYLE (стиллар), SCRIPT (скриптлар)) тўғрисида умумий маълумотлар. HTML разметкаларини синфланиши ва ишлатилиш кўлами. HTML разметкаларини умумий тузилиши. HTML разметкалари ўрни ва вазифалари.

HTML теглари. Умумий тузилиши ва қўлланилиши. Ишлаш принципи. Тегларнинг таснифи. Тегларнинг афзалликлари ва қўлланилиш ўрни. Турлари. Вазифалари.

Форма ва объектлар. Умумий таснифи, тузилиши ва қўлланилиши. Турлари ва вазифалари.

Жадваллар ва фреймлар. Тузилиши ва ишлатилиш кўлами. Афзаллик ва камчилик томонлари. Web-сайт саҳифаларни яратишда улардан фойдаланиш. Уларнинг турлари ва ишлатилиши.

JavaScript

HTML-хужжатга JavaScriptни киритиш. JavaScript асосий параметрлари, уларнинг тузилиши. Скриптларни яратиш ва уларни HTML хужжатга киритиш.

JavaScriptдаги маълумот турлари, ўзгарувчилари, ифодалари ва арифметик операторлар. Ўзгарувчи турлари. Ўзгарувчиларга қиймат бериш. Маълумот турлари: сон, матнли сатр, мантикий маълумотлар. Маълум бўлмаган туридаги маълумотлар. Маълумот турлари аниқлаш. Оператор турлари: унар ва бинар операторлар, алоҳида битлар билан ишловчи операторлар, муносабат ва қабул қилиш операторлари, мантикий операторлари. Функциялар.

JavaScriptда функция, метод, объектлар ва уларнинг хусусиятлари. Объект турлари: стандарт объектлар, браузер объектлари. Браузер объектларининг иерархияси. Объект билан боғлиқ ходисалар. Класс базаси асосида дастурчи томонидан яратилдиган объектлар. JavaScriptда ходисаларни қайта ишлаш ва интерактив формалар. Объектларнинг хусусиятлари. Форма таркибига кирувчи объектлар. Форма турлари ва тузилиши.

Cookie файли ва JavaScriptда хавфсизлик. Слойлар. Позицион слойлар. Слой жойлашуви. z-index ва visibility хусусиятлари. Слойларни динамик бошқаруви. Cookie дан фойдаланиш. Cookie билан ишловчи асосий операторлари. Cookieни яратиш. Cookie қийматини қабул қилиш. Cookie ўчириш.

PHP

PHPга кириш ва уни ўрнатиш. Қисқача тарихи. PHP характеристикалари. Система даражасининг хавфсизлик воситалари. Илова даражасининг хавфсизлик воситалари. Эгилувчанлиги. PHP конструкциясини асослари. Теглар. Комментариялар ва уларнинг турлари. Введение в PHP. Установка и тестирование PHP

Асосий синтаксис. Маълумот турлари. Ўзгарувчилар. Операторлар. Маълумотларни бошқариш тузилмаси. Массивлар. Объектлар. Мантикий қийматлар. Идентификаторлар. Ўзгарувчи турлари. Функция параметрлари. Ўзгармаслар. Ифодалар.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотларда талабалар турли Web дастурлаш тилларини ўрганадилар.

Амалий машғулотларнинг тахминий тавсия этиладиган мавзулар:

1. HTML асослари
2. JavaScript. Клиент томонида дастурлаш. JavaScript ни HTML-хужжатга киритиш. JavaScriptда маълумот турлари, ўзгарувчилар, ифодалар ва арифметик операторлар.
3. JavaScript да кетма-кетликни бошқарувчи элементлар билан ишлаш. Шарт, цикл, танлов операторлари.
4. Функция ва методларни яратиш. Объектлар ва уларнинг хусусиятлари. String, Array, Date, Math объектлари.
5. JavaScriptда хужжатнинг объектли модели. window, location, history, document, navigator объектлари билан ишлаш.
6. Маълумот турлари билан ишлаш. Ўзгарувчилар. Ифода. Операциялар.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини амалий масалалар ечиш орқали янада бойитадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида талабалар билимларини мустақкамлашга эришиш, таркатма материаллардан фойдаланиш, илмий мақолалар ва тезисларни чоп этиш орқали талабалар билимини ошириш, масалалар ечиш, мавзулар бўйича кўргазмали куруллар тайёрлаш ва бошқалар тавсия этилади.

Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Лаборатория ишлари талабаларда Web-саҳифа, Web-сайтлар, Электрон харита, электрон дўкон, турли объектларни яратиш бўйича амалий кўникма ва малака хосил қиладилар.

Лаборатория ишларига тавсия этиладиган мавзулар:

1. HTML гипертектли тили ёрдамида Web-саҳифа яратиш.
2. JavaScript объектларини ўрганиш.
3. JavaScript ёрдамида янги объектларни яратиш.
4. JavaScript тили ёрдамида мураккаб объектларни яратиш
5. JavaScriptда қидирув дастурини яратиш.
6. JavaScriptда интерактив тест ўтказиш дастурини яратиш.
7. MySQL маълумотлар базаси билан ишлаш.

Курс лойиҳасини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Курс лойиҳасининг мақсади талабаларни мустақил ишлаш қобилиятини ривожлантириш, олган назарий билимларини қўллашда амалий кўникмалар ҳосил қилиш, бевосита ишлаб чиқаришдаги реал шароитларга мос техник ечимлар қабул қилиш ва замонавий техника ва технологияларни қўллаш кўникмаларини ҳосил қилишдир.

Курс ишларини тайёрлашда асосий эътибор бериладиган кўрсатмалар:

- Алоҳида илмий-амалий муаммонинг таҳлили, назарий моделларнинг ривожланиши ва/ёки ишлаб чиқиш, математик моделлаштиришнинг масалаларини ечиш, Web-технологиясини ривожланиши;

- Web-технологий назарияси асослари базасида амалий маслаҳатларни эмпирик тушунтирилиши ва ишлаб чиқилиши;

- Илмий, илмий-амалий ёки амалий жиҳатга эга Интернет учун махсус дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш;

Фойдаланиладиган дастурий воситалар бу танланган мавзу бўйича ва ўқитувчи танловига кўра аниқланади. Дастурий таъминотни ёзиш учун турли CASE технологияларини, клиент томонидан(Javascript) ва сервер томонидан(PHP) дастурлаш тиллари, ҳамда маълумотлар базаси учун MySQLдан фойдаланиш тавсия этилади. Ўқитувчи рухсати билан бошқа web дастурлаш тили танласа бўлади.

Курс лойисининг тахминий мавзулари:

1. Web-саҳифа яратиш.
2. JavaScriptда String, Date, Math объектлари билан ишлаш.
3. Электрон ёзув китобчаси. Калькулятор.
4. JavaScriptда ҳужжатнинг динамик яратилиши.
5. JavaScriptда cookies файли билан ишлаш.
6. Корпоратив сайт яратиш.
7. Электрон дўкон яратиш.
8. Электрон журнал яратиш.
9. Электрон дорихона яратиш.

Талаба мустақил ишни тайёрлашда муайян фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади:

- Дарслик ва ўқув қўлланмалар бўйича фан боблари ва мавзуларини ўрганиш;

- Тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;

- Автоматлаштирилган ўрганувчи ва назорат қилувчи тизимлар билан ишлаш;

- Махсус адабиёт бўйича фанлар бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;

- Янги техникаларни, аппаратураларни, жараёнлар ва технологияларни ўрганиш;

- Талабанинг ўқув-илмий, тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган фанлар бўлимлари ва мавзуларини чуқур ўрганиш;

- Фаол ва муаммоли ўқитиш услубидан фойдаланиладиган ўқув машғулоти;

- Масофавий (дистанцион) таълим.

Дастурнинг информацион-услугий таъминоти

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган.

- Web дастурлаш назарияси асослари бўлимига тегишли маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологияларидан;

- Web дастурлашнинг замонавий тиллари оид мавзуларида ўтказиладиган амалий машғулотларда ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш педагогик технологияларидан;

- Замонавий дастурлаш тилларини ўрганиш ва уларнинг асосий тушунчаларини аниқлаш ва таҳлил қилиш мавзуларида ўтказиладиган тажриба машғулотларида кичик гуруҳлар мусобақалари, гуруҳли фикрлаш педагогик технологияларини қўллаш назарда тутилади.

Фойдаланиладиган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати

Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар.

1. И.А. Каримов. На сессии Олий Мажлиса, май 2001 г. "Экономическое обозрение" № 6, 2002г., «Информационные технологии на службе развития» www.infocom.uz/more.php
2. Каримов И.А. "Информационные технологии и коммуникации для образования Газета: Правда Востока, №66
3. Уилтон П. JAVASCRIPT. Основы. Символ-плюс. 2002. 1056 с.
4. Кингли-Хью Э., Кингли-Хью К. JAVASCRIPT 1.5: Учебный курс. Питер. 1-е издание. 2002.
5. Дронов В. JavaScript в Web дизайне. Питер. 2001.

Қўшимча адабиётлар.

1. Ратшиллер Т., Геркен Т. PHP4: разработка Web-приложений. Питер, 2001. - 384 с.
2. Мазуркевич М.М., Мазуркевич И.М. PHP4. Настольная книга программиста. СПб. 2003.
3. Бранденбау. JAVASCRIPT. Сборник рецептов для профессионалов. СПб. 2001.
4. Томсон Л., Веллинг Л. Разработка Web-приложений на PHP и MySQL. - К.: "ДиаСофт", 2001. - 672 с.

2. ИШЧИ ДАСТУРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ
ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ
ҚЎМИТАСИ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ

Рўйхатга олинди

№ 30-5

«31» 08 2013 й.



«WEB ДАСТУРЛАШ»
фанининг

ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	600 000	Хизматлар
Таълим соҳаси:	610 000	— Хизматлар кўрсатиш соҳаси
Таълим йўналиши:	5610600	— Хизмат кўрсатиш техникаси ва технологияси (хизмат кўрсатиш тармоклари бўйича)

САМАРҚАНД-2013

Фаннинг ишчи ўқув дастури ўқув, ишчи ўқув режа ва ўқув дастурига мувофиқ ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

И. Бойназаров – ТАТУ Самарканд филиали доценти «Ахборот таълим технологиялари» кафедраси доценти, т.ф.н.
А. Дониёров – ТАТУ Самарканд филиали «Ахборот технологиялари» кафедраси ассистенти

Такризчилар:

З.Махмудов – ТАТУ Самарканд филиали доценти «Ахборот технологиялари» кафедраси доценти, т.ф.н.
Р.А. Юсупов – ТАТУ Сам. филиали «Ахборот технологиялари» кафедраси катта ўқитувчиси

Фаннинг ишчи ўқув дастури "Ахборот таълим технологиялари" кафедрасининг 2013 йил "31" август даги "1" - сон йиғилишида муҳокамадан ўтган ва факультет кенгашида муҳокама қилиш учун тавсия этилган.

Кафедра мудири в.в.б.:



И.М.Бойназаров

Фаннинг ишчи ўқув дастури "Телекоммуникация технологиялари ва касб таълими" факультет кенгашида муҳокама этилган ва фойдаланишга тавсия қилинган (2013 йил ____ августдаги ____-сонли баённома).

Факультет кенгаши раиси:



У.Х. Нарзуллаев

Қелишилди:

Ўқув-услубий бўлими бошлиғи



Ў.М.Саидов

КИРИШ

Олий таълимнинг Давлат таълим стандартига кўра ушбу дастур Web дастурлашда фойдаланиладиган асосий ва замонавий дастурлаш тиллари, уларнинг тузилиши ва улардан фойдаланиш методлари, ҳар бир дастурнинг афзаллиги ва камчилиги, фаннинг ривожланиш тенденцияси, истиқболи ҳамда республикамиздаги бу борада олиб борилаётган ишлар ва олинаятган натижаларнинг Web дастурлаш соҳасида фойдаланиладиган дастурлаш тиллари истиқболига таъсири масалаларини қамрайди.

Фаннинг мақсад ва вазифалари

Фанни ўқитишдан мақсад – талабаларга клиент томонидан, ҳамда сервер томонидан амалга ошириладиган Web-дастурлашнинг асосий тушунчалари, тузилиши, ишлатиш кўлами ва улардан фойдаланиш усуллари бўйича йўналиш профилига мос билим, кўникма ва малака шакллантиришдир.

Фаннинг вазифаси – талабаларга HTML тили асослари, Web-саҳифа ва маълумотлар базасига Web-интерфейсларни дастурлаш учун JavaScript, PHP дастурлаш тилларини ўргатишдан иборат.

Фан бўйича талабанинг билим, кўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар

Талабалар «Web-дастурлаш» фанини ўрганиш жараёнида қуйидагиларни бажара олиши лозим:

- Интернет асослари, алгоритм тушунчаси ва ҳеч бўлмаганда битта дастурлаш тилини, ҳамда дастурлаш технологияларини **билиши керак**;

- Талаба Интернет асослари, дастурлаш ва алгоритмик тиллари, дастурлаш технологиялари **кўникмаларига эга бўлиши керак**;

Талаба ҳозирда кенг тарқалган ва оммалашган Web-саҳифаларни таҳлил қилиш; улардан фойдалана олиш; Web-саҳифаларни яратишда дастурлаш тилини тўғри танлай билиш; дастурлаш тилларидан самарали фойланиш **малакаларига эга бўлиши керак**.

Фаннинг ўқув режасидаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги

«Web дастурлаш» фани асосий ихтисослик фани бўлиб, 8-семестрда ўқитилади. Дастурни амалга ошириш учун ўқув режасида режалаштирилган «Информатика», «Интернет асослари», «Дастурлаш тиллари», «Дастурлаш технологиялари» ва бошқа фанларидан етарли билим ва кўникмаларга эга бўлишлик талаб этилади.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Ўқув жараёни билан боғлиқ; таълим сифатини белгиловчи ҳолатлар қуйидагилар: юқори илмий-педагогик даражада дарс бериш, муаммоли маърузалар ўқиш, дарсларни савол-жавоб тарзида қизиқарли ташкил қилиш, илғор педагогик технологиялардан ва мультимедиа воситаларидан фойдаланиш, тингловчиларни ундайдиган, ўйлантирадиган муаммоларни улар

олдига қўйиш, талабчанлик, тингловчилар билан индивидуал ишлаш, эркин мулоқот юритишга, илмий изланишга жалб қилиш.

Талабалар Web дастурлаш фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларида фойдаланиш, янги информацион-педагогик технологияларни тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон материаллар, замонавий ахборот технологиялар, стендлар локал ҳисоблаш тармоқларидан фойдаланилади.

Шахсга йўналтирилган таълим. Бу таълим ўз моҳиятига кўра таълим жараёнининг барча иштирокчиларини тўлақонли ривожланишларини кўзда тутди. Бу эса таълимни лойихалаштириладиғанда, албатта, маълум бир таълим олувчининг шахсини эмас, аввало, келгусидаги мутахассислик фаолияти билан боғлиқ; ўқиш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ёндошилишни назарда тутди.

Тизимли ёндошув. Таълим технологияси тизимнинг барча белгиларини ўзида мужассам этмоғи лозим: жараённинг мантикийлиги, унинг барча бугинларини ўзаро боғланганлиги, яхлитлиги.

Фаолиятга йўналтирилган ёндошув. Шахснинг жараёнли сифатларини шакллантиришга, таълим олувчининг фаолиятни активлаштириш ва интенсивлаштириш, ўқув жараёнида унинг барча қобилияти ва имкониятлари, ташаббускорлигини очишга йўналтирилган таълимни ифодалайди.

Диалогик ёндошув. Бу ёндошув ўқув муносабатларини яратиш заруриятини билдиради. Унинг натижасида шахснинг ўз-ўзини фаоллаштириши ва ўз-ўзини кўрсата олиши каби ижодий фаолияти кучаяди.

Ҳамкорликдаги таълимни ташкил этиш. Демократик, тенглик, таълим берувчи ва таълим олувчи фаолият мазмунини шакллантиришда ва эришилган натижаларни баҳолашда биргаликда ишлашни жорий этишга эътиборни қаратиш зарурлигини билдиради.

Муаммоли таълим. Таълим мазмунини муаммоли тарзда тақдим қилиш орқали таълим олувчи фаолиятини активлаштириш усулларида бири. Бунда илмий билимни объектив карама-каршилиги ва уни ҳал этиш усуллари, диалектик мушоҳадани шакллантириш ва ривожлантиришни, амалий фаолиятга уларни ижодий тарзда қўллашни мустақил ижодий фаолияти таъминланади.

Ахборотни тақдим қилишнинг замонавий воситалари ва усуллари қўллаш - янги компютер ва ахборот технологияларини ўқув жараёнига қўллаш.

Ўқитишнинг усуллари ва техникаси. Маъруза (кириш, мавзуга оид, визуаллаш), муаммоли таълим, кейс-стади, пинборд, парадокс ва лойихалаш усуллари, амалий ишлар.

Ўқитишни ташкил этиш шакллари: диалог, полилог, мулоқот ҳамкорлик ва ўзаро ўрганишга асосланган фронтал, коллектив ва гуруҳ.

Ўқитиш воситалари: ўқитишнинг анъанавий шакллари (дарслик, маъруза матни) билан бир қаторда - компютер ва ахборот технологиялари.

Коммуникация усуллари: тингловчилар билан оператив тескари алоқага асосланган бевосита ўзаро муносабатлар.

Тескари алоқа усуллари ва воситалари: кузатиш, блиш-сўров, оралиқ ва жорий ва якунловчи назорат натижаларини тахлили асосида ўқитиш диагностикаси.

Бошқариш усуллари ва воситалари: ўқув машғулоти босқичларини белгилаб берувчи технологик карта кўринишидаги ўқув машғулотларини режалаштириш, қўйилган мақсадга эришишда ўқитувчи ва тингловчининг биргаликдаги ҳаракати, нафакат аудитория машғулотлари, балки аудиториядан ташқари мустақил ишларнинг назорати.

Мониторинг ва баҳолаш: ўқув машғулотида ҳам бутун курс давомида ҳам ўқитишнинг натижаларини режали тарзда кузатиб бориш. Курс охирида тест топшириқлари ёки ёзма иш вариантлари ёрдамида тингловчиларнинг билимлари баҳоланади.

"Web дастурлаш" фанини ўқитиш жараёнида компьютер технологиясидан, Macromediya Dreamweaver, Web браузерлар ва бошқа бир қанча дастурларидан фойдаланилади. Айрим мавзулар бўйича талабалар билимини баҳолаш тест асосида ва компьютер ёрдамида бажарилади. Тарқатма материаллар тайёрланади, тест тизими ҳамда таянч сўз ва иборалар асосида оралиқ ва якуний назоратлар утказилади.

"Web дастурлаш" фанидан машғулотларнинг мавзулар ва соатлар бўйича таксимланиши:

5610600 Хизмат кўрсатиш техникаси ва технологияси (хизмат кўрсатиш тармоқлари бўйича) таълим йўналиши учун

№	Мавзу	Жами	Аудитория соати			Мустақил таълим
			Маъруза	Амалий	Лаб орактория	
1.	Кириш. Web дастурлаш фани тўғрисида умумий маълумотлар	6	2			4
2.	HTML асослари. HTML разметкалари. HTML теглари. CSS стилларини қўллаш	20	4	4	4	8
3.	Динамик Веб-сайтлар билан ишлаш. JavaScript ва PHP да дастурлаш.	26	4	4	6	12
4.	PHP ва MySQL кириш ва улар билан ишлаш	26	4	6	4	12
5.	PHP ва MySQL маълумотлар базасини ўзаро боғлаш.	24	4	4	4	12
	ЖАМИ:	102	18	18	18	48

Асосий қисм
Фаннинг назарий машғулотлари мазмуни

Web дастурлаш фанига кириш. Фаннинг ривожланиш тенденциялари. Web дастурлашда фойдаланиладиган асосий дастурлар тўғрисида умумий маълумотлар. Web дастурлаш соҳасидаги республикамиздаги ижтимоий-иқтисодий ислохатлар натижалари ва илм – фан, техника ва технология ютуқлари. Фаннинг вазифалари.

Web дастурлаш тўғрисида умумий маълумотлар

Web дастурлашнинг асосий вазифалари. HTML асослари. HTML хужжатида JavaScriptни киритиш. JavaScript операторлари, функциялари, методлари ва объектлари. JavaScript ходисаларни қайта ишлаш ва интерактив формалар. PHP га кириш. PHPнинг асосий синтаксиси, маълумот турлари, ўзгарувчи, ифода ва операциялар.

Қўлланиладиган таълим технологиялари: *диалогик ёндошув, муаммоли таълим. Бинго, блиц, ажуралли арра, нилуфар гули, меню, алгоритм, мунозара, ўз-ўзини назорат.*

Адабиётлар: А1;А2; А4; Қ1; Қ3;Қ4.

Web дастурлаш назарияси ва ҳисоблаш асослари

Web дастурлаш назарияси асослари: HTML-хужжат, HTML теглари, формалари, объектлари, жадваллари, фреймлари. HTML-хужжатни яратиш. Стил. CSS. JavaScript асослари. JavaScriptни HTML-хужжатга киритиш. Маълумот турлари. Ўзгарувчи. Ифода. Оператор. Функция. Метод. Объект. Интерактив форма. Cookie файллари. JavaScript хавфсизлиги. Web-саҳифа. Web-сайт. Web-сервер. World Wide Web. Разметка тиллари: HTML, XML, XHTML, WML. Сценария тиллари. "клиент-сервер" технологияси. PHP асослари.

Қўлланиладиган таълим технологиялари: *диалогик ёндошув, муаммоли таълим. Интегратив, мунозара, ўз-ўзини назорат.*

Адабиётлар: А1;А3; А4; Қ1; Қ3; Қ5.

HTML асослари

HTML разметкалари. HTML разметкалари (HEAD, TITLE, BASE (URL базаси), ISINDEX (қидирув шаблони), META (метаинформация), LINK (умумий ссилкалар), STYLE (стиллар), SCRIPT (скриптлар)) тўғрисида умумий маълумотлар. HTML разметкаларини синфланиши ва ишлатилиш кўлами. HTML разметкаларини умумий тузилиши. HTML разметкалари ўрни ва вазифалари.

HTML теглари. Умумий тузилиши ва қўлланилиши. Ишлаш принципи. Тегларнинг таснифи. Тегларнинг афзалликлари ва қўлланилиш ўрни. Турлари. Вазифалари.

Форма ва объектлар. Умумий таснифи, тузилиши ва қўлланилиши. Турлари ва вазифалари.

Жадваллар ва фреймлар. Тузилиши ва ишлатилиш кўлами. Афзаллик ва камчилик томонлари. Web-сайт саҳифаларни яратишда улардан фойдаланиш. Уларнинг турлари ва ишлатилиши.

Қўлланиладиган таълим технологиялари: *диалогик ёндошув, муаммоли таълим. Бинго, блиц, ажурали арра, нилуфар гули, меню, алгоритм, мунозара, ўз-ўзини назорат.*

Адабиётлар: А1;А2; А3; А4; Қ12; Қ4 Қ3; Қ9;

JavaScript

HTML-хужжатга JavaScriptни киритиш. JavaScript асосий параметрлари, уларнинг тузилиши. Скриптларни яратиш ва уларни HTML хужжатга киритиш.

JavaScriptдаги маълумот турлари, ўзгарувчилари, ифодалари ва арифметик операторлар. Ўзгарувчи турлари. Ўзгарувчиларга қиймат бериш. Маълумот турлари: сон, матнли сатр, мантикий маълумотлар. Маълум бўлмаган туридаги маълумотлар. Маълумот турларии аниқлаш. Оператор турлари: унар ва бинар операторлар, алохида битлар билан ишловчи операторлар, муносабат ва қабул қилиш операторлари, мантикий операторлари. Функцилар.

JavaScriptда функция, метод, объектлар ва уларнинг хусусиятлари. Объект турлари: стандарт объектлар, браузер объектлари. Браузер объектларининг иерархияси. Объект билан боғлиқ ходисалар. Класс базаси асосида дастурчи томонидан яратиладиган объектлар. JavaScriptда ходисаларни қайта ишлаш ва интерактив формалар. Объектларнинг хусусиятлари. Форма таркибига кирувчи объектлар. Форма турлари ва тузилиши.

Cookie файли ва JavaScriptда хавфсизлик. Слойлар. Позицион слойлар. Слой жойлашуви. z-index ва visibility хусусиятлари. Слойларни динамик бошқаруви. Cookie дан фойдаланиш. Cookie билан ишловчи асосий операторлари. Cookieни яратиш. Cookie қийматини қабул қилиш. Cookie ўчириш.

Қўлланиладиган таълим технологиялари: *диалогик ёндошув, муаммоли таълим. Поғона, қадамба-қадам методи, Венн диаграммаси, Т-схемаси, ўз-ўзини назорат.*

Адабиётлар: А1;А2; А3; А4; Қ1; Қ4; Қ5.

PHP ва MySQL кириш ва улар билан ишлаш

PHPга кириш ва уни ўрнатиш. Қисқача тарихи. PHP характеристикалари. Система даражасининг хавфсизлик воситалари. Илова даражасининг хавфсизлик воситалари. Эгилувчанлиги. PHP конструкциясини асослари. Теглар. Комментариялар ва уларнинг турлари. Введение в PHP. Установка и тестирование PHP

Асосий синтаксис. Маълумот турлари. Ўзгарувчилар. Операторлар. Маълумотларни бошқариш тузилмаси. Массивлар. Объектлар. Мантикий қийматлар. Идентификаторлар. Ўзгарувчи турлари. Функция параметрлари. Ўзгармаслар. Ифодалар.

MySQL кириш ва уни ўрнатиш. MySQL да маълумотлар базасини шакллантириш ва уни PHP сценарийлари билан боғлаш

Қўлланиладиган таълим технологиялари: диалогик ёндошув, муаммоли таълим. Блиц-сўров, зиг-заг усули, мунозара, БББ, Инсерт, ўз-ўзини назорат. Адабиётлар: А1;А2; А3; А4; Қ1; Қ3; Қ4.

Фан бўйича маъруза машғулотларнинг календар тематик режаси:

№	Мавзу	Ауди- тория соати
1	Кириш. Web дастурлаш фани тўғрисида умумий маълумотлар	2
2	HTML асослари. HTML разметкалари (HEAD, TITLE, BASE (URL базаси), ISINDEX (қидирув шаблони), META (метаинформация), LINK (умумий ссилкалар), STYLE (стиллар), SCRIPT (скриптлар)) тўғрисида умумий маълумотлар.	2
3	HTMLда форма ва объектлар.	2
4	Жадваллар ва фреймлар. Web-сайт саҳифаларни яратишда улардан фойдаланиш. Уларнинг турлари ва ишлатилиши.	2
5	Динамик Веб-сайтлар билан ишлаш. JavaScript ва PHP да дастурлаш.	2
6	JavaScriptдаги маълумот турлари, ўзгарувчилари, ифодалари ва арифметик операторлар.	2
7	JavaScriptда функция, метод, объектлар ва уларнинг хусусиятлари.	2
8	PHP ва MySQL кириш ва улар билан ишлаш PHPга кириш ва уни ўрнатиш	2
9	MySQL кириш ва уни ўрнатиш. MySQL да маълумотлар базасини шакллантириш ва уни PHP сценарийлари билан боғлаш	2
	ЖАМИ	18

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотларда талабалар турли Web дастурлаш тилларини ўрганадилар.

Амалий машғулотларнинг тахминий тавсия этиладиган мавзулар:

1. HTML асослари. HTML теглари билан ишлаш.
2. Клиент томонида дастурлаш. JavaScript. JavaScript ни HTML-хужжатга киритиш. JavaScriptда маълумот турлари, ўзгарувчилар, ифодалар ва арифметик операторлар.
3. JavaScript да кетма-кетликни бошқарувчи элементлар билан ишлаш. Шарт, цикл, танлов операторлари.
4. Функция ва методларни яратиш. Объектлар ва уларнинг хусусиятлари. String, Array, Date, Math объектлари.
5. JavaScriptда хужжатнинг объектли модели. window, location, history, document, navigator объектлари билан ишлаш.
6. Маълумот турлари билан ишлаш. Ўзгарувчилар. Ифода. Операциялар.
7. PHP дистрибутивини ўрнатиш ва унда сценарийлари билан ишлаш. PHP ёрдамида динамик веб-сайтлар учун сценарийлар яратиш
8. MySQL маълумотлар базасини бошқариш тизимини ўрнатиш ва унда маълумотлар базасини шакллантириш

9. MySQL даги маълумотлар базасини PHP сценарийлари билан боғлаш.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини амалий масалалар ечиш орқали янада бойитадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида талабалар билимларини мустақамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, илмий мақолалар ва тезисларни чоп этиш орқали талабалар билимини ошириш, масалалар ечиш, мавзулар бўйича кўргазмали қуроллар тайёрлаш ва бошқалар тавсия этилади.

Фан бўйича амалий машғулотларнинг календар тематик режаси:

№	Амалиёт машғулотлар мавзуси	Ауди- тория соати
1	HTML теглари билан ишлаш	2
2	Клиент томонида дастурлаш. JavaScript.	2
3	JavaScript сценарийларини HTML-хужжатга киритиш. JavaScriptда маълумот турлари, ўзгарувчилар, ифодалар ва арифметик операторлар билан ишлаш.	2
4	JavaScript да кетма-кетликни бошқарувчи элементлар билан ишлаш. Шарт, цикл, танлов операторлари.	2
5	Функция ва методларни яратиш. Объектлар ва уларнинг хусусиятлари. String, Array, Date, Math объектлари.	2
6	PHP дистрибутивини ўрнатиш ва унда сценарийлари билан ишлаш.	2
7	PHP ёрдамида динамик веб-сайтлар учун сценарийлар яратиш	2
8	MySQL маълумотлар базасини бошқариш тизимини ўрнатиш ва унда маълумотлар базасини шакллантириш	2
9	MySQL даги маълумотлар базасини PHP сценарийлари билан боғлаш	2
ЖАМИ		18

Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Лаборатория ишлари талабаларда Web-саҳифа, Web-сайтлар, Электрон харита, электрон дўкон, турли объектларни яратиш бўйича амалий кўникма ва малака хосил қиладилар.

Лаборатория ишларига тавсия этиладиган мавзулар:

1. HTML гипертекстли тили ёрдамида Web-саҳифа яратиш.
2. Web -саҳифалари учун CSS стиллар файлини яратиш.
3. JavaScript объектларини ўрганиш. JavaScript ёрдамида янги объектларни яратиш.
4. JavaScript тили ёрдамида мураккаб объектларни яратиш. JavaScriptда қидирув дастурини яратиш.
5. JavaScriptда интерактив тест ўтказиш дастурини яратиш.
6. PHP сценарийлари ёрдамида динамик веб-сайтлар яратиш

7. MySQL маълумотлар базаси билан ишлаш.

Фан бўйича лаборатория машғулотларнинг календар тематик режаси:

№	Лаборатория машғулотлари	Аудитория соати
1	Лаборатория иш №1. HTML гипертекст тили ёрдамида Web-саҳифа яратиш.	
1.1	Масаланинг қўйилиши. Топшириқлар бериш.	2
1.2	Ҳисоботни тайёрлаш ва топшириш	2
2	Лаборатория иш №2. Web -саҳифалари учун CSS стиллар файлини яратиш	
2.1	Масаланинг қўйилиши. Топшириқлар бериш.	2
2.2	Ҳисоботни тайёрлаш ва топшириш	2
3	Лаборатория иш №3. JavaScript ёрдамида янги объектларни яратиш	
3.1	Масаланинг қўйилиши. Топшириқлар бериш.	2
3.2	Ҳисоботни тайёрлаш ва топшириш	2
4	Лаборатория иш №4. PHP сценарийлари ёрдамида динамик веб-сайтлар яратиш. MySQL маълумотлар базасига боғлаш	
4.1	Масаланинг қўйилиши. Топшириқлар бериш.	2
4.2	Ҳисоботни тайёрлаш ва топшириш	4
	ЖАМИ	18

Мустақил таълим ташкил этишнинг шакли ва мазмуни.

Ушбу ўқув фани бўйича талабанинг мустақил иши маърузалар матни, тавсия этилган адабиётлар ҳамда даврий журналлар ва Интернет материаллари билан ишлашни, амалий машғулотларни бажаришга тайёргарлик кўришни, стандарт талабларига мос равишда ва ҳисоблаш техникасидан фойдаланиб мустақил бажаришни ўз ичига олади.

Талабаларга мустақил ишни тайёрлаш жараёнида фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда унинг қуйидаги шаклларида фойдаланиш тавсия этилади:

- дарслик ва ўқув қўлланмалар бўйича фаннинг тегишли боб ва мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар маълумотларини ўзлиштириш;
- даврий-илмий ва илмий-техник журналларда эълон қилинган ушбу фанга тегишли мақолалар, интернет маълумотлари билан танишиш;
- фаннинг долзарб мавзулари бўйича рефератлар ёзиш, уларнинг тақдимотини ўтказиш, илмий ва услубий анжуманларда маърузалар билан иштирок этиш.

Талабаларга мустақил ишларни қуйидаги мавзуларда бажариш тавсия этилади.

Талабалар мустақил таълимнинг мазмуни ва ҳажми:

№	Мавзу номи	ҳажми
1.	Web-технологиялари фанига кириш. HTML. HTML-хужжатни структураси.	2
2.	HTML-хужжатни ва матни форматлаш. Рангни бошқариш. Гиперкурсатгичларни яратиш.	2
3.	HTML-хужжатга ташки объектларни киритиш. Руйхатларни, жадвалларни, фреймлар, формаларни яратиш.	2
4.	CSSга кириш. CSS синтаксиси. CSSни HTML-хужжатда куллаш.	4
5.	Улчов бирликлари. Шрифт, матн, фон и ранг хоссалари. Чегара, позиция, визуал хоссалар.	4
6.	Стиллер, синфлар ва псевдосинфларни группалаш. Фильтрлар.	2
7.	JavaScriptга кириш. JavaScript-скриптларни HTML-хужжатда куллаш.	2
8.	JavaScript типлари, узгарувчилари, ифодалар, арифметик операторлари. JavaScript дастурини бошқариш элементлари.	4
9.	Функциялар ва методлар. Объектлар ва хоссалар.	2
10.	JavaScript да хужжатни объектли модели. Хоссалар ва усуллар. Ходисаларни ишлаш.	2
11.	Интерактив формалар. Cookie файллари ва JavaScriptда хавфсизлик.	2
12.	PHPга кириш. PHP ни уртатиш ва тест килиш.	4
13.	Виртуал сервер Apache. Асосий синтаксис. Типлар. Узгарувчилар. Ифодалар.	2
14.	Дастурини бажарилишини бошқариш операторлари.	4
15.	Функциялар. Класслар и объектлар.	2
16.	Хатоларни кайта ишлаш. PHP-функциялар.	4
17.	MySQL маълумотлар базаси.	2
18.	MySQL маълумотлар базаси билан ишлаш принциплари.	2
	Жами:	48

Дастурнинг информацион-услугий таъминоти

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларни қўллаш назарда тутилган.

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик материаллардан;

- амалий машғулотларида замонавий компьютер синфларидан фойдаланиш кўзда тутилган. Шунингдек бугунги куннинг асосий маълумотлар олиш базаси сифатида Интранет ва Интернет тизимида уланган бўлиши ва таълим муассасаси порталига маълумотларни жойлаштириш имконияти мавжуд бўлиши лозим.

«Web дастурлаш» фанидан талабалар билимини рейтинг тизими асосида баҳолаш мезони

Фан бўйича талабалар бўйича рейтинг жадваллари, назорат тури, шакли, сони ҳамда ҳар бир назоратга ажратилган максимал балл, шунингдек жорий ва оралиқ назоратларининг саралаш баллари ҳақидаги маълумотлар фан бўйича биринчи машғулотда талабаларга эълон қилинади.

Фан бўйича талабаларнинг билим савияси ва ўзлаштириш даражасининг Давлат таълим стандартларига мувофиқлигини таъминлаш учун қуйидаги назорат турлари ўтказилади:

- жорий назорат (ЖН) - талабанинг фан мавзулари бўйича билим ва амалий кўникма даражасини аниқлаш ва баҳолаш усули. Жорий назорат фаннинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда амалий машғулотларда оғзаки сўров, тест ўтказиш, суҳбат, назорат иши, коллеквиум, уй вазифаларини текшириш ва шу каби бошқа шаклларда ўтказилиши мумкин;

- оралиқ назорат (ОН) - семестр давомида ўқув дастурининг тегишли (фанларнинг бир неча мавзуларини ўз ичига олган) бўлими тугаллангандан кейин талабанинг назарий билим ва амалий кўникма даражасини аниқлаш ва баҳолаш усули. Оралиқ назорат бир семестрда икки марта ўтказилади ва шакли (ёзма, оғзаки, тест ва ҳоказо) ўқув фанига ажратилган умумий соатлар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда белгиланади;

- якуний назорат (ЯН) - семестр якунида муайян фан бўйича назарий билим ва амалий кўникмаларни талабалар томонидан ўзлаштириш даражасини баҳолаш усули. Якуний назорат асосан таянч тушунча ва ибораларга асосланган «Ёзма иш» шаклида ўтказилади.

ОН ўтказиш жараёни кафедра мудирини томонидан тузилган комиссия иштирокида мунтазам равишда ўрганиб борилади ва уни ўтказиш тартиблари бузилган ҳолларда, ОН натижалари бекор қилиниши мумкин. Бундай ҳолларда ОН қайта ўтказилади.

Олий таълим муассасаси раҳбарининг буйруғи билан ички назорат ва мониторинг бўлими раҳбарлигида тузилган комиссия иштирокида ЯН ни ўтказиш жараёни мунтазам равишда ўрганиб борилади ва уни ўтказиш тартиблари бузилган ҳолларда, ЯН натижалари бекор қилиниши мумкин. Бундай ҳолларда ЯН қайта ўтказилади.

Талабанинг билим савияси, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг рейтинг тизими асосида талабанинг фан бўйича ўзлаштириш даражаси баллар орқали ифодаланади.

Фан бўйича талабаларнинг семестр давомидаги ўзлаштириш кўрсаткичи 100 баллик тизимда баҳоланади.

Ушбу 100 балл баҳолаш турлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

Жорий баҳолаш – 35 балл;

Оралиқ баҳолаш – 35 балл;

Якуний баҳолаш – 30 балл

Жами – 100 балл

Балл	Баҳо	Талабаларнинг билим даражаси
86-100	Аъло	Хулоса ва қарор қабул қилиш. Ижодий фикрлай олиш. Мустақил мушоҳада юрита олиш. Олган билимларини амалда қўллай олиш. Моҳиятини тушунтириш. Билиш, айтиб бериш. Тасаввурга эга бўлиш.
71-85	Яхши	Мустақил мушоҳада қилиш. Олган билимларини амалда қўллай олиш. Моҳиятини тушунтириш. Билиш, айтиб бериш. Тасаввурга эга бўлиш.
55-70	Қониқарли	Моҳиятини тушунтириш. Билиш, айтиб бериш. Тасаввурга эга бўлиш.
0-54	Қониқарсиз	Аниқ тасаввурга эга бўлмаслик. Билмаслик.

Фан бўйича саралаш бали 55 баллни ташкил этади. Талабанинг саралаш балидан паст бўлган ўзлаштириши рейтинг дафтарчасида қайд этилмайди. Талабаларнинг ўқув фани бўйича мустақил иши жорий, оралиқ ва якуний назоратлар жараёнида тегишли топшириқларни бажариши ва унга ажратилган баллардан келиб чиққан ҳолда баҳоланади.

$$R = \frac{V * O}{100}$$

Бу ерда: V-семестрда фанга ажратилган умумий ўқув юкламаси (соатларда); O`-фан бўйича ўзлаштириш даражаси (балларда).

Фан бўйича жорий ва оралиқ назоратларга ажратилган умумий баллнинг 55 фоизи саралаш балл ҳисобланиб.

– Жорий ЖН ва оралиқ ОН турлари бўйича 55 балл ва ундан юқори бални тўплаган талаба фанни ўзлаштирган деб ҳисобланади ва ушбу фан бўйича якуний назоратга кирмаслигига йўл қўйилади.

– Талабанинг семестр давомида фан бўйича тўплаган умумий бали ҳар бир назорат туридан белгиланган қоидаларга мувофиқ тўплаган баллари йиғиндисига тенг.

– ОН ва ЯН турлари календар тематик режага мувофиқ деканат томонидан тузилган рейтинг назорат жадваллари асосида ўтказилади. ЯН семестрнинг охирги 2 ҳафтаси мобайнида ўтказилади.

– ЖН ва ОН назоратларда саралаш балидан кам балл тўплаган ва узрли сабабларга кўра назоратларда қатнаша олмаган талабага қайта топшириш учун, навбатдаги шу назорат туригача, сўнгги жорий ва оралиқ назоратлар учун эса якуний назоратгача бўлган муддат берилади.

– Талабанинг семестрда ЖН ва ОН турлари бўйича тўплаган баллари ушбу назорат турлари умумий балининг 55 фоизидан кам бўлса ёки семестр якуний жорий, оралиқ ва якуний назорат турлари бўйича тўплаган баллари йиғиндиси 55 балдан кам бўлса, у академик қарздор деб ҳисобланади.

– Талаба назорат натижаларидан норози бўлса, фан бўйича назорат тури натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб бир кун мобайнида факультет

деканига ариза билан мурожаат этиши мумкин. Бундай ҳолда факультет деканининг тақдимномасига кўра ректор буйруғи билан 3 (уч) аъзодан кам бўлмаган таркибда апелляция комиссияси ташкил этилади.

– Апелляция комиссияси талабаларнинг аризаларини кўриб чиқиб, шу куннинг ўзида хулосасини билдиради.

Баҳолашнинг ўрнатилган талаблар асосида белгиланган муддатларда ўтказилиши ҳамда расмийлаштирилиши факультет декани, кафедра мудири, ўқув-услубий бошқарма ҳамда ички назорат ва мониторинг бўлими томонидан назорат қилинади.

Талабаларнинг ОН дан тўплайдиган балларнинг намунавий мезонлари

№	Кўрсаткичлар	ОН баллари		
		макс	1-ОН	2-ОН
1	Дарсларга қатнашганлик даражаси. Маъруза дарсларидаги фаоллиги, конспект дафтарларининг юритилиши ва тўлиқлиги.	15	0-7	0-8
2	Талабаларнинг мустақил таълим топшириқларини ўз вақтида ва сифатли бажариши ва ўзлаштириш.	10	0-5	0-5
3	Оғзаки савол-жавоблар, коллоквиум ва бошқа назорат турлари натижалари бўйича	10	0-5	0-5
Жами ОН баллари		35	0-17	0-18

Талабалар ЖН дан тўплайдиган балларнинг намунавий мезонлари

№	Кўрсаткичлар	ЖН баллари		
		макс	1-ЖН	2-ЖН
1	Дарсларга қатнашганлик ва ўзлаштириши даражаси. Амалий машғулотлардаги фаоллиги, амалий машғулот дафтарларининг юритилиши ва ҳолати	15	0-7	0-8
2	Мустақил таълим топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши. Мавзулар бўйича уй вазифаларини бажарилиш ва ўзлаштириши даражаси.	10	0-5	0-5
3	Ёзма назорат иши ёки тест саволларига берилган жавоблар	10	0-5	0-5
Жами ЖН баллари		35	0-17	0-18

Якуний назоратда «Ёзма иш»ларни баҳолаш мезони

Якуний назорат «Ёзма иш» шаклида амалга оширилганда, синов кўп вариантли усулда ўтказилади. Ҳар бир вариант 3 та назарий савол ва 2 та амалий топшириқдан иборат. Назарий саволлар фан бўйича таянч сўз ва иборалар асосида тузилган бўлиб, фаннинг барча мавзуларини ўз ичига қамраб олган.

Ҳар бир назарий саволга ёзилган жавоблар бўйича ўзлаштириш кўрсаткичи 0-6 балл оралиғида баҳоланади. Амалий топшириқ 0-6 балл оралиғида баҳоланади. Талаба максимал 30 балл тўплаши мумкин.

Ёзма синов бўйича умумий ўзлаштириш кўрсаткичини аниқлаш учун вариантда берилган саволларнинг ҳар бири учун ёзилган жавобларга қўйилган ўзлаштириш баллари қўшилади ва йиғинди талабанинг якуний назорат бўйича ўзлаштириш бали ҳисобланади.

Тавсия этилган адабиётлар руйхати

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. На сессии Олий Мажлиса, май 2001 г. “Экономическое обозрение” № 6, 2002 г., «Информационные технологии на службе развития» www.infocm.uz/more.php

2. Каримов И.А. «Информационные технологии и коммуникации для образования» Газета: Правда Востока, №66

3. Уилтон П. JAVASCRIPT. Основы. Символ-плюс. 2002. 1056 с.

4. Кингли-Хью Э., Кингли-Хью К. JAVASCRIPT 1.5: Учебный курс. Питер. 1-е издание. 2002.

5. Дронов В. JavaScript в Web-дизайне Питер. 2001.

Қўшимча адабиётлар

1. Ратшиллер Т., Геркен Т. PHP4: разработка Web-приложений. Питер, 2001. - 384 с.

2. Мазуркевич М.М., Мазуркевич И.М. PHP4. Настольная книга программиста. СПб. 2003.

3. Бранденбау. JAVASCRIPT. Сборник рецептов для профессионалов. СПб. 2001.

4. Томсон Л., Веллинг Л. Разработка Web-приложений на PHP и MySQL. - К.: "ДиаСофт", 2001. - 672 с.

5. Ёрбеков Я.Ё. Web дастурлаш (Маърузалар матни), 2007 й.

6. INTUIT, Введение в Java Script, 2009 г.

7. Махмудов З.М. Web программирование. Конспект лекции. 2008 й.

Ахборот-ресурс манбалар:

<http://www.edu.uz> - Ўзбекистан Республикаси Олий таълим портали

<http://www.ziynet.uz> - Ўзбекистан Республикаси таълим портали

<http://www.infonnika.ru> - ГосНИИ ИТТ «Информика»

<http://www.openet.ru> - Российский портал открытого образования

<http://ict.edu.ru/konkurs>

<http://konkurs.auditorium.nl>

<http://www.mesi.ru/e-ioc>

3. КАЛЕНДАР РЕЖА

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ

2013-2014 ўқув йили 6-семестрида **5510600**– Хизмат кўрсатиш техникаси ва технологияси (хизмат кўрсатиш тармоқлари бўйича) бакалавр таълим йўналиши 314-315-316-гуруҳи талабаларига Телекоммуникациялар ва касб таълими факультети «Ахборот таълим технологиялари» кафедраси ўқитувчилари томонидан ўқитиладиган **“Web дастурлаш”** фани ишчи дастурининг машғулотлар тури бўйича бажарилишининг

КАЛЕНДАР ТЕМАТИК РЕЖАСИ

Маъруза ўқитувчиси _____

Амалиёт машғулоти ўқитувчиси _____

Лаборатория машғулоти ўқитувчиси _____

№	Машғулоти тури	Асосий мавзулар	Режалаштирилган соат	Бажарилганлиги		
				Сана (кун, ой, йил)	Соат	Имзо
1.	Маъруза	Кириш. Web дастурлаш фани тўғрисида умумий маълумотлар	2			
2.	Маъруза	HTML асослари. HTML разметкалари тўғрисида умумий маълумотлар.	2			
3.	Маъруза	HTMLда форма ва объектлар.	2			
4.	Маъруза	Жадваллар ва фреймлар. Web-сайт саҳифаларни яратишда улардан фойдаланиш.	2			
5.	Маъруза	Динамик Веб-сайтлар билан ишлаш. JavaScript ва PHP да дастурлаш.	2			
6.	Маъруза	JavaScriptдаги маълумот турлари, ўзгарувчилари, ифодалари ва арифметик операторлар.	2			
7.	Маъруза	JavaScriptда функция, метод, объектлар ва уларнинг хусусиятлари.	2			
8.	Маъруза	PHP ва MySQL кириш ва улар билан ишлаш	2			
9.	Маъруза	MySQL да маълумотлар базасини шакллантириш ва уни PHP сценарийлари билан боғлаш	2			
10.	Амалий	HTML теглари билан ишлаш	2			
11.	Амалий	Клиент томонида дастурлаш. JavaScript.	2			
12.	Амалий	JavaScript сценарийларини HTML-хужжатга киритиш.	2			
13.	Амалий	JavaScript да кетма-кетликни бошқарувчи элементлар билан ишлаш. Шарт, цикл, танлов операторлари.	2			

14	Амалий	JavaScript да функция ва методларни яратиш.	2			
15	Амалий	PHP дистрибутивини ўрнатиш ва унда сценарийлари билан ишлаш.	2			
16	Амалий	PHP ёрдамида динамик веб-сайтлар учун сценарийлар яратиш	2			
17	Амалий	MySQL маълумотлар базасини бошқариш тизимини ўрнатиш ва унда маълумотлар базасини шакллантириш	2			
18	Амалий	MySQL даги маълумотлар базасини PHP сценарийлари билан боғлаш	2			
19	Лаборатория	Лаборатория иш №1. HTML гипертекст тили ёрдамида Web-саҳифа яратиш.	2			
20	Лаборатория	HTML гипертекст тили ёрдамида Web-саҳифа яратиш. Ҳисоботларни қабул қилиш	2			
21	Лаборатория	Лаборатория иш №2. Web - саҳифалари учун CSS стиллар файлини яратиш	2			
22	Лаборатория	Web -саҳифалари учун CSS стиллар файлини яратиш Ҳисоботларни қабул қилиш	2			
23	Лаборатория	Лаборатория иш №3. JavaScript ёрдамида янги объектларни яратиш	2			
24	Лаборатория	JavaScript ёрдамида янги объектларни яратиш Ҳисоботларни қабул қилиш	2			
25	Лаборатория	Лаборатория иш №4. PHP сценарийлари ёрдамида динамик веб-сайтлар яратиш.	2			
26	Лаборатория	Лаборатория иш №4. MySQL маълумотлар базасига боғлаш	2			
27	Лаборатория	MySQL маълумотлар базасига боғлаш Ҳисоботларни қабул қилиш	2			
Жами:			54			

Тузувчилар:

**доц. Бойназаров.И.М.
асс. А. Дониёров**

Кафедра мудири:

доц. Бойназаров.И.М.

Факультет декани:

доц. Нарзуллаев У.Х.

4. БАҲОЛАШ МЕЪЗОНЛАРИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ

ТЕЛЕКОМУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КАСБ ТАЪЛИМИИ
факультети

“Ахборот таълим технологиялари” кафедраси

5610600 – **Хизмат кўрсатиш техникаси ва технологияси (хизмат кўрсатиш тармоқлари бўйича)**

“WEB ДАСТУРЛАШ” фанидан
3-курс бакалавриат йўналиши учун

БАҲОЛАШ МЕЪЗОНЛАРИ

Тузувчи :

асс. Дониёров А.А.

Баҳолаш мезонлари кафедранинг 2014 йил «__»_____ 1- сон
мажлис қарори билан тасдиқланган.

Кафедра мудири

доц. Бойназаров И.М.

Самарқанд-2014 й.

“WEB ДАСТУРЛАШ” фани бўйича БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Талабаларнинг билимини баҳолаш учун 6 – семестрда уч турдаги баҳолаш ўтказилади. Булар жорий, оралик ва якуний баҳолашлар. Семестрда жорий баҳолашлар, оралик баҳолаш ва якуний бир марта ўтказилади.

Жорий баҳолаш

Жорий баҳолаш амалий ва лаборатория машғулоти давомида кундалик баҳолаш, талабанинг дарсга қатнашиши, уй вазифалари ва амалий топшириқларнинг бажарилишига қараб баҳоланади.

1-ЖН баҳолаш 1-14 амалий машғулоти мавзулар бўйича амалга оширилади. Максимал балл – 17 балл, саралаш балл – 9 балл.

Амалий машғулотлардаги баҳолаш жараёнида қуйидагилар инобатга олинади:

- Талабанинг мустақил назарий тайёргарлик даражаси (конспектларни текшириш ёки оғзаки савол-жавоб орқали);
- Машқлар бажаришда назарий билимларни (Дастурларни ярата олиши, уларни ишлата билиши ва ҳ.к.) тўғри қўллай олиши;
- Талабанинг дарслардаги фаоллиги;
- Уйга вазифаларни мунтазам ва тўғри бажариши;
- Мустақил иш сифатида берилган топшириқларни бажарганлиги.
- Талабанинг дарслардаги давомати.

Амалий машғулотлардаги баҳолаш жараёнида баллар тақсимоти:

Мезонлар	балл
Аудиторияда машқлар бажариш, назарий тайёргарлик даражаси, машқлар бажаришда назарий билимларни тўғри қўллай олиши	6
Талабанинг дарслардаги фаоллиги, давомати, тартиб-интизоми	6
Мустақил иш сифатида берилган уйга вазифаларни мунтазам ва тўғри бажариши	6
Жами	18

2-ЖН баҳолаш эса 1-3 лаборатория ишлари бўйича амалга оширилади. Максимал балл – 18 балл, саралаш балл – 10 балл.

2. Лаборатория ишларини баҳолашда қуйидагилар инобатга олинади:

- Талабанинг мустақил назарий тайёргарлик даражаси (Ҳисоботни текшириш, оғзаки савол-жавоб орқали);
- Лаборатория ишининг мақсади ва унинг бажарилиш тартибини билиши;
- Ишнинг тўғри бажарилганлиги ва талаб қилинган натижаларга эришилганлиги;
- Олинган натижаларнинг таҳлили асосида хулосалар берилганлиги;
- Ҳисоботнинг мавжудлиги ва тўғри расмийлаштирилганлиги.
- Талабанинг дарслардаги давомати.

Лаборатория ишларини баҳолашда баллар тақсимоти:

Мезонлар	Максимал балл
1-лаборатория иши	5
2-лабаратория иши	6
3-лабаратория иши	7
Жами	18

Оралик баҳолаш

ОН баҳолаш. 1-оралиқ баҳолаш 1-7 мавзулардан оғзаки кўринишда ўтказилиб, унда талабалар саволларга ёзма тайёрланиб, сўнгра оғзаки жавоб беради. Вариантда саволлар асосан 3 та бўлиб, 1-савол назарий материал, 2-савол эса амалий ва лаборатория машғулотлари материали бўйича берилиб, 3-савол мустақил иш бўйича илгари берилган топшириқнинг бажарилишини назорат қилишдан иборат бўлади. Талаба ёзган назорат иши далилий ҳужжат сифатида кафедрада сақланади. 1-ОБ календар тематик бўйича 1-7 назарий мавзулар ўтилгандан сўнг деканат жадвали асосида ўтказилади. Максимал балл – 35 балл, саралаш балл – 19 балл.

1-ОБ учун белгиланган максимал балл (17) нинг саволлар бўйича тақсимооти:

Саволлар	Максимал балл
1-савол маъруза дарсларида ўтилган назарий материал бўйича	6
2-савол амалий ва лаборатория машғулотларида ўтилган матариал бўйича (назарий билимларни амалда қўллай олиш кўникмасини текшириш учун)	6
3-савол мустақил иш бўйича илгари берилган топшириқнинг бажарилишини назорат қилиш	5
Жами	17

2-ОН баҳолаш. 2-ОБ ёзма иш сифатида 8-14 назарий мавзулар ўтилгандан сўнг деканат жадвали асосида ўтказилади. Саволлар худди 1-ОБ дагидек берилади. Максимал балл – 18 балл, саралаш балл – 10 балл. 2-ОБ учун белгиланган максимал балл (18) нинг саволлар бўйича тақсимооти:

Саволлар	Максимал балл
1-савол маъруза дарсларида ўтилган назарий материал бўйича	6
2-савол амалий ва лаборатория машғулотларида ўтилган матариал бўйича (назарий билимларни амалда қўллай олиш кўникмасини текшириш учун)	6
3-савол мустақил иш бўйича илгари берилган топшириқнинг бажарилишини назорат қилиш	6
Жами	18

Оралиқ назоратларда балларнинг баҳолар бўйича тақсимооти

	Баҳо	1-ОБ	2-ОБ
Баҳолаш мезони	“Аъло”	15-17 б.	16-18 б.
	“Яхши”	13-14 б.	13-15 б.
	“Ўрта”	10-12 б.	11-12 б.
	“Қониқарсиз”	0-9 б.	0-10 б.

Оралиқ назоратларда балларнинг баҳолар бўйича тақсимооти

	Баҳо	ОБ
Баҳолаш мезони	“Аъло”	31-35 б.
	“Яхши”	26-30 б.
	“Ўрта”	20-25 б.
	“Қониқарсиз”	0-19 б.

Оралиқ баҳолаш мезонлари:

1. Берилган жавобнинг вариантдаги саволга мослиги ва таянч тушунчалар моҳияти тўлиқ очиқ берилганлиги;
2. Фаннинг ОБ учун белгиланган бўлими ёки қисми бўйича назарий билимларни ўзлаштириш даражаси;
3. Олинган назарий билимларни амалда қўллай билиш кўникмаларининг шаклланганлик даражаси;
4. Берилган жавобларда мантиқийлик, ижодий ёндошув, изчиллик, илмий асосланганлик ва мустақил фикрлашнинг намуна қилинганлиги;
5. Тавсия этилганлардан ташқари қўшимча манбалардан фойдаланганлик;
6. Сайтлар ҳақида тушунчага эга бўлиши, элементлар, ҳужжат тузилишини ишлата олиши, иллюстрацияларнинг аниқ, тўғри ва раво бажарилиши; атамаларнинг аниқ ёзилиши; жавоб матнининг чиройли ва раво ёзилиши.

Якуний баҳолаш

ЯН баҳолаш. Якуний баҳолаш учун ҳам деканат томонидан жавдал асосида ўтказилади. ЖБга ажратилган умумий балл ва ОБга ажратилган умумий баллдан саралаш балини (39 балл) тўплаган талабага ЯБда иштирок этиш ҳуқуқи берилади. ЯБ ёзма иш кўринишида бажарилади. Билетларда саволлар 3 та бўлиб, 2 та назарий ва 1 та амалий саволлардан иборат. Максимал балл – 30 балл, саралаш балл – 17 балл.

	Баҳо	Балл
Баҳолаш мезони	“Аъло”	27-30 б.
	“Яхши”	22-26 б.
	“Ўрта”	18-21 б.
	“Қониқарсиз”	0-17.

Ёзма ишлар сифатини текширишда талабанинг мазкур фан бўйича илмий, назарий ва амалий тайёргарликларини баҳолаш лозим. Ёзма ишнинг матни ва вариантдаги ҳар бир савол жавоблари қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

1. Баён қилинган материални тўлаллиги ва мазмунлилиги.

2. Ёзилган матннинг вариантдаги саволга мослиги.
3. Жавобнинг мантиқан кетма-кетлиги ва лўндалиги.
4. Муҳандислик тилида баён қилиниш даражаси, аниқ таърифлар ва атамалардан фойдаланиши.
5. Ўрганилган фан назариясини амалиёт билан боғлай олиши ва амалий масалаларини еча олиш қобилияти.
6. Сайтлар ҳақида тушунчалар, элементлар, ҳужжат тузилишини ишлата олиши, иллюстрацияларни аниқ, тўғри ва равон бажарилиши.
7. Фаннинг ёритилган масаласи соҳасига тегишли даврий адабиётлар, монографиялар ва қўшимча адабиётлардаги ва интернет тармоғидан материалларда келтирилган илмий-техник ютуқларда фойдалана билиши.
8. Фаннинг амалий масаласини ечишда мумкин бўлган вариантларни келтириш ва асосланган ечимларни қабул қила олиши.
9. Ўз фикрини баён қила олиши, мустақил фикрлаши.
10. Атамаларнинг аниқ ёзилиши. Ёзма иш матнининг чиройли ва равон ёзилиши.

«Ёзма иш»ни баҳолаш унга қўйилган юқоридаги талаблардан келиб чиқиб, қуйидаги мезонлар асосида амалга оширилади:

- ❖ Талаба берилган вариантдаги барча саволларга юқоридаги талабларга тўла жавоб берадиган даражада жавоб ёзган бўлса, унга ЯБ учун ажратилган умумий баллнинг 85-100% гача миқдорда балл қўйилади.
- ❖ Талаба берилган вариантдаги барча саволлар моҳиятини атрофлича ижодий ёндашган ҳолда ёритиб, уни юқори талаблар доирасида ёзишга ҳаракат қилган бўлса, унга умумий баллнинг 70-85%и қўйилади.
- ❖ Талаба берилган вариантдаги саволлар ва таянч тушунчалари моҳиятини юзаки (ёки қисман) очиб берган бўлса, лекин улар билан боғлиқ бўлган маълумотларни бермаган ва баёнда мантиқий яхлитликка эришмаган бўлса, умумий баллнинг 55-70%и қўйилади.
- ❖ Талаба берилган вариантдаги саволлар ва таянч тушунчалари моҳиятини оча олмаган ва унга изоҳ бермаган бўлса умумий баллнинг 55% гача бўлган балл қўйилади ва кирувчи ижобий баҳоланмаган бўлади.

ЯБда олинган натижавий балл талабанинг ЖБ ва ОБ турларда тўплаган балларга қўшилади.

Баҳолаш мезонлари:

	Баҳо	1-ЖБ	2-ЖБ	ОБ	ЯН
Максимал балл		17	18	35	30
Баҳолаш мезони	“Аъло”	15-17 б.	16-18 б.	31-35 б.	27-30 б.
	“Яхши”	13-14 б.	13-15 б.	26-30 б.	22-26 б.
	“Ўрта”	10-12 б.	11-12 б.	20-25 б.	18-21 б.
	“Қониқарсиз”	0-9 б.	0-10 б.	0-19 б.	0-17.

5. ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

1-Мавзу: WEB ДАСТУРЛАШ ФАНИГА КИРИШ, КОМПЬЮТЕР ТАРМОҚЛАРИ

Маърузага режа-топшириқлар

Фан: WEB дастурлаш технологияси.

Ўқув соати: 2 соат (маъруза);

Ўқув машғулоти тури: маъруза; янги машғулотларни мустаҳкамлаш ва ўрганиш.

Маъруза режаси:

- 1.Компьютер тармоқлари тарихи.
- 2.Интернет глобал компьютер тармоғи.
- 3.Мустақил давлатлар Ҳамдўстлиги ахборот ва молиявий телекоммуникация тармоқлари.
- 4.Интернетда информацион хавфсизлик.

Ўқув машғулоти мақсади:

талабаларга компьютер тармоғи тушунчаси, интернет тушунчаси, интернет глобал компьютер тармоғи, телекоммуникация тармоқлари, интернетда информацион хавфсизлик тушунчаси ҳақида маълумот бериш

Ўқув машғулотининг вазифалари:

- *Ўргатувчи:* талабаларда қабул қилиш фаолиятини ташкил қилиш, янги материални бошланғич есда қолдириш ва англаш; терминлар, ибораларни характерловчи элементлар; талабаларнинг фирлашини ривожлантириш муаммоли масалаларни ечимини маҳоратини ошириш;
- *ривожлантирувчи:* китоб матни билан ишлай билишлиги – мағзларини танлаб олиш, таҳлил қилиш; гаплар тузиш, ҳулоса чиқариш, материални талабаларнинг излаш фаолиятини стимуллаштириш; хусусийдан умумий ҳолга ўтиш усули билан текшириш; текшириш натижаларини таҳлил қилиб ва уни умумлаштира олишини ривожлантириш; аналитик-синтетик фаолиятнинг мантикий фикрлашини қўллаш; талабаларнинг ижодий маҳоратини шакллантириш;

Тарбияловчи: актив фаолиятга, мустақил ишга жалб қилиш; гуруҳларда ишлаш қоидаларига риоя қила олиш; фанни ўрганишга қизиқишни ривожлантириш; жавобгарлик туйғуларини тарбиялаш, меҳнатсеварлик, индивидуал ишни жамоавий иш билан бириктириш, интизомлаштириш

Ўқитиш технологияси:

- *Ўқутиш усуллари:* инструктаж; Маъруза, ақлий хужум, “Инсерт” техникаси;
- *Ўқитиш шакллари:* фронтал; жамоавий;
- *Ўқитиш воситалари:* Маъруза матни; жадваллар, мултимедия;
- *Ўқитиш шароитлари:* техник жиҳозлаштирилган аудитория;

- *Баҳолаш ва мониторинг*: ўғзаки савол-жавоб, блиц-сўров.

Педагогик масалалар:

- Фаннинг масалалари ва унинг ўқув фанлар системасидаги ўрни ва роли билан таништириш;
- Ўқув фаннинг тузулмаси ва тавсия етиладиган ўқув-методик адабиётларни тасвирлаш;
- Фан соҳасида методик ва ташкилий хусусиятларини очиб бериш, баҳолаш шакли ва муддатлари;
- Фан маърузаси пайтида ўқитиш жараёнини ташкил қилишнинг умумий босқичларини характерлаб бериш ва умумий схемасини тушунтириш.
- Ўқитиш технологияси ривожланиши перспективасини характерлаб бериш;

Ўқув фаолияти натижалари:

- Фан маърузаси масалалари, мақсадлари ва номлари шакилланади;
- Фан соҳасида методик ва ташкилий хусусиятлари ҳамда баҳолаш шакли ва муддатлари айтилади
- Фан маърузасида ўқитиш жараёнини ташкил қилишнинг умумий схемасини кенгайтириб хатактерлаб беради;
- Фаннинг асосий таърифларини беради,
- Назарий билимларнинг тўлиқлиги, системалийлиги ва ҳаракатлиийлиги;
- Амалий мағулотларни бажаришда ўрганилган ибораларбилан ишлай олишлиги;

• 1.2. Маърузанинг хронологик харитаси

• 1 босқич. Ўқув машғулотига кириш (10 дақиқа):

- *Ўқитувчининг фаолияти*: тайёргарликни текшириш (давомат, конспектнинг борлиги; ўзига ишонч, аниқлиги,); керакли материалларни тарқатиш (конспект, тарқатма материаллар); маърузанинг мавзуси ва мақсадини баён қилиш; ўқув машғулотнинг ражаси билан таништириш; калит иборалар ва сўзлар, категориялар; интернет сайтлари ва адабиётлар рўйхати; ўқув натижалари ҳақида айтиш;
- *Талабалар фаолияти*: ўқув жойини тайёрлаш (талабалар борлиги; ташқи кўриниш; ўқув материаллар ва қўлланмалар); маърузанинг мавзуси ва мақсади билан танишиш; ўқув материаллини қабул қилишга тайёргарлик кўриш;
- *Шакиллар, усулар, услублар*: инструктаж; фронтал сўров; мустахкамловчи сўров.

2 босқич. Асосий қисм (60 дақиқа):

- *Ўқитувчининг фаолияти*: мавзуга киритади; янги мавзуга доир ўтган фанлар ва машғулотларнинг мавзуларини еслашга чорлайди; маъруза матнини тарқатади, танишишни таклиф этади, “Инсерт” усули билан белгилар қўйишни таклиф этади; биринчи савол бўйича матн ўқилади; қўшимча ўқув материалларини айтиб боориш ва тушунча бериш; натурал объектларни намноён

қилиш ва изоҳлаш; тушунарсиз саволларни аниқлаш ва тушинтириш; биринчи савол бўйича назар (шундай қилиб қолган саволларга ҳам);

- *Талабалар фаолияти:* янги мавзуда доир олдинги машғулотларда ва фанларда олган билимларни мустаҳкамлайди; ҳар бир калит ибора ва терминларни ешитиб, ёзиб бориб, конспект қилиб айтиб боришади; “Инсерт” усули билан белгилан ўқийдилар, аниқлик киритадилар, саволлар берадилар ва ўзаро;
- *Шакиллар, усулар, услублар:* фронтов сўров блиц-сўров; ақлий ҳужум, “Инсерт” техникаси.

3 босқич. Яқунловчи қисим (10 дақиқа)

- *Ўқитувчининг фаолияти:* мавзу бўйича ҳулоса қилиш, талабаларнинг ётиборларини асосийларда жалб қилиш; қилинган ишнинг муҳимлигини айтиб ўтиш; алоҳида талабаларнинг бажарилган ишларини баҳолаш; ўзаро баҳолашнинг натижаларини чиқариш; ўқув машғулотнинг ютуқлик даражасини баҳолаш ва таҳлил қилиш; мустақил иш учун топшириқлар; баҳо кўрсаткичлари ва меъзонлари;
- *Талабалар фаолияти:* ишнинг таҳлили; натижаларни олиш; технологик билимларни қўллаш; ўзаро баҳолашни ўтказиш, йўл қўйилган хатолар бўйича таҳлил ва аниқлик киритиш; мустақил иш топшириқларини ёзиб олиш;
- *Шакиллар, усулар, услублар:* гуруҳларда ишлаш, карточкаларда топшириқлар.

1.3. Ўқув-методик материаллар

Маъруза режаси:

- 1.Компьютер тармоқлари тарихи.
- 2.Интернет глобал компьютер тармоғи.
- 3.Мустақил давлатлар Ҳамдўстлиги ахборот ва молиявий телекоммуникация тармоқлари.
- 4.Интернетда информацион хавфсизлик.

1.3.1. Маъруза матни

Калит сўзлар: Тармоқлар, WEB технологиялари, глобал компьютер тармоғи, интернет, электрон почта, гиперматн, телепорт, информацион хавфсизлик, электрон манзил.

Компьютер тармоқлари тарихи.

Дунёда кўплаб компьютер тармоқлари (КТ) ишлаб турибди. Булардан баъзилари билан танишамиз. 1957 йил **ARPA** (Advanced Research Projects Agency) ташкилоти тузилди. 1960 - йиллар охирида **DARPA** (Defense Advanced Research Projects Agency), 1969 йилда (АҚШнинг Мудофаа министрлиги томонидан ташкил қилинган энг эски КТлари ҳисобланади) **ARPANet** (Advanced Research Projects Agency Network) тажриба тармоғини ташкил этиш

ҳақида қарор қабул қилди. Илк бор ТАРМОҚ 1972 йилда намоиш этилди. У 40 та компьютердан иборат бўлиб, асосий тузилиш принципи ТАРМОҚдаги барча компьютерларнинг тенг ҳуқуқли бўлиши эди. 1975 йил **ARPANet** тажриба тармоғи мақомини ҳаракатдаги (амалий) ТАРМОҚ мақомига ўзгартирди (1989 йил – **ARPANet** мустақил ТАРМОҚ сифатида тугатилди). Унинг афзаллиги – таркибида турли турдаги компьютерлар бор ТАРМОҚ билан ишлаш қобилиятига эгалидир. У кейинчалик бошқа КТлари билан бирлаштирилиб, **Интернет**нинг қисми сифатида ишлатила бошланди. Ҳозирда у **MILNET** – Military NET (ҳарбий ТАРМОҚ), **CSNET** – (Computer Science NETWORK) (компьютер илми тармоғи), **NSFNET** – (National Science Foundation NETWORK) (миллий фан фонди тармоғи) тармоқлар сифатида **Интернет**да ишлатилади.

BITNET (1981) – Because it's Time Network (бугунги кун тармоғи) КТ Нью-Йорк ва Йел университетлари томонидан ишлаб чиқилган Европа, АҚШ қитъаси, Мексика ва бошқа мамлакатларни бирлаштирувчи ТАРМОҚ бўлиб, у алоҳида ажратилган каналлар билан алоқа боғлайди. У **OSI** – (Open System Interconnection – очик халқаро боғланиш тизими) ва TCP/IP қайдномаларига мос тушмайди. Унинг бир хусусияти – узатилган маълумотлар учун ҳақ тўланмайди. Ҳукумат томонидан маблағ билан таъминланади. Унинг кўрсатадиган хизмат доираси файлларни узатиш, электрон почта ва масалаларнинг узокдан туриб ишлашини таъминлашдан иборат.

CSNET (1981) (Computer Science Network – Компьютер ва фан тармоғи) аъзолик бадаллари ва хизмат учун тўловлар ҳисобидан ишлайди. У бутун дунё олимларини бирлаштирувчи тармоқ бўлиб, Интернет таркибига қиради ва TCP/IP қайдномаи асосида ишлайди.

EARN – European Academic Research Network **BITMAP** тармоғи билан бевосита уланган бўлиб, жуда кўп миллий тадқиқот муассасаларини бирлаштиради. Унинг қайдномаси RSES бўлиб, ажратилган каналлар орқали маълумот алмашиналиди, ўз-ўзини хўжалик ҳисобида қоплаш асосида ишлайди.

EUNET – Europe Union Network (Европа компьютер тармоғи уюшмаси). Унинг марказий қисми Амстердамда жойлашган. У асосан UNIX операцион системасида ва UUCP ва TCP/IP да ишлайди.

FIDONET (1984) – шахсий компьютерлар билан MS ва PS DOS бошқарувида ишлайдиган ТАРМОҚ. Файлларни телефон симлари орқали узатади ва UNIX операцион системасида ишлайдиган компьютерлар билан боғланиши мумкин. Файлларни, билдиришларни ва янгиликларни UUCP/USWET тармоқлари билан узатиши мумкин.

ИНТЕРНЕТ – International Network (халқаро компьютер тармоғи) бутун дунё компьютер тармоғидир. У кўп КТларни бирлаштиради ва TCP/IP қайдномалари асосида ишлайди ва компьютер тармоқларини тармоқлараро интерфейс – **GATEWAY** (шлюз) орқали бирлаштиради. Бу тармоқ турли давлат корхоналари, ўқув юртлари, хусусий корхоналар ва шахсларнинг янги компьютер технологиялари яратиш, жорий қилиш ва уларнинг шу соҳадаги ҳаракатларини бирлаштириш учун хизмат қилади. Ҳозирда у бутун дунё қитъаларини ўзига бирлаштиради, Интернет таркибидаги баъзи компьютер

тармоқлари – **CSNET**, **NSFNET**, ўз навбатида, катта-катта тармоқлар бўлиб, ўзлари ҳам бир неча тармоқлардан ташкил топган. Интернетнинг ишини координация қилишни **NIC** (Network Information Centry) Стенфорд университетидаги **SRI** (Stanford Research Institute), кўпинча **SRI – NIC** деб юритилувчи марказ томонидан бошқарилади.

Интернетда **TELNET** (телефон тармоғи) узоққа узатиш, **FTP** (File Transfer Protocol) файлини узатиш, **SMTP** (Simple Mail Transport Protocol) оддий почта жўнатиш қайдномаларидан электрон почта учун фойдаланилади. Доменларни номлаш тизими – **DNS** (Domain Name Systems) қўлланилади.

MSI Mail – савдо-сотик учун мўлжалланган **ICT** ҳам Интернет билан боғланган бўлиб, ўз мижозларига почта, факсимил ва телекс хизматини кўрсатади.

NSFNET – АҚШнинг миллий илмий фонди тармоғи, АҚШдаги минглаб илмий – тадқиқот институтларини, корпорация ва ҳукумат идораларини бирлаштиради. У Америкадаги энг йирик суперкомпьютерга уланган бўлиб, мураккаб масалаларни ечишда ундан фойдаланиш имкониятини беради.

USENET (1979) – янгиликлар ва электрон почтанинг халқаро тармоғи. Университетлар ўртасида алоқа ўрнатиш мақсадида иш бошланган бу тармоқ ҳозирда АҚШнинг деярли барча университетларини КТ орқали бирлаштиради. Ҳатто ундан фойдаланувчилар жуда кўпайиб кетганлиги туфайли, графикнинг анча қисмини **UUNET тармоғига** топширган. **UUNET** тармоғи асосан шу мақсад учун ҳам яратилган.

UUNET – савдо–сотик билан боғлиқ бўлмаган тармоқ бўлиб, у **USENET** янгиликларини **UNIX**да бошланғич матнларни олишни ва бошқа ишларни бажаришни таъминлайди. У Интернет билан тармоқлараро интерфейсга эга.

UUCPNET – Unix-to Unix Copy – халқаро электрон почта бўлиб, маълумотлар **UUCP** номли дастурлар ёрдамида узатилади. **UUCP** – узатиш учун қайднома, коммуникация мақсадлари учун файллар тўплами, коммуникацион дастурлар учун эса буйруқлар тўпламидир. Ундан электрон почталар юбориш ва телеконференцияларда қатнашиш мақсадларида кенг фойдаланилади.

1.1. Интернет – глобал компьютер тармоғи

1983 йилда - Интернет ташкил этилди. Интернет-ахборотлар билан мустақил алмашиш имконини яратди. Интернет (International Network – халқаро компьютер ТАРМОҚ) бутун дунёни қамраб олган глобал компьютер тармоғидир. 1990 йиллар ўрталарида Интернет бизнес-ишловлар билан ишлаш учун қўлланила бошлади. Бироқ, бу борада турли муаммолар мавжуд эди. Интернетнинг статистик маълумотлари қуйидагича:

1981 й.- Интернет га 213 та компьютер уланган;

1983 й.- Интернет га 562 та компьютер уланган;

1986 й.- 5089 та компьютер уланган;

1992 й.- 727000 та компьютер уланган;

1995 й.- 20-40 миллион компьютер бирлашди.

Ҳозирги кунда Интернет дунёнинг 150 дан ортиқ мамлакатларида 100 миллионлаб абонентларга эга. Ҳар ойда тармоқ миқдори 7-10%га ортиб

бормокда. Интернет дунёдаги турли хил маълумотларга оид ахборот тармоқлари ўртасидаги ўзаро алоқани амалга оширувчи ядрони ташкил қилади.

Интернет қачонлардир фақат тадқиқот ва ўқув гуруҳларигагина хизмат қилган бўлса, ҳозирги кунга келиб, у ишлаб чиқариш доиралари орасида кенг тарқалмокда. Компанияларни Интернет тармоғининг тезкорлиги, арзон, кенг қамровдаги алоқа, ҳамкорлик ишларидаги қулайлик, ҳамманинг ишлаши учун имкон берувчи дастур ҳамда маълумотларнинг ноёб базаси эканлиги ўзига тортмокда. Арзон хизмат нархи эвазига фойдаланувчилар АҚШ, Канада, Австралия ва бошқа кўпгина Европа мамлакатларининг тижорат ёки нотижорат ахборот хизматларига йўл топадилар. Интернет нинг эркин кириладиган архивидан инсоният фаолиятининг барча жабҳаларини қамраб оладиган ахборотларни, янги илмий янгиликлардан тортиб, то эртанги кунги об-ҳаво маълумотигача билиб олиш мумкин.

Айниқса, кундалик коммуникацияга мухтож шахслар, ташкилот, муассасалар учун кўпинча телефон орқали тўғридан тўғри алоқа нисбатан Интернет инфраструктурасидан фойдаланиш анчагина арзон тушади. Бу нарса, айниқса, чет элларда филиаллари мавжуд бўлган фирмалар учун қулайдир, чунки Интернет нинг конфиденциал ноёб алоқалари бутун дунё бўйича имкониятга эга.

Шу билан бирга яна бир нарсани таъкидлаш лозимки интернетга гиперматн тушунчаси кириб келди. 1965 йил Нельсон гиперматн сўзини қўллади. Ван Дам ва бошқалар 1967 йилда гиперматн таҳрирловчисини тузиб чикди. Нельсон 1987 йил маълумотларнинг гиперматн таҳрирловчисини тузиб чикди. Женева ЦЕРН (CERN) да ишловчи физик Тим Бернес Ли 1990 йил гиперматнли лойиҳани таклиф этди. Бу лойиҳа физик олимларга Интернет орқали тадқиқот натижаларини ўзаро алмашиш имконини берар эди. Шундай қилиб халқаро ахборот тармоғи – World Wide Web (WWW)га пойдевор қўйилди. 1993 йил Марк Андерсон раҳбарлигида биринчи гиперматнли Mosaic график браузер ишлаб чиқилди ва у Netscape корпорациясига ўтиб Netscape браузерини ишлаб чиқди.

Шундай қилиб биз севган газета ва журналларимизнинг охириги маълумотларини WWW сўзларидан бошланган манзилда кўриш ва уни шу манзилдан нусхасини кўчириб олиш мумкин, деган сўзлар кўпроқ учраб турибди. Шу билан бирга электрон нашрлар тушунчаларининг камрови ойма-ой кенгайиб бормокда. Электрон усулда чоп этилган янги-янги журналлар пайдо бўлмокда.

Интернетнинг асосий тушунчалари:

1. Router (Йўналтирувчи) – интернетда маълумотлар оқимини қулай ва яқин йўл билан манзилга етказишни режалаштирувчи ва амалга оширувчи дастурлар мажмуидир. Одатда йўналтирувчи сифатида махсус компьютердан фойдаланиш яхши натижа беради.

2. Gateway (Шлюз) – маълумотларни узатишнинг турли қайднома (протокол)ларини интернет фойдаланадиган электрон почтанинг оддий қайдномаси **SMTP** га (Simple Mail Transfer Protocol – электрон почта узатишнинг оддий қайдномаси) айлантирадиган компьютер. Аслида шлюз – бу

дастурлар мажмуидир. Бунда шлюз мақсадида фойдаланадиган компьютерга катта талаблар қўйилмайди. Бунинг учун унда шлюз вазифасини ўтайдиган дастурлар билан ишлаш имкони бўлса бас.

3. Трафик – Интернет алоқа каналлари орқали узатилган маълумотлар оқими ҳажми.

4. DNS сервер. DNS (Domin Name Service – домен номлар хизмати) – IP манзиллар ва компьютерлар домен номларини аниқловчи сервер.

5. Proxy. Интернет да баъзи бир маълумотларга кўпчилик мурожаат қилгани учун бу маълумотларга оид серверга уланиш (навбат катта бўлгани учун) секин бўлиши мумкин. Шунинг учун кўпчилик мурожаат қиладиган серверлар нусхалари бошқа серверларда ҳам сақланади. Бундай серверлар Proxy серверлар дейилади.

6. Протокол – бу космпьютерлар орасидаги алоқа ўрнатилишида, маълумотларни қабул қилиш ва узатишда фойдаланиладиган сигналлар стандартидир. Протокол тўғри бўлсагина компьютерлар ўртасида алоқа ўрнатилади.

7. Сервер – бу бошқа компьютер ёки дастурларга хизмат кўрсатадиган компьютер ёки дастурдир. Битта компьютерда бир нечта сервер ишлаши мумкин. Масалан, ftp, WWW, электрон почта серверлари.

8. Мижоз – сервер ресурсларидан ва хизматидан фойдаланувчи компьютер ёки дастурдир. Масалан, компьютер файл-сервернинг мижози бўлиши мумкин (серверда жойлашган файллардан фойдаланиши), шу билан бир вақтда электрон почта дастурсида ишлаши мумкин.

9. URL – (Uniform Resoure Locator) Интернет га мурожаат қилишнинг энг оддий ва қулай усули бўлиб, у манзилни ифодалайди. Яъни бу манзилдаги маълумотлардан барча фойдаланувчилар бир пайтнинг ўзида фойдаланиши мумкин.

10. Интернет хизмати турлари – электрон саҳифа, электрон почта, телеконференция, файлларни узатиш, домен номлари, Telnet, IRC, ёки Chat конференция, маълумотларни излаш хизматлари тавсифлари келтирилади.

11.Интранет – бу интернет технологияси, дастур таъминоти ва протоколлари асосида ташкил этилган, ҳамда маълумотлар базаси ва электрон ҳужжатлар билан коллектив равишда ишлаш имконини берувчи корхона ёки концерн миқёсидаги ягона информацион муҳитни ташкил этувчи компьютер тармоғи.

12.IP манзил – Интернет да компьютер тармоқлари Интернет манзили ёки IP манзилини белгилаш билан аниқланади. IP манзили 32 бит узунликда ва ҳар бир бири 8 битдан иборат тўрт қисмдан ташкил топган ва ҳар бир қисми 0 дан 255 гача бўлган қийматларни қабул қилади. Қисмлар бир-биридан нуқта билан ажратилади.

1.2. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ахборот ва молиявий телекоммуникация тармоқлари

МДХда янги тижорат тармоқларини оммавий равишда барпо этиш 1991 йилдан бошланди ва доимий давом этмоқда. Телекоммуникация хизматининг ривожланиши хўжалик ва тижорат фаолиятини ҳаракатлантиришнинг, иқтисодий ривожланишнинг муҳим шартларидан биридир. Фаол маркетинг ва

техник сиёсатни олиб боровчи айрим тармоқларни шарҳлаб ўтамыз.

Relcom тармоғи.

1990 йилда Атом энергияси институтининг ва бир қанча илмий тадқиқот институтлари (ИТИ), UNIX-компьютерлар тизимини ишлаб чиқувчи мутахассислар ва фойдаланувчиларни бирлаштирувчи унча катта бўлмаган тармоқ ташкил этилди. Ҳозирда Relcom умумий мақсадларга мўлжалланган тармоқ сифатида ривожланмоқда. У илмий ва тижорат ташкилотларини, давлат идоралари ва муассасаларини бирлаштиради. Relcom минтақа ичида ва EUnet, Internet, BitNet абонент тармоқларида электрон почта хизматини таъминлайди.

SprintNet тармоғи.

SprintNet маълумотларни узатиш тармоғи бўлиб, ўнлаб мамлакатларнинг юзлаб шаҳарларига кириш узелларига эга. SprintNet тармоғи ахборотларни катта тезликда алмашиш имконини беради.

Гласнет тармоғи.

Гласнет тармоғи 1990 йилдан бошлаб Россия аҳолисига ва МДҲдаги бир қанча давлатлар учун жаҳон Интернет компьютер тармоғига кириш хизматини таъминлайди. Хусусий мижозлар ва тармоқ хизматидан фойдаланувчи кичик бизнес вакилларига эътибор бериш - Гласнетнинг ажралиб турувчи хусусияти саналади.

Sovam Teleport тармоғи.

Sovam Teleport халқаро компьютер ахборот тармоғи SanFrancisco/Moscow Teleport (АҚШ), Cable & Wireless (Буюк Британия) компаниалари ҳамда Автоматлаштирилган тизимлар институти (Россия) томонидан 1990 йилда ташкил этилган. тармоқ жорий вақт режимида телекс ва телефакс халқаро ахборот алмашув учун мўлжалланган.

Банк тармоқлари ва банклараро ҳисоб-китоблар тизими.

Нақд пулсиз айланманинг катта аҳамияти иқтисод учун кўплаб банклараро пул ўтказишни ўзаро ҳисобга олиш тизими ёки клиринг билан алмаштириш заруриятини келтириб чиқаради. Клирингни қўллашнинг нисбатан самарали соҳалари қуйидагича: Марказий Банк тизимида банклараро ҳисоб-китоб, пул маблағларни ўзаро ўтказишни доимий такрорловчи иқтисодий жиҳатдан бир-бирига боғлиқ корхоналарга хизмат кўрсатиш, бир хилдаги тезкор битимларни амалга ошириш. Келажакда акционерлик клиринг ва ҳисоб-китоб тузилмаларини ташкил этиш ва уларни жаҳон молия тизимига бирлаштириш - бу Марказий Банк сиёсатининг йўналишларидан бири ҳисобланади.

Турли мамлакатларнинг давлат ичидаги банклараро тизими.

АҚШ банклари тўлов хабарларини узатиш учун қуйидаги асосий коммуникация тармоғидан фойдаланади:

FEDWARE- АҚШ федерал заҳира тизимининг коммуникация тизими;

BANKWARE- хусусий банклар ва тижорат корхоналари эҳтиёжига хизмат қилувчи коммуникация тизими;

CHIPS- ҳисоб-китоб палаталари учун банклараро тўлов тизими;

Европа банкларида қуйидаги тизимлар кенг қўлланилади:

CHAPS- Буюк Британия банклараро клиринг ҳисоб-китоблари тизими.

BACS- клиринг тизими.

SIT- Франция марказий банки кўмагида 15 та йирик банклар асосида ташкил этилган тизим.

Электрон почтани қўллаш.

Электрон почта - компьютерлар орасида хабар узатишни Локал ва Глобал асосда ташкил қилади. Электрон почтадан фақат хабарларни эмас, балки файлларни узатиш учун ҳам фойдаланилади. Улар ёрдамида тезкор усулда бир ёки бир нечта манзиллар билан ахборот алмашиш мумкин. Электрон почта қутилари сони 1997 йил бошида 250 миллионни ташкил этди. Электрон маълумотлар манзил ва маълумотлар мавзудан иборат бўлади. Манзил қисми одатда олувчининг манзилгоҳини, жўнатувчининг манзилгоҳини, маълумот мавзусини, файллар хабарларига илова қилинувчи ахборотларни ўз ичига олади.

Глобал компьютер тармоқларининг тижоратда қўлланилиши.

Ахборот таълим технологиялари ва замонавий техника ютуқлари билан ўзаро алмашиш эҳтиёжи глобал компьютер тармоқларини мамлакатлараро ҳамкорлик дастурини амалга оширишнинг ажралмас қисми қилиб қўйди. Илмий ва маориф мақсадлари ва бизнес учун кўплаб компьютер тармоқлари ташкил этилган. Кўплаб тармоқларни бирлаштира олувчи ва дунё ҳамжамиятига кириш имкониятини берувчи тармоқ - бу Интернет. Интернет фойдаланувчига чексиз ахборот ресурсларини тақдим этади. Дўстона график интерфейс Интернет хизматидан ҳар бир кишининг фойдалана олиши учун имконият яратади.

Молиявий-иқтисодий фаолиятдаги глобал компьютер тармоқлари.

Замонавий ахборот технологиясига эга ҳисоблаш техникасидан ва электрон узатиш тизимидан фойдаланмай туриб замон талабига жавоб берувчи молиявий муассасаларни ташкил этиш мумкин эмас. Шу боис, бундай муассасалар ҳам дастурли – аппарат комплекси сифатида, ҳам электрон шаклда ахборот узатишнинг коммуникация воситаси сифатида энг йирик истеъмолчилар ҳисобланади. Ташкилотларнинг алоҳида автоматлаштирилган комплексларини боғловчи глобал тармоқлар миллий ва халқаро даражада ҳисоб-китоблар ўтказиш имконини беради.

1.3. Интернетда инфор­мацион хавфсизлик.

Маълумки интернет тармоқлараро информация алмашину­вини таъминлавчи магистиралдир. Унинг ёрдамида дунё билимлар манбаъига кириш, қисқа вақт ичида кўплаб маълумотлар йиғиш ишлаб чиқаришнинг ва унинг техник воситаларини масофадан туриб бошқариш мумкин. Шу билан бир қаторда интернетнинг ушбу имкониятларидан фойдаланиб турмоқдаги бегона компьютерларни бошқариш уларнинг маълумотлар базасига кириш, нусха кўчириш ғаразли мақсадда турли хил вируслар тарқатиш каби ноқонуний ишларни амалга ошириш мумкин. Интернетда мавжуд бўлган ушбу хавф, инфор­мацион хавфсизлик муаммолари бевосита тармоқларнинг хусусиятларидан келиб чиқади.

Бизнинг олдинги параграфларда қайд этиб ўтганимиздек ихтиёрий тармоқ хизматини ўзаро келишилган қоида (протокол) асосида ишловчи жуфтлик «Сервер» ва «Мижоз» дастур таъминоти бажаради. Ушбу протоколлар

миқёсида ҳам «Сервер», ҳам «Мижоз» дастурлари рухсат этилган амалларини (операция) бажариш воситаларига эга. Масалан, HTTP протоколдаги форматлаш командалари Web саҳифаларида жойлаштирилган товуш, видео анимациялар ва ҳар хил актив объектлар кўринишидаги микродастурлар. Худди шундай рухсат этилган операциялар, актив объектлардан фойдаланиб интернетда баъзи бир ноқонуний ҳаракатларни ошириш тармоқдаги компьютерларга ва маълумотлар баъзасига кириш ҳамда уларга таҳдид солиш мумкин бўлади.

Бу хавф ва таҳдид нималардан иборат:

1. Тармоқдаги компьютерларга рухсатсиз кириш ва уни масофадан туриб бошқариш. Уларга сизнинг манфаатингизга зид бўлган дастурларни жойлаштириш мумкин.
2. Web саҳифаларида жойлаштирилган «актив объектлар» агрессив дастур кодлари бўлиб, сиз учун хавфли вирус ёки жосус дастур вазифасини ўташи мумкин.
3. Интернетда узатилаётган маълумотлар йўл йўлакай алоқа каналлари ёки тармоқ тугунларида тутиб олиниши улардан нусха кўчирилиши, алмаштирилиши мумкин.
4. Давлат муассасаси, корхона фаолияти, молиявий аҳволи ва унинг ходимлари ҳақидаги маълумотларни разведка қилиниши ўғирлаши ва шу орқали сизнинг шахсий ҳаётингизга, корхона ривожига таҳдид солиши мумкин.
5. Интернетда эълон қилинаётган ҳар қандай маълумот ҳам жамият учун фойдали бўлмаслиги мумкин, яъни интернет орқали бизнинг маънавиятимизга, маданиятимизга ва эътиқодимизга зид бўлган информацияларни кириб келиши эҳтимоли ҳам мавжуд.

Интернет фойдаланувчиси ушбу хавфларни олдини олиш учун қуйидаги техник ечим ва ташкилий ишларни амалга ошириши зарур:

1. Шахсий компьютерга ва маҳаллий компьютер тармоғига ҳамда унда мавжуд бўлган информацион ресурсларга ташқаридан интернет орқали киришни чекловчи ва ушбу жараёни назорат қилиш имконини берувчи техник ва дастурвий усуллардан фойдаланиш.
2. Тармоқдаги информацион мулоқат иштирокчилари ва улар кузатаётган маълумотларни асл нусхасига мослигини текшириш.
3. Маълумотларни узатиш ва қабул қилишда кириптография усулларида фойдаланиш
4. Вирусларга қарши назоратчи ва даволовчи дастурлардан фойдаланиш.
5. Шахсий компьютер ва маҳаллий компьютер тармоғига бегона шахсларни қўймаслик ва уларда мавжуд бўлган маълумотлардан нусха олиш имкониятларини чекловчи ташкилий ишларни амалга ошириш.

Бундан ташқари информацион хавфсизликни таъминлаш борасида интернет фойдаланувчилари орасида ўрнатилмаган тартиб қоидалар мавжуд. Улардан баъзи бирларини келтирамиз:

- Ҳеч қачон ҳеч кимга интернетдаги ўз номингиз ва паролингизни айтманг.
- Ҳеч қачон ҳеч кимга ўзингиз ва оила аъзоларингиз ҳақидаги шахсий ҳамда ишхонангизга оид маълумотларни интернет орқали юборманг.

- Электрон манзилингиз (*E-mail*)дан мақсадли фойдаланинг. Интернет орқали дастурлар алмашманг.
- Интернетда тарқатилаётган дуч келган дастурлардан фойдаланманг. Дастурларни фақат ишончли эгаси маълум бўлган серверлардан кўчиринг.
- Электрон почта орқали юборилган «актив объектлар» ва дастурларни ишлатманг, ёки қўшимчали ўз-ўзидан очилувчи сизга номаълум архив ҳолидаги маълумотларни очманг.
- Электрон почта хизматидан фойдаланаётганингизда маълумотларни шифрлаш зарур, яъни криптография усулларида фойдаланинг.
- Эгаси сиз учун номаълум бўлган хатларни очманг.
- Эгаси маълум бўлган ва унинг сифатига кафолат берувчи антивирус дастурлардан фойдаланинг ва уларни мунтазам янгилаб бординг.
- Интернетда мавжуд бўлган информацион ресурслар ва дастурлардан уларнинг муаллифлари рухсатисиз фойдаланманг.
- тармоқдаги бегона компьютер ва серверларнинг IP манзилларини аниқлаш ва шу орқали рухсат этилмаган серверлар ва информацион ресурсларга кириш нусха кўчириш, вируслар тарқатиш каби ноқонуний дастурлаштириш ишлари билан шуғулланманг, бу жиноятдир.

1.3.2-а. Фронтал сўров учун саволлар

1. Тармоқ деганда нимани тушунасиш.
2. Қандай тармоқ турлари мавжуд.
3. Биринчи глобал тармоқ нима дейилган.
4. Интернет –глобал тармоғи.
5. Биринчи бор интернетга нечта компьютер уланган.
6. Интернетнинг асосий тушунчалари.

1.3.2-б. Блиц-сўров учун саволлар

1. Банк тармоқлари ва банклараро ҳисоб-китоб тизим қандай.
2. Электрон почта нима.
3. Интернетда информацион хавфсизлик.
4. Интернетда хавфга таҳдид нималардан иборат.
5. Гласнет тармоғи қандай тармоқ.
6. Гипермат тушунчаи.
7. Интернет нечанчи йилда ташкил қилинди.
8. OSI –модели.
9. URL манзил.
10. Сервер тушунчаси.

1.3.2-в. Оғзаки сўров учун саволлар

1. Тармоқ деганда нимани тушунасиш.
2. Қандай тармоқ турлари мавжуд.
3. Биринчи глобал тармоқ нима дейилган.

- 4.Интернет –глобал тармоғи.
- 5.Биринчи бор интернетга нечта компьютер уланган.
- 6.Интернетнинг асосий тушунчалари.
7. Банк тармоқлари ва банклараро ҳисоб-китоб тизим қандай.
8. Электрон почта нима.
9. Интернетда инфор­мацион хавфсизлик.
- 10.Интернетда хавфга таҳдид нималардан иборат.
- 11.Гласнет тармоғи қандай тармоқ.
- 12.Гипермат тушунчаи.
- 13.Интернет нечанчи йилда ташкил қилинди.
- 14.OSI –мо­дели.
- 15.URL манзил.
- 16.Сервер тушунчаси

1.3.3. Мустақил иш учун топшириқлар

- 1.Компьютер тармоқлари­ни ташкил этишни ўрганиш.
- 2.Интернетда мавжуд тушунчаларни ўзлаштириш.
- 3.Электрон почтани қўллашни ўрганиш.
- 4.Интернетда инфор­мацион хавфсизликни таъминлаш йўллари­ни ўрганиш.

3.4. Карточкалар учун тестлар

- 1.Биринчи қайси давлатда ва қачон глобал тармоқ ташкил қилинган.
А) АҚШ
Б) Япония
С) Африка
Д) Швеция
- 2.Нечанчи йилда интернет глобал тармоғи ташкил этилган.
А) 1983 йил
Б) 1970 йил
С) 1995 йил
Д) 1970 йил
- 3.Биринчи бор интернет глобал тармоғига нечта компьютер уланган.
А) 213 та
Б) 220 та
С) 500 та
Д) 90 та
4. Сервер нима.
А) бошқа компьютерларга хизмат кўрсатадиган компьютер.
Б) Тармоқга уловчи ускуна.
С) Интернет билан уловчи восита.
Д) хаммаси тўғри.
5. Электрон почта нима.
А) Компьютерлар орасида хабар узатишни ташкил қилувчи восита.
Б) Компьютерлар орасида хабар қабул қилувчи восита.

- С) Тармоқ тури.
Д) А ва Б тўғри.
6. Биринчи гиперматн тахрирловчисини ким тузиб чиқди.
- А) Нельсон
Б) Бил Гейтс
С) Тим Бернерс
Д) Ван Дам

1.3.5. экранга таянч материалларни кўрсатиш(слайдлар)

- Презентация бўлимида келтирилган.

1.3.6. Тавсия этилган адабиётлар

Асосий адабиётлар

1. Матросов С.Ч. и др. HTML 4.0 в подлиннике. BHV-СПб, 2000. 672 с.
2. Уилтон П. JAVASCRIPT. Основы. Символ-плюс. 2002. 1056 с.
3. Кингли-Хью Э., Кингли-Хью К. JAVASCRIPT 1.5: Учебный курс. Питер. 1-е издание. 2002.
4. Томсон Л., Веллинг Л. Разработка Web-приложений на PHP и MySQL. - К.: "ДиаСофт", 2001. - 672 с.

Қўшимча адабиётлар

1. Спейнауэр С., Куэрсиа В. Справочник Web-мастера. - К: "BHV", 1997. - 368 с.
2. Бранденбау. JAVASCRIPT. Сборник рецептов для профессионалов. СПб. 2001.
3. Ратшиллер Т., Геркен Т. PHP4: разработка Web-приложений. Питер, 2001. - 384 с.
4. Яргер Р., Риз Дж., Кинг Т. MySQL и mSQL. Базы данных для небольших предприятий и Интернета. - СПб: Символ-Плюс, 2000 - 560 с.
5. Хилайер С., Мизик Д. Программирование Active Server Pages. - М: "Русская редакция", 1999. - 296 с.
6. Холзнер С. Perl: специальный справочник. - СПб: "Питер". 2000. - 496 с.
7. Шварц Р., Кристиансен Т. Изучаем Perl. - К: "BHV", 2000. - 320 с.

1.4. Ўқитиш усуллари қоидалари

1.4.1. Ақлий ҳужум қоидалари

- Ҳеч қандай ўзаро баҳолаш ва танқид;
- Таклиф этилаётган ғояларни баҳолашдан ўзингни тий, ҳатто улар фантастис ва иложи йўқ бўлса ҳам – ҳаммаси мумкин;
- Танқид қилма – ҳамма айтилган ғоялар бирҳилда;

- Баён қилувчи гапини бўлма;
- Изоҳ беришдан ўзингни тий;
- Мақсад бу - миқдор;
- Қанча ғоялар кўп бўлса чунча яхши: янги ва зарур ғоя туғулиши имконияти кўпроқ
- Агар ғоялар такрорланса ўқсинма,
- Тасаввурингга эрк бер;
- Сенда яралган ғояларни ташлама, агал улар сенинг назарингда қабул қилинган схемага тегишли бўлмаса ҳам;
- Бу муаммо аниқ усуллар билан ечилади деб ўйлама.

1.4.2. “Инсерт” техникаси қоидалари

- Матнди ўқиб, уларда саволлат туғдираётган жойларни, уларни билимларига мос келаётган ва мос келмаётган жойларни қалам билан белгилаб қўйилади;
- “Инсерт” жадвалини қуйидаги белгилашлар билан тўлдириш:
Агар «!» бўлса сиз ўз билимингизга ёки сиз ўйлаган фикрга тўғри келаётганини ўқияпсиз;
Агар «—» бўлса сиз ўз билимингизга ёки тўғри деб ўйлаганингизга мутлақо зид бўлганини ўқияпсиз;
Агар «+» бўлса сиз ўқитётганингиз сиз учун янгилик;
Агар «?» бўлса, сиз ўқитётганингиз сиз учун тушунарсиз ёки сиз бу саволга янада кўпроқ маълумотлар олишни истайсиз.

1.4.3. Гуруҳларда ишлаш қоидалари

- Ҳамма ўз дўстларини тинглаши керак, унга яхши муносабатда бўлиб ҳурмат кўрсатиши керак;
- Ҳамма актив ҳаракат қилиши лозим; берилган топшириққа нисбатан биргаликда ва жавобгарлик билан ишлаши керак;
- Ҳар ким ўзига керак пайтда ёрдам сўраши керак;
- Ҳар ким ундан ёрдам сўралганда ёрдам кўрсатиши керак;
- Гуруҳнинг иш натижаларини баҳолашда иштирок этиши лозим;
- Биз бир кемадамыз, ўзгаларга ёрдам бериб ўзимиз ўрганамиз, шуни ҳар ким тушуниши лозим;

2-Мавзу: HTML асослари. HTML разметкалари тўғрисида умумий маълумотлар.

Маърузага режа-топшириқлар

Фан: WEB га йўналтирилган дастурлаш.

Ўқув соати: 2 соат (маъруза);

Ўқув машғулоти тури: маъруза; янги машғулотларни мустаҳкамлаш ва ўрганиш.

Маъруза режаси:

1. ТЭГ лар
2. Метамаълумотлар
3. Идентификаторлар
4. Ишлатиладиган белгилар.

Ўқув машғулоти мақсади:

Талабаларга ТЭГ лар тушунчаси, Метамаълумотлар , Идентификаторлар, HTML да ишлатиладиган белгилар асослари тушунчалари ҳақида маълумот бериш

Ўқув машғулотининг вазифалари:

- *Ўргатувчи:* талабаларда қабул қилиш фаолиятини ташкил қилиш, янги материални бошланғич есда қолдириш ва англаш; терминлар, ибораларни характерловчи элементлар; талабаларнинг фирлашини ривожлантириш муаммоли масалаларни ечимини маҳоратини ошириш;
- *ривожлантирувчи:* китоб матни билан ишлай билишлиги – мағзларини танлаб олиш, таҳлил қилиш; гаплар тузиш, ҳулоса чиқариш, материални талабаларнинг излаш фаолиятини стимуллаштириш; хусусийдан умумий ҳолга ўтиш усули билан текшириш; текшириш натижаларини таҳлил қилиб ва уни умумлаштира олишини ривожлантириш; аналитик-синтетик фаолиятнинг мантикий фикрлашини қўллаш; талабаларнинг ижодий маҳоратини шакллантириш;
- *Тарбияловчи:* актив фаолиятга, мустақил ишга жалб қилиш; гуруҳларда ишлаш қоидаларига риоя қила олиш; фанни ўрганишга қизиқишни ривожлантириш; жавобгарлик туйғуларини тарбиялаш, меҳнатсеварлик, индивидуал ишни жамоавий иш билан бириктириш, интизомлаштириш.

Ўқитиш технологияси:

- *Ўқутиш усуллари:* инструктаж; Маъруза, ақлий хужум, “Инсерт” техникаси;
- *Ўқитиш шакллари:* фронтал; жамоавий;
- *Ўқутиш воситалари:* Маъруза матни; жадваллар, мультимедия;
- *Ўқитиш шароитлари:* техник жиҳозлаштирилган аудитория;

- *Баҳолаш ва мониторинг*: ўғзаки савол-жавоб, блиц-сўров.

Педагогик масалалар:

- Фаннинг масалалари ва унинг ўқув фанлар системасидаги ўрни ва роли билан таништириш;
- Ўқув фаннинг тузулмаси ва тавсия етиладиган ўқув-методик адабиётларни тасвирлаш;
- Фан соҳасида методик ва ташкилий хусусиятларини очиб бериш, баҳолаш шакли ва муддатлари;
- Фан маърузаси пайтида ўқитиш жараёнини ташкил қилишнинг умумий босқичларини характерлаб бериш ва умумий схемасини тушунтириш.
- Ўқитиш технологияси ривожланиши перспективасини характерлаб бериш;

Ўқув фаолияти натижалари:

- Фан маърузаси масалалари, мақсадлари ва номлари шакилланади;
- Фан соҳасида методик ва ташкилий хусусиятлари ҳамда баҳолаш шакли ва муддатлари айтилади
- Фан маърузасида ўқитиш жараёнини ташкил қилишнинг умумий схемасини кенгайтириб хатактерлаб беради;
- Фаннинг асосий таърифларини беради,
- Назарий билимларнинг тўлиқлиги, системалийлиги ва ҳаракатлилийлиги;
- Амалий мағулотларни бажаришда ўрганилган ибораларбилан ишлай олишлиги;

• 1.2. Маърузанинг хронологик харитаси

• 1 босқич. Ўқув машғулотига кириш (10 дақиқа):

- *Ўқитувчининг фаолияти*: тайёргарликни текшириш (давомат, конспектнинг борлиги; ўзига ишонч, аниқлиги,); керакли материалларни тарқатиш (конспект, тарқатма материаллар); маърузанинг мавзуси ва мақсадини баён қилиш; ўқув машғулотнинг ражаси билан таништириш; калит иборалар ва сўзлар, категориялар; интернет сайтлари ва адабиётлар рўйхати; ўқув натижалари ҳақида айтиш;
- *Талабалар фаолияти*: ўқув жойини тайёрлаш (талабалар борлиги; ташқи кўриниш; ўқув материаллар ва қўлланмалар); маърузанинг мавзуси ва мақсади билан танишиш; ўқув материални қабул қилишга тайёргарлик кўриш;
- *Шакиллар, усулар, услублар*: инструктаж; фронтал сўров; мустаҳкамловчи сўров.

2 босқич. Асосий қисм (60 дақиқа):

- *Ўқитувчининг фаолияти*: мавзуга киритади; янги мавзуга доир ўтган фанлар ва машғулотларнинг мавзуларини еслашга чорлайди; маъруза матнини тарқатади, танишишни таклиф этади, “Инсерт” усули билан белгилар қўйишни

таклиф этади; биринчи савол бўйича матн ўқилади; қўшимча ўқув материалларини айтиб боориш ва тушунча бериш; натурал объектларни намноён қилиш ва изоҳлаш; тушунарсиз саволларни аниқлаш ва тушинтириш; биринчи савол бўйича назар (шундай қилиб қолган саволларга ҳам);

- *Талабалар фаолияти:* янги мавзуда доир олдинги машғулотларда ва фанларда олган билимларни мустаҳкамлайди; ҳар бир калит ибора ва терминларни ешитиб, ёзиб бориб, конспект қилиб айтиб боришади; “Инсерт” усули билан белгилан ўқийдилар, аниқлик киритадилар, саволлар берадилар ва ўзаро;
- *Шакиллар, усулар, услублар:* фронтов сўров блиц-сўров; ақлий ҳужум, “Инсерт” техникаси.

3 босқич. Яқунловчи қисм (10 дақиқа)

- *Ўқитувчининг фаолияти:* мавзуда бўйича ҳулоса қилиш, талабаларнинг ётиборларини асосийларда жалб қилиш; қилинган ишнинг муҳимлигини айтиб ўтиш; алоҳида талабаларнинг бажарилган ишларини баҳолаш; ўзаро баҳолашнинг натижаларини чиқариш; ўқув машғулотнинг ютуқлик даражасини баҳолаш ва таҳлил қилиш; мустақил иш учун топшириқлар; баҳо кўрсаткичлари ва меъзонлари;
- *Талабалар фаолияти:* ишнинг таҳлили; натижаларни олиш; технологик билимларни қўллаш; ўзаро баҳолашни ўтказиш, йўл қўйилган ҳатолар бўйича таҳлил ва аниқлик киритиш; мустақил иш топшириқларини ёзиб олиш;
- *Шакиллар, усулар, услублар:* гуруҳларда ишлаш, карточкаларда топшириқлар.

1.3. Ўқув-методик материаллар

Маъруза режаси:

1. ТЭГ лар
2. Метамаълумотлар
3. Идентификаторлар
4. Ишлатиладиган белгилар.

Калит сўзлар: браузер, WWW, ТЭГ, HTML, WEB саҳифа, метамаълумотлар, Keywords, description, class, inline.

1. Маъруза матни

1.1 ТЭГ лар

HTML нинг конструкцияси ТЭГ лар дейилади. Браузер ТЭГ ларни оддий матнлардан фарқлаши учун улар бурчак қавсларга олинадилар. ТЭГ тасвирлаш

жараёни ҳатти ҳаракатларининг бошланишини билдиради. Агар бу ҳаракат бутун ҳужжатга таллуқли бўлса, бундай тэг ўзининг ёпилувчи жуфтига эга бўлмайди. Жуфт тэглارнинг иккинчиси биринчисининг ҳаракатини якунлайди. Масалан, ҳар бир Web саҳифа `<html>` тэги билан бошланиб `</html>` тэги билан ёпилиши керак. Эътибор берган бўлсангиз ёпилувчи тэг очилувчидан « / » белгиси билан фарқ қилади. Тэг номлари катта ёки кичик ҳарфлар билан ёзилиши мумкин, буларни браузер бир хил қабул қилади. HTML тилида бошқа компьютер тилларидаги каби изоҳ бериш имконияти мавжуд. Изоҳ қуйидаги «<- - » ва «- ->» белгилар орсига ёзилади.

Масалан:

```
<-- Бу изоҳ -->
```

Ҳар қандай Web саҳифа иккита қисмдан ташкил топади. Булар сарлавҳа қисми ва асосий қисм. Сарлавҳа қисмида Web саҳифа ҳақидаги маълумот жойлашади, асосий қисмда эса Web саҳифанинг мазмуни билан тасвирланиш қоидалари жойлашади. Сарлавҳа қисми қуйидаги очилувчи `<head>` ва ёпилувчи `</head>` тэглари орасида жойлашади. Асосий қисм эса `<body>` ва `</body>` тэглари орасида жойлашади. Одатда сарлавҳа қисми олдидан қўлланилаётган HTML стандартлари ҳақида маълумот ёзилади. Ҳар қандай Web саҳифанинг умумий кўриниши қуйидагича бўлади:

Мисол 3_1:

```
<!DOCTYPE HTML PUBLIC "-//W3C//DTD HTML 4.01//EN ">
```

```
<html>
```

```
<head>
```

```
<title>
```

```
Хужжат сарлавҳаси
```

```
</title>
```


```
</head>
```

```
<body>
```

```
Асосий қисм
```

```
</body>
```


</html>



Расм 3_1.

Биринчи `<!DOCTYPE>` тэги ўзининг параметрлари билан браузерга ушбу Webсаҳифани қайси HTML версияда ёзилганлиги ҳақида маълумот беради.

Web саҳифа ишга тушурилганда браузернинг энг юқори сатрида юкланаётган ҳужжат мазмунини англатувчи қисқача ёзув туради. Бу ёзувни ҳосил қилиш учун куйидаги очилувчи `<title>` ва ёпиловчи `</title>` тэгларида фодаланамиз.

Мисол 3_2:

<html>

<head>


<title>Web саҳифа сарлавҳаси</title>

</head>

<body>

</body>

</html>




Расм 3_2.

Web sahifaning asosiy qismi `<body>` va `</body>` taglari orasida joylashadi. Bu oddiy matn bo'lishi mumkin. Brauzer bu matnni to'g'ridan to'g'ri interpretatsiya qilib ekranda tasvirlaydi. Bizga dastlabki Web sahifamizni yaratish uchun oddiy «Блокнот» matn muharriri kifoya. Quyida k'rsatilgan misolni matn muharririda e'zib, uni хотирага e'zishda kengaytmadini html e'ki htm deb kiritishimiz kerak.

Мисол 3_3:

```
<html>
  <head>
    <title>Менинг биринчи Web sahifam </title>
  </head>
  <body>
    Менинг бу sahifamga kiruvchilarga alangali salom
  </body>
</html>
```

Бу файлни ишга тушириш uchun sichkoncha k'rsatkichini шу файл устига келтириб чап tugmasini ikki марта босиш kerak. Natijada ekranda quyidagi k'ринишдаги natija hosil bo'ladi:



Расм 3.3

`<body>` тэги бир қанча қўшимча параметрларга эга. Бу параметрлар тэгнинг очилувчи қисмида жойлашади. Параметрлар икки қисмдан иборат бўлади: параметр номи ва параметр қиймати. Масалан *bgcolor* параметри тасвирланаётган Web sahifa фонининг рангини белгилайди.

Масалан: `<body bgcolor = "green">`

Параметрларнинг сатрли қийматлари қўштирноқ ичида ёзилади. Биз қуйида `<body>` тэгининг параметрлари билан танишамиз.

- *Background* - фон сифатида бирор бир график тасвирдан фойдаланиш. Параметр қиймати сифатида график тасвир жойлашган манзил (URL) берилади.
- *Text* - тасвирланаётган матн ранги.
- *Link* - Web sahifaдаги матнли гипермуружат ранги.
- *Vlink*-фойдаланувчи томонидан олдин муружат қилинган гипермуружаат ранги.
- *Alink* - фойдаланувчи томонидан танланган гипермуружаат ранги.
- *Lang* – Web sahifa матни ёзилган тилни аниқлаш.

1.2. Метамаълумотлар

Энди биз метамаълумотлар билан танишиб чиқамиз. Web sahifаларда мета маълумотларини ҳосил қилиш учун `<meta>` тэги ишлатилади, унинг умумий кўриниши қуйидагича:

`<meta name="ўзгаруحي номи" content="ўзгарувчи қиймати">`

Агарда биз Web саҳифадаги автор ҳақида маълумот ёзмоқчи бўсак уни қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин:

`<meta name="Auther" content="Бу меники!!!">`

Мета маълумотлар асосан Internet да жойлашган қидириш машиналари учун зарур. Қидириш машиналари Web саҳифалар ҳақидаги маълумотларни қаердан олади деган савол пайдо бўлади. Худди шу маълумотларини қидириш машиналари метаўзгарувчилардан олади. (Web саҳифа қайси соҳага тегишли, унда қандай маълумотлар борлиги) `<meta>` тэгида *keymards* ва *description* ўзгарувчиси бор. *Keymards* ўзгарувчили Web саҳифадаги калитли сўзлар рўйхатини ўзида сақлайди. *description* ўзгарувчи эса Web саҳифанинг қисқача маълумотини ўзида сақлайди. Масалан, бизнинг Web саҳифамиз компьютер вируслари ҳақида тайёрланган бўлсин у ҳолда HTML ҳужжатда мета маълумотларни қуйидагича ёзиш мумкин:

Мисол 3_4.

`<html>`

`<head>`

`<title>компьютер вируслари </title>`

`<meta name="keywords" lang="ru" content="вирус,
компьютер, антивирус,...">`

`<meta name="description" content="Web саҳифадаги компьютер
вирусларига бағишланган.`


`</head>`

`<body>`

компьютер вируслари бу

`</body>`

`</html>`



Расм 3_4.

Браузерлар фойдаланувчи томонидан очиб кўрилган Web саҳифаларини кэш хотирада сақлаб қолади. Агар фойдаланувчи яна шу саҳифаларга мурожаат қилса, Web браузер олдиндан кэш хотирада мавжуд бўлган (яна янги саҳифани интернетдан олмасдан) нусхасини олиб кўрсатади. Бу жараён фойдаланувчининг вақтини ва иқтисодини тежайди. Энди Web саҳифа қачон янгиланади деган савол пайдо бўлади. Бу саволга метамаълумотлардаги *expres* ўзгаручилардан жавоб олиш мумкин. Бу ўзгарувчида Web саҳифанинг яроқлилиқ муддати кўрсатилади. Агар кэш хотирадаги web саҳифа яроқлилиқ муддати ўтган бўлса, браузер тармоқдан Web саҳифани қайтадан ўқиб олади.

Мисол:

```
<meta http-equiv="Expres" content="Tue,uf Aug 2002 14:56:27 Gmt">
```

Web саҳифаларда маълумотлар тез ўзгариши мумкин, масалан чатларда ва биржа саҳифаларида маълумотлар тез ўзгаради. Бундай ҳолларда *refresh* ўзгарувчисидан фойдаланилади ва қийматлари секундларда берилади.

Масалан:

```
<meta http-equiv="Refresh" content=10>
```

Бу ёзувдан кейин Web саҳифа ҳар 10 секунддан кейин автоматик тарзда ўзи қайта юкланади.

1.3. Идентификаторлар.

HTML тилида ҳар бир қўлланилган тэгга уникал идентификатор бериш имконияти мавжуд. Масалан матн бир неча абзацлардан ташкил топган бўлсин. Ҳар бир абзацга мос махсус ном бериш мумкин, кейинчалик HTML тилининг қўшимча имкониятлари ёрдамида бу абзацларни бошқариш мумкин, яъни уларнинг бирортасини кўринмас қилиш ёки шрифти рангини ўзгартириш.

Юқоридаги ишлар фақат абзацлар учун эмас, балки Web саҳифанинг ихтиёрий қисми учун таълуқлидир. Бирор бир тэгни номлаш учун *id* параметри ишлатилади. Абзацлар `<p>` ва `</p>` орқали кўрсатилади.

Мисол 3_5.

```
<html>

  <head><title>Абзацлар</title></head>


  <body>

    <p id =”p1”> Биринчи абзац </p>

    <p id =”p2”> Иккинчи абзац </p>

  </body>

</html>
```



Расм 3_5.

HTML ҳужжатда *id* параметри қийматлари такрорланмаслиги лозим, акс ҳолда бу қийматлар эътиборга олинмайди.


class параметри фақат шакл безаш ишларида ишлатилади. Биз Web саҳифанинг айрим элементларини синфларга бўламиз, кейинчалик синфни тасвирлаш қоидалари ёзувини бир жойдан ўзгартиришимиз мумкин ва бу ўзгартириш автоматик равишда шу синфга кирган барча тэглارга тарқалади.

HTML хужжати ташкил этувчи барча элементлар икки турга бўлинади: *inline* элементлар ва *блочные* элементлар. Inline элементлар оддий матн элементлари бўлиб сатр қисми ҳам бўлиши мумкин, блокные элементлар эса ҳар сафар янги сатрдан бошланиши шарт. Блочные элементлар бошқа блокные элементлар ва Inline элементларидан ташкил топиши мумкин, лекин Inline элементлар блокные элементларни ўз ичига олмайди. Web саҳифа элементларини блокларга бирлаштириш уларга бирваракайига шакл бериш имконини беради, яъни, бирлаштирувчи ягона тэгни аниқлаб блок жойлашувини ўзгартириш мумкин. Табиийки бу Web саҳифа элементларининг ҳар бирининг жойлашувини алоҳида ўзгартиришдан осон.

Блочные тип элементларини бирлаштириш учун `<div>` ва `</div>` тэглари қўлланилади. Inline элементлари эса `<span>` ва `</span>` тэглари орқали бирлаштирилади. Юқорида айтилганларга асосан `<div>` тэги `<span>` тэги ичида жойлаша олмайди.

Мисол 3_6:

```
<html>
  <head>
    <title>div блокли ҳосил қилиш</title>
  </head>
  <body>
    <div>
      Менинг бу <div> саҳифамга кирувчиларга </div> алаҳали салом
    </div>
  </body>
</html>
```



Расм 3_6

`<span>` ва `<div>` тэглари қўшимча параметрларни ҳам ўз ичига олиши мумкин. Бизга маълум бўлган *id* ва *class* параметрларидан ташқари *style* ва *align* параметрлари ҳам ишлатилади. *style* параметри шу блокдаги маълумот стилини ўрнатса, *align* параметри шу маълумотни қандай текислашни аниқлайди. HTML ҳужжатида сарлавҳанинг ўз тэглари мавжуд бўлиб, улар олтитадир. Энг юқори даражаси бу биринчидир. Ҳар бир сарлавҳанинг ўз теги ва ўз тасвирланиш қоидаси мавжуд. Энг катта яъни биринчи даражали сарлавҳа `<h1>` ва `</h1>` тэглари орқали, иккинчи даражали сарлавҳа `<h2>` ва `</h2>` тэглари орқали ва охирги олтинчи даражали сарлавҳа `<h6>` ва `</h6>` тэглари орқали ифодаланади. Қуйидаги мисолда биз сарлавҳалар тасвирини кўрамиз:


Мисол 3_7:

```
<html>
  <head>
    <title>Сарлавҳаларни тасвирлаш</title>
  </head>
  <body>
    <h1>Биринчи даражали сарлавҳа</h1>
    <h2>Иккинчи даражали сарлавҳа</h2>
    <h3>Учинчи даражали сарлавҳа</h3>
    <h4>Тўртинчи даражали сарлавҳа</h4>
    <h5>Бешинчи даражали сарлавҳа</h5>
    <h6>Олтинчи даражали сарлавҳа</h6>
```

<p>Оддий матн</p>

</body>

</html>



Расм 3_7

Сарлавха тэглари `<span>` ва `<div>` тэглари каби *id*, *class*, *style*, *align* параметрларини ўз ичига олади.

1.4. Ишлатиладиган белгилар.

Компьютерда ҳар бир белги қандайдир сондан иборатдир. Операцион система ҳар бир сонга мос келувчи белгини экранда тасвирлайди. Сонларга мос келувчи белгилар жадвали кодировка (кодлаш) дейилади. Ҳозирнинг ўзида рус тили белгилари учун камида 5 та кодлаш усуллари мавжуд. Агар Web саҳифа яратилаётганда қайси кодлаш усулидан фойдаланилганни браузер аниқлай олмаса, экранда тушунарсиз белгилар пайдо бўлади. HTML тили Web саҳифа қайси усулда кодланганини кўрсатиб туриш имкониятига эга. Бунинг учун `<meta>` тэги ишлатилади.

HTTP протоколида (баённомасида) олдиндан аниқланган *Content– Type* номли ўзгарувчи мавжуд. У ўзида Web саҳифа тилини ва кодлаш усулини сақлайди. Умумий кўриниш қуйидагича бўлади:

*<META http-equiv = “Content–Type” content = “text/HTML;
charset=ISO–8858–5”>*

Юқоридаги мисолда ўзгарувчининг қиймати “;” белги билан ажратилган икки қисмдан иборат. Биринчи қисм матннинг HTML тэглари ёрдамида яратилган оддий матн эканлигини билдирса иккинчи қисм фойдаланилган кодлаш усулини кўрсатиб туради. Юқоридаги мисолда халқаро стандартлаштириш ташкилоти (ISO) томонидан тасдиқланган стандарт кодлаш усули кўрсатилган. Афсуски браузерлар матнда учрайдиган баъзи бир белгиларни экранда акс эттира олмайди. Агар браузер матнда “кичик” тенгсизлик белгисини учратса уни тэг учун очилувчи қавс деб тушунади. Матнда бу белгидан кейин ҳеч қандай тэг учрамаса матннинг бирор бир қисми эътиборсиз қолдирилади ва экранда акс эттирилмайди. Бундай хатоликларнинг олдини олиш учун матнда бундай белгилар ўрнига қўштирноқ ичига олинган махсус белгилар кетма – кетлиги қўлланилади. Бундай белгилар кетма–кетлиги албатта қўштирноқ ичига олинган бўлади ва “&” белгиси билан бошланиб “;” белгиси билан тугайди.

<	<
>	>
&	&
“	"
–	&emdash

Бу белгилар ҳақида тўлиқ маълумотларни <http://www.uni-passau.de/~ramch/iso8859-1.html> манзилидан олиш мумкин.

1.3.2-а. Фронтал сўров учун саволлар

1. . ТЭГ лар
2. Метамаълумотлар
3. Идентификаторлар

4. Ишлатиладиган белгилар
5. HTML асослари нималардан иборат
6. HTML-хужжатнинг ичидаги сарлавха тэглари.

1.3.2-б. Блиц-сўров учун саволлар

1. HTML тилининг қандай хусусиятларини биласиз.
2. Гиперматн механизмини изохлаб беринг.
3. SGML тили қандай тил.
4. ТЭГ тушунчаси.

1.3.2-в. Оғзаки сўров учун саволлар

1. Браузерлар тушунчаси ва турлари.
2. Хужжатни Мантикий ва физик форматлаш.
3. Хужжатни матнни форматлаш ҳақида нималарни биласиз.
5. WWW га кириш кириш нима орқали амалга оширилади.
6. HTML асослари нималардан иборат
7. HTML тилининг қандай хусусиятларини биласиз.
8. Гиперматн механизмини изохлаб беринг.
9. SGML тили қандай тил.
10. ТЭГ тушунчаси.

1.3.3. Мустақил иш учун топшириқлар

1. HTML хужжат тузилиши изохлаб беринг.
2. Хужжатнинг HEAD булимий ҳақида нималарни биласиз..
3. Хужжатнинг BODY булимини ўрганиш.
4. HTML-хужжатни форматлашни ўрганиш.
6. HTML дастурлаш тилида ишлатиладиган асосий тегларни ўрганиш.
7. HTML тилининг қандай хусусиятларини биласиз.
8. Гиперматн механизмини изохлаб беринг.
9. SGML тили қандай тил.

1.3.4. Карточкалар учун тестлар

1. Web саҳифаси руйхати элементи қандай белгиланади?

- *А. <L1> Дастурлашнинг бошланиши.
- В. <L1-> Дастурлашнинг бошланиши.
- С. <L1+> Дастурлашнинг бошланиши..
- Д. <L1++> Дастурлашнинг бошланиши.

2. HTML да жадваллар қандай аникланади?

- *А. <TABLE> Таблица </TABLE>.
- В. <TABLE> Таблица <TABLE>.

C. </TABLE> Таблица </TABLE> .
D. <<TABLE> Таблица </TABLE>.

3. Гиперматнли ахборот тизими таркибини аникланг?

*А. Гиперматнли ахборот тизими ахборот тугунлари тупламидан, шу тугунларда аникланган гиперматнли богланишлар тупламидан ва тугунлар ва богланишлар билан ишлашни амалга ошириш воситаларидан ташкил топади.

В. Гиперматнли ахборот тизими ахборот булимлари тупламидан, шу тугунларда аникланган гиперматнли богланишлар тупламидан ва тугунлар ва богланишлар билан ишлашни амалга ошириш воситаларидан ташкил топади.

С. Гиперматнли ахборот тизими ахборот кисмлари тупламидан, шу тугунларда аникланган гиперматнли богланишлар тупламидан ва тугунлар ва богланишлар билан ишлашни амалга ошириш воситаларидан ташкил топади.

Д. Гиперматнли ахборот тизими ахборот тугунлари тупламидан, шу тупламларда аникланган гиперматнли богланишлар тупламидан ва тугунлар ва богланишлар билан ишлашни амалга ошириш воситаларидан ташкил топади.

4.WWW нималардан ташкил топган

А) WEB сайтлардан

Б) WEB сахифалардан

С) дастурлардан

Д) А ва Б тўғри жавоб.

5.Халқаро стандартлаштириш ташкилоти нима деб аталади.

А) ISO

Б) OSI

С) URL

Д) INTEL

2.3.5. экранга таянч материалларни кўрсатиш(слайдлар)

- Презентация

2.3.6. Тавсия этилган адабиётлар

Асосий адабиётлар

5. Матросов С.Ч. и др. HTML 4.0 в подлиннике. BHV-СПб, 2000. 672 с.
6. Уилтон П. JAVASCRIPT. Основы. Символ-плюс. 2002. 1056 с.
7. Кингли-Хью Э., Кингли-Хью К. JAVASCRIPT 1.5: Учебный курс. Питер. 1-е издание. 2002.
8. Томсон Л., Веллинг Л. Разработка Web-приложений на PHP и MySQL. - К.: "ДиаСофт", 2001. - 672 с.

Қўшимча адабиётлар

8. Спейнауэр С., Куэрсиа В. Справочник Web-мастера. - К: "BHV", 1997. - 368 с.
9. Бранденбау. JAVASCRIPT. Сборник рецептов для профессионалов. СПб. 2001.
10. Ратшиллер Т., Геркен Т. PHP4: разработка Web-приложений. Питер, 2001. - 384 с.
11. Яргер Р., Риз Дж., Кинг Т. MySQL и mSQL. Базы данных для небольших предприятий и Интернета. - СПб: Символ-Плюс, 2000 - 560 с.
12. Хилайер С., Мизик Д. Программирование Active Server Pages. - М: "Русская редакция", 1999. - 296 с.
13. Холзнер С. Perl: специальный справочник. - СПб: "Питер". 2000. - 496 с.
- Шварц Р., Кристиансен Т. Изучаем Perl. - К: "BHV", 2000

2.4. Ўқитиш усуллари қоидалари

2.4.1. Ақлий ҳужум қоидалари

- Ҳеч қандай ўзаро баҳолаш ва танқид;
- Таклиф етилаётган ғояларни баҳолашдан ўзингни тий, ҳатто улар фантастис ва иложи йўқ бўлса ҳам – ҳаммаси мумкин;
- Танқид қилма – ҳамма айтилган ғоялар бирҳирда;
- Баён қилувчи гапини бўлма;
- Изоҳ беришдан ўзингни тий;
- Мақсад бу - миқдор;
- Қанча ғоялар кўп бўлса чунча яхши: янги ва зарур ғоя туғулиши имконияти кўпроқ
- Агар ғоялар такрорланса ўксинма,
- Тасаввурингга ерк бер;
- Сенда яралган ғояларни ташлама, агал улар сенинг назарингда қабул қилинган схемага тегишли бўлмаса ҳам;
- Бу муаммо аниқ усуллар билан ечилади деб ўйлама.

2.4.2. “Инсерт” техникаси қоидалари

- Матнни ўқиб, уларда саволлат туғдираётган жойларни, уларни билимларига мос келмаётган ва мос келмаётган жойларни қалам билан белгилаб қўйилади;
- “Инсерт” жадвалини қуйидаги белгилашлар билан тўлдириш:
Агар «!» бўлса сиз ўз билимингизга ёки сиз ўйлаган фикрга тўғри келмаётганини ўқияпсиз;
Агар «—» бўлса сиз ўз билимингизга ёки тўғри деб ўйлаганингизга мутлақо зид бўлганини ўқияпсиз;
Агар «+» бўлса сиз ўқитётганингиз сиз учун янгилик;
Агар «?» бўлса, сиз ўқитётганингиз сиз учун тушунарсиз ёки сиз бу саволга янада кўпроқ маълумотлар олишни истайсиз.

2.4.3. Гуруҳларда ишлаш қоидалари

- Ҳамма ўз дўстларини тинглаши керак, унга яхши муносабатда бўлиб ҳурмат кўрсатиши керак;
- Ҳамма актив ҳаракат қилиши лозим; берилган топшириққа нисбатан биргаликда ва жавобгарлик билан ишлаши керак;
- Ҳар ким ўзига керак пайтда ёрдам сўраши керак;
- Ҳар ким ундан ёрдам сўралганда ёрдам кўрсатиши керак;
- Гуруҳнинг иш натижаларини баҳолашда иштирок этиши лозим;

3-Мавзу: HTMLда форма ва объектлар.

Маърузага режа-топшириклар

Фан: WEB дастурлаш .

Ўқув соатии: 2 соат (маъруза);

Ўқув машғулоти тури: маъруза; янги машғулотларни мустаҳкамлаш ва ўрганиш.

Иш режаси:

1. HTML тилида формалар;
2. Форманинг берилиши-FORM элементи;

Ўқув машғулоти мақсади:

формалар (<FORM>), фреймлар (<FRAME>), объектлар, <INPUT>, <SELECT>, <TEXTAREA> тушунчалари ҳақида маълумот бериш

Ўқув машғулотининг вазифалари:

- *Ўргатувчи:* талабаларда қабул қилиш фаолиятини ташкил қилиш, янги материални бошланғич еса қолдириш ва англаш; терминлар, ибораларни характерловчи элементлар; талабаларнинг фирлашини ривожлантириш муаммоли масалаларни ечимини маҳоратини ошириш;
- *ривожлантирувчи:* китоб матни билан ишлай билишлиги – мағзларини танлаб олиш, таҳлил қилиш; гаплар тузиш, ҳулоса чиқариш, материални талабаларнинг излаш фаолиятини стимуллаштириш; хусусийдан умумий ҳолга ўтиш усули билан текшириш; текшириш натижаларини таҳлил қилиб ва уни умумлаштира олишини ривожлантириш; аналитик-синтетик фаолиятнинг мантикий фикрлашини қўллаш; талабаларнинг ижодий маҳоратини шакиллантириш;
- *Тарбияловчи:* актив фаолиятга, мустақил ишга жалб қилиш; гуруҳларда ишлаш қоидаларига риоя қила олиш; фанни ўрганишга қизиқишни ривожлантириш; жавобгарлик туйғуларини тарбиялаш, меҳнатсеварлик, индивидуал ишни жамоавий иш билан бириктириш, интизомлаштириш.

Ўқитиш технологияси:

- *Ўқитиш усуллари:* инструктаж; Маъруза, ақлий ҳужум, “Инсерт” техникаси;
- *Ўқитиш шакллари:* фронтал; жамоавий;
- *Ўқитиш воситалари:* Маъруза матни; жадваллар, мултимедия;
- *Ўқитиш шароитлари:* техник жиҳозлаштирилган аудитория;
- *Баҳолаш ва мониторинг:* ўғзаки савол-жавоб, блиц-сўров.

Педагогик масалалар:

- Фаннинг масалалари ва унинг ўқув фанлар системасидаги ўрни ва роли билан таништириш;

- Ўқув фаннинг тузулмаси ва тавсия етиладиган ўқув-методик адабиётларни тасвирлаш;
- Фан соҳасида методик ва ташкилий хусусиятларини очиб бериш, баҳолаш шакли ва муддатлари;
- Фан маърузаси пайтида ўқитиш жараёнини ташкил қилишнинг умумий босқичларини характерлаб бериш ва умумий схемасини тушунтириш.
- Ўқитиш технологияси ривожланиши перспективасини характерлаб бериш;

Ўқув фаолияти натижалари:

- Фан маърузаси масалалари, мақсадлари ва номлари шакилланади;
- Фан соҳасида методик ва ташкилий хусусиятлари ҳамда баҳолаш шакли ва муддатлари айтилади
- Фан маърузасида ўқитиш жараёнини ташкил қилишнинг умумий схемасини кенгайтириб хатактерлаб беради;
- Фаннинг асосий таърифларини беради,
- Назарий билимларнинг тўлиқлиги, системалийлиги ва ҳаракатлиёлиги;
- Амалий мағулотларни бажаришда ўрганилган ибораларбилан ишлай олишлиги;

• 1.2. Маърузанинг хронологик харитаси

• 1 босқич. Ўқув машғулотиға кириш (10 дақиқа):

- *Ўқитувчининг фаолияти:* тайёргарликни текшириш (давомат, конспектнинг борлиги; ўзига ишонч, аниқлиги,); керакли материалларни тарқатиш (конспект, тарқатма материаллар); маърузанинг мавзуси ва мақсадини баён қилиш; ўқув машғулотнинг ражаси билан таништириш; калит иборалар ва сўзлар, категориялар; интернет сайтлари ва адабиётлар рўйхати; ўқув натижалари ҳақида айтиш;
- *Талабалар фаолияти:* ўқув жойини тайёрлаш (талабалар борлиги; ташқи кўриниш; ўқув материаллар ва қўлланмалар); маърузанинг мавзуси ва мақсади билан танишиш; ўқув материаллини қабул қилишға тайёргарлик кўриш;
- *Шакиллар, усулар, услублар:* инструктаж; фронтал сўров; мустаҳкамловчи сўров.

2 босқич. Асосий қисм (60 дақиқа):

- *Ўқитувчининг фаолияти:* мавзуга киритади; янги мавзуга доир ўтган фанлар ва машғулотларнинг мавзуларини еслашға чорлайди; маъруза матнини тарқатади, танишишни таклиф етади, “Инсерт” усули билан белгилар қўйишни таклиф етади; биринчи савол бўйича матн ўқилади; қўшимча ўқув материалларини айтиб боориш ва тушунча бериш; натурал объектларни намноён қилиш ва изоҳлаш; тушунарсиз саволларни аниқлаш ва тушинтириш; биринчи савол бўйича назар (шундай қилиб қолган саволларға ҳам);

- *Талабалар фаолияти:* янги мавзуда доир олдинги машғулотларда ва фанларда олган билимларни мустаҳкамлайди; ҳар бир калит ибора ва терминларни ешитиб, ёзиб бориб, конспект қилиб айтиб боришади; “Инсерт” усули билан белгилан ўқийдилар, аниқлик киритадилар, саволлар берадилар ва ўзаро;
- *Шакиллар, усулар, услублар:* фронтал сўров блиц-сўров; ақлий ҳужум, “Инсерт” техникаси.

3 босқич. Яқунловчи қисим (10 дақиқа)

- *Ўқитувчининг фаолияти:* мнавзу бўйича ҳулоса қилиш, талабаларнинг е`тиборларини асосийларда жалб қилиш; қилинган ишнинг муҳимлигини айтиб ўтиш; алоҳида талабаларнинг бажарилган ишларини баҳолаш; ўзаро баҳолашнинг натижаларини чиқариш; ўқув машғулотнинг ютуқлик даражасини баҳолаш ва таҳлил қилиш; мустақил иш учун топшириқлар; баҳо кўрсаткичлари ва ме`зонлари;
- *Талабалар фаолияти:* ишнинг таҳлили; натижаларни олиш; технологик билимларни қўллаш; ўзаро баҳолашни ўтказиш, йўл қўйилган ҳатолар бўйича таҳлил ва аниқлик киритиш; мустақил иш топшириқларини ёзиб олиш;
- *Шакиллар, усулар, услублар:* гуруҳларда ишлаш, карточкаларда топшириқлар.

1.3. Ўқув-методик материаллар

Маъруза режаси:

1. HTML тилида фреймлар;
2. Фреймлар орасидаги ўзаро таъсир.

Калит сўзлар: формалар (<FORM>), фреймлар (<FRAME>), объектлар, <INPUT>, <SELECT>, <TEXTAREA>

Ишдан мақсад: Веб-дастурлаш фани бўйича HTML тили асосидаги формалар ва фреймлар билан ишлаш жараёнида талабаларда билим, ишлаш кўникмаси ва малакаларини шакллантириш ва бу жараённи амалга оширишда талабаларга маълумот беришни ташкил қилиш.

1. HTML тилида формалар

Формалар Веб дастурлашда фойдаланувчи томонидан киритилаётган маълумотларни тартибга солиш учун қўлланилади. Форма элементлари тўлдирилгандан кейин ундаги маълумотлар сервердаги маълумотларни қайта ишловчи дастурга юборилади. Кўп сонли жўнатилаётган маълумотлар жўнатиш тугмаси босилгандан сўнг серверда жойлашган Common Gateway Interface (CGI) ёрдамида ёки махсус файл орқали қайта ишланади. Шу тариқа фойдаланувчи Internet орқали Web-сервер билан биргаликда ишлайди.

HTML тили веб-саҳифалар таркибига матнли соҳалар, менюлар, тугмалар каби интерфейс элементлар қўйиш имкониятини беради. Бу маълумотлар жуда оддий (электрон адрес) ёки йетарлича мураккаб бўлиши мумкин. Масалан, фойдаланувчи онлайн ҳолатида интернет дастурлари билан ишлаши мумкин (касалхона сайти орқали врач чақириши ёки ишхонасининг сайти ёрдамида автомобилни прокатга олиши мумкин). Электрон формаларни яратишни мақсади қуйидагича: у фойдаланувчидан информатсия сўраши ва ундан информатсия олиши мумкин. Бундай ҳолатларда маълумотларнинг бир қисмини фойдаланувчи ўзига тегишли бўлган маълумотни танлаши мумкин бўлган тайёр менюлар ташкил этиши мумкин. Сўровлар қуйидаги турларда бўлиши мумкин:

Жавоблари махсус матнли соҳаларга териблиши керак бўлган саволлар (масалан, исми, фамилияси, электрон адреси, ...).

Жавоблари махсус менюлардаги ёки рўйхатдаги жавоблардан танлаши керак бўлган саволлар (масалан қайси давлатга тегишли эканлиги, қайси мавзулар қизиқтириши, ...).

Переключателлар орқали жавоблардан ягонасини танлашга мўлжалланган саволлар (масалан, эркак/аёл, ҳа/йўқ...).

Формалар HTML тилининг киритиш ойнаси, тугма, переключател каби элементлар наборларидан фойдаланган ҳолда яратилади. Фойдаланувчи томонидан яратилаётган ҳар бир элемент ўзининг номига эга бўлиб, кейинчалик олдиндан аниқланган бирор ўзгарувчига берилади. Масалан, матн киритиш майдонига шаҳар номини берилса ва фойдаланувчи майдонни Жиззах деб тўлдирса шуни билдирадики, шаҳар ўзгарувчисига Жиззах қиймати берилди.

Ўзгарувчилар ва уларнинг қийматлари серверларга узатилади ва ўз навбатида сервер «скриптлар» деб аталувчи кичик программаларга мурожаат қилади. Скриптлар олинган маълумотларни қабул қилиб, ва уларни қайта ишлайди. Натижада веб-саҳифада фойдаланувчининг маълумоти қабул қилинганлиги тўғрисида оддийгина маълумот (масалан, “рахмат”) чиқариб қўйиш мумкин. HTML формалари билан ишлаш учун скриптлар билан ишлай олиш керак (улар CGI скриптлар дейилади ва уларни турли программалаштириш тилларида тузиш мумкин. CGI—Common Gateway Interface).

2. Форманинг берилиши —FORM элементи

FORM элементи ҳужжатни маълум бир *формага* солади ва *форма* элементлари тэгларино бошқа тэглاردан ажратиб туради. <FORM> бир нечта <INPUT> ёки шу каби бошқа тэглар кетма кетлигидан ташкил топади. Улар <FORM> ва </FORM> тэглари орасига жойлаштирилади. Формада усулдан (method), *формага* киритилган маълумотларни қайта ишлаш учун ҳолатлар (action) мавжуд. Усул (GET ёки POST) формага киритилган маълумотлар қай тарзда серверга жўнатилиш усулини белгиласа, ҳолат эса сервердаги қайси дастурга юборилиш URL (Uniform Resource Location) манзилини ифодалайди.

<FORM METHOD=“post” ACTION= “<URL>”>

Қуйида FORM элементи параметрлари билан танишиб чиқамиз:

Форманинг бошқарув элементлари —<INPUT> теги

Бошқариш элементининг яна бир кўриниши бу – менюлардир. <Select>элементи ёрдамида ҳар хил менюларни ҳосил қилиш мумкин. Бу ҳолатларда фойдаланувчига бир нечта вариантлар берилиб, ундан ўзининг жавобини танлаш имконияти берилади. Name атрибути зарурий атрибут ҳисобланади. Size атрибути ёрдамида эса экранга бир вақтда чиқадиган вариантлар сонини бериш мумкин. Бик .Yu <select> бу контейнордир. Қийматлар <option> ёрдамида киритилиб, <select> ва </select> лар орасига жойлаштирилади. Агар фойдаланувчи менюнинг бирор-бир пунктини танласа қиймат <select> тегида номланган ўзгарувчига берилади. Бик .Yu Selected=“selected” атрибути бирор қийматни автоматик танлаш имкониятини беради (значение по умолчанию):

```
<select name="жавоб1">
  <option value="first"> Биринчи</option>
  <option value="monthly"> Ҳар ойда </option>
  <option value="weekly"> Ҳар ҳафтада </option>
  <option selected="selected" value="daily"> Ҳар кунда </option>
```

Юқорида айтилганидек, сизе атрибути ёрдамида экранга чиқариладиган жавоблар сонини киритиш мумкин:

```
<select name="javob1" size="6">
```

Биринчи мисолда жавоблар бир қаторда ифодаланади ва сичқон тугмаси босилганда қолган жавоблар кўринади. Иккинчи мисолда сизе да неча сон кўрсатилган бўлса шунча жавоб варианты кўрсатилади ва қолган жавобларни прокруткаларни силжитиш ёрдамида кўриш мумкин.

Агар жавоблардан бир нечасини бир вақтда танлаш зарур бўладиган бўлса <select> нинг multiple= “multiple” атрибути ёрдамга келади. Бу ҳолатда сизе да нечта жавоблар кўрсатилган бўлса шулардан бир нечасини танлаш имконияти бўлади.

Ушбу тэг *форманинг* қайси нуқтасига маълумот киритилишини белгилайди. У фойдаланувчи томонидан киритилаётган маълумотларни формага келтиради. Булар матн киритиш майдони, рўйхатлар, расмлар ёки тугмалар бўлиши мумкин. Майдон тип *TYPE* атрибути ёрдамида аниқланади.

TYPE=text атрибути

Агар фойдаланувчи унча катта бўлмаган матн киритса (бир ёки бир нечта сатр), <INPUT> тегидан фойдаланади ва TYPE атрибутига text қиймати ўзлаштирилади. Стандарт ҳолат учун бу қийматни бериш муҳим эмас. Бундан ташқари *майдонни* номлаш ва унга мурожаат қилиш учун NAME атрибути ҳам берилади.

Сизнинг исмингиз <INPUT NAME=Name SIZE=35>

Фойдаланиш мумкин бўлган яна учта қўшимча атрибутлар мавжуд. Биринчиси MAXLENGTH деб аталади, у фойдаланувчи киритаётган матн майдони максимум узунлигини белгилайди. Стандарт бўйича бу қиймат чегараланмаган. Иккинчи атрибут SIZE ҳисобланади, у эса матн майдонини кўриниб турувчи қисмини белгилайди. Стандарт бўйича унинг қиймати браузерга боғлиқ бўлади. Агар MAXLENGTH қиймати SIZE қийматидан катта

бўлса, браузер маълумотни ойнага мослаштиради. Сўнга қўшимча атрибут матн майдонини бошланғич қийматини белгиловчи VALUE дир.

TYPE=checkbox атрибути

HTML *формада* мустақил белгилагич (байроқча) дан фойдаланиш учун `<INPUT>` тэгининг атрибутига `TYPE=checkbox` ни ўзлаштириш керак. Формага боғлиқ равишда фойдаланувчи бир ёки бир нечта белгилагичларни белгилаши мумкин. Агар `<INPUT>` тэги атрибути билан `CHECKBOX` қиймати қўлланилса, у билан бирга `NAME` ва `VALUE` атрибутлари ҳам қўлланилиши керак. `NAME` атрибути ушбу маълумот киритиш объектининг номини ифодалайди. `VALUE` атрибутида ушбу *майдоннинг* қиймати кўрсатилади.

```
<BR>Россия<INPUT NAME="Давлат" TYPE=checkbox  
VALUE="Россия">
```

```
Страны СНГ<INPUT NAME="Давлат" TYPE=checkbox  
VALUE="СНГ">
```

Баъзи ҳолларда ушбу майдон белгиланган ҳолда қўлланилиши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда `<INPUT>` тэгида `CHECKED` атрибути қўлланилиши керак.

TYPE=radio атрибути Баъзан бир нечта қийматлар орасидан бирини танлашга тўғри келади. Бундай ҳолларда *формада* `<INPUT>` тэги билан бирга `TYPE=radio` атрибути қўлланилади. Агар `<INPUT>` тэги атрибути билан ушбу қиймати қўлланилса, у билан бирга `NAME` ва `VALUE` атрибутлари ҳам қўлланилиши керак. `NAME` атрибути ушбу маълумот киритиш объектининг (*тугма*) номини ифодалайди. `VALUE` атрибутида ушбу *майдон* нинг қиймати кўрсатилади..

```
<BR>Эркак жинси <INPUT NAME="Жинс" TYPE=radio  
VALUE="Эркак">
```

```
Аёл жинси <INPUT NAME="Жинс" TYPE=radio  
VALUE="Аёл">
```

TYPE=image атрибути

Форманинг таркибига қараб баъзан унда жойлашган расмнинг устига сичқончани босиш билан ундаги маълумотларни жўнатишга тўғри келиб қолади. Бунинг учун `<INPUT>` тэги `TYPE=image` атрибути билан қўлланилади. Фойдаланувчи расм устига сичқонча курсорини босса, айнан шу ердаги экран координаталарини браузер сақлаб қолади. Сўнг *формага* киритилган маълумотларни “қайта ишлайди”. Агар `<INPUT>` тэги `image` атрибути билан қўлланилса, у билан бирга `NAME` ва `SRC` атрибутлари ҳам қўлланилиши керак. `NAME` майдоннинг номини белгилайди. `SRC` атрибути эса расм жойлашган манбанинг `URI` манзилини беради. `ALIGN` атрибути қўшимча ҳисобланади ва у ҳам баъзан `<IMG>` теги билан қўлланилади.

```
<BR>Нуқтани танланг <INPUT TYPE=image NAME=point  
SRC=image.gif>
```

TYPE=password атрибути

Агар *формада* пароллардан фойдаланиш керак бўлиб қолса, `TYPE` атрибути қийматига `password` (`TYPE=password`) ни ўзлаштирилади. Ушбу типдан фойдаланиш киритилаётган маълумотни ошкор бўлмаган ҳолда кўрсатишни

таъмин этади. Шу сабаб, киритилган маълумот очик канал орқали жўнатилади ва ушбу маълумот тутиб олиниши мумкин.

Номингиз<INPUT NAME=login>Парол

<INPUT TYPE=password NAME="Сўз">

TYPE=reset атрибути

Базан фойдаланувчи *формани* тўлдириш вақтида, уларни бошдан тўлдиришга тўғри келади. Ушбу ҳолда Reset тугмаси мавжуд бўлиб, бу тугманинг босилиши формани дастлабки, кириш ҳолатиғи олиб келади (формани “тозалайди”). Reset иугмасини ташкил қилиш учун <INPUT> тэги атрибутига TYPE=reset ўзлаштирилади. Агар *формада* reset атрибути қўлланилса, <INPUT> тэгига VALUE атрибутини қўшимча қилиш мумкин. Ушбу атрибут тугмадаги ёзувни ифодалайди.

<INPUT TYPE=reset VALUE="Формани тозалаш ">

TYPE=submit атрибути

HTML *форма* да фойдаланувчи маълумот киритиш жараёнини якунлаш жараёни мавжуд. Бунинг учун <INPUT> тэгининг атрибутига TYPE=submit қиймат ўзлаштирилади. Агар *формада* <INPUT> тэги submit атрибути билан қўлланилса, унга қўшимча равишда иккита атрибутдан фойдаланиш мумкин: NAME ва VALUE. NAME атрибути *майдоннинг* номини ифодалайди. VALUE атрибути — Submit тугмаси матнини кўрсатади.

<INPUT TYPE=submit VALUE="Хабарни жўнатиш "/>

TYPE=hidden атрибути

Яширин *майдон*. INPUT тэгини TYPE=hidden атрибути билан қўлланилиши фойдаланувчига маълум бўлмаган NAME ва VALUE атрибутларидаги қийматларни жўнатишга имкон беради.

<TEXTAREA> – кўп сатрли матн киритишни ташкил этиш тэги

Баъзан формада кўп сатрли матнларни киритиш талаб этилади. Бунинг учун <TEXTAREA> тэги ёрдамида бир неча сатрдан иборат бўлган матн майдони ташкил этиш мумкин. Ушбу тэг учта атрибут билан ишлатилади: COLS, NAME ва ROWS.

- **Атрибут COLS**

Майдоннинг устунлари (белгилар сони) сонини белгилайди.

- **Атрибут NAME**

Майдоннинг номини белгилайди.

- **Атрибут ROWS**

Майдоннинг кўринувчи сатрлари сонини белгилайди.

<TEXTAREA NAME=мавзу COLS=38 ROWS=3></TEXTAREA>

<SELECT>- формада рўйхатдан фойдаланиш тэги

Агарда *форма* мукамал бўлса, гоҳида унда ҳаракатланувчи рўйхат ҳам қўлланилади. Бунинг учун **SELECT** тэгидан фойдаланилади. Рўйхат бўлимларини аниқлаш учун <OPTION>тэгидан фойдаланилади. <SELECT> тэги муҳим бўлмаган учта атрибутни қўллаб қувватлайди: MULTIPLE, NAME ва SIZE.

MULTIPLE атрибути

Бир вақтнинг ўзида бир неча вариантни танлаш имконини беради.

NAME атрибути

Объект номини ифодалайди.

SIZE атрибути

Рўйхатни кўринувчи сатрлари сонини ифодалайди. $SIZE > 1$ бўлган ҳолда браузер оддий рўйхатни кўрсатади. *Формада* `<OPTION>` теги фақат `<SELECT>` тэглари орасида қўлланилади. Параметрлари: `SELECTED` ва `VALUE`.

SELECTED атрибути

Дастлаки ҳолатда ушбу элемент танланган эканлигини билдиради.

VALUE атрибути

Рўйхатга ўзлаштирилиши мумкин бўлган қийматни ифодалайди.

`<BR>`Танлаш

`<SELECT NAME="Танлаш">`


`<OPTION>`Вариант 1

`<OPTION>`Вариант 2

`<OPTION VALUE="Вариант 3">`Вариант 3

`<OPTION SELECTED>`Вариант 4

`</SELECT>`



Қалқиб чиқувчи меню

Назорат саволлари:

1. HTMLтилида формани вазифасини изоҳлаб беринг?
2. Фреймлар қандай ишлайди?
3. Ҳужжатда линкни фреймга боғлашни тушунтиринг?
4. Объект нима ва қанақа объектларни биласиз?
5. Форманинг қайси нуқтасига маълумот киритилишини белгиловчи тегни мисоллар ёрдамида тушунтиринг?
6. Киритилаётган матн майдони параметрлари қандай белгиланади?
7. Формада ҳаракатланувчи рўйхат қўллаш учун қандай параметрлар керак?
8. Фреймлар ва формаларни қўллаш билан қандай имкониятларга эга бўлишимиз мумкин?
9. Frameтеги атрибутларини мисоллар ёрдамида тушунтиринг?
10. <iframe> элементини қўллаш билан қандай имкониятларга эга бўлишимиз мумкин?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Университет портали: Intuit.ru.
2. С.С.Қосимов. Ахборот технологиялари. Тошкент “Алоқачи” 2006.
3. Спейнауэр С., Куэрсия В. Справочник Web-мастера. - К: "BHV", 1997. - 368 с.
4. Яргер Р., Риз Дж., Кинг Т. MySQL и mSQL. Базы данных для небольших предприятий и Интернета. - СПб: Символ-Плюс, 2000 - 560 с.
5. Хилайер С., Мизик Д. Программирование Active Server Pages. - М: "Русская редакция", 1999. - 296 с.
6. Xaitov F.N., Yusupov R.M., Botirov D.B., Sattarov A.R, Shukurov E.X. Web технологиялар. Жиззах. 2005.

Фойдаланилган манбалар:

1. Университет портали: <http://www.Intuit.ru/>
2. <http://pda.coolreferat.com/>
3. <http://www.z-oleg.com/>
4. <http://www.i2r.ru/>
5. <http://www.google.ru/>
6. <http://uz.wikipedia.org/wiki/HTML>
7. <http://www.cgi.ru>

1.4.Ўқитиш усуллари қоидалари

1.4.1. Ақлий ҳужум қоидалари

- Ҳеч қандай ўзаро баҳолаш ва танқид;
- Таклиф етилаётган ғояларни баҳолашдан ўзингни тий, ҳатто улар фантастис ва иложи йўқ бўлса ҳам – ҳаммаси мумкин;
- Танқид қилма – ҳамма айтилган ғоялар бирҳирда;
- Баён қилувчи гапини бўлма;
- Изоҳ беришдан ўзингни тий;
- Мақсад бу - миқдор;
- Қанча ғоялар кўп бўлса чунча яхши: янги ва зарур ғоя туғулиши имконияти кўпроқ
- Агар ғоялар такрорланса ўксинма,
- Тасаввурингга ерк бер;
- Сенда яралган ғояларни ташлама, агал улар сенинг назарингда қабул қилинган схемага тегишли бўлмаса ҳам;
- Бу муаммо аниқ усуллар билан ечилади деб ўйлама.

1.4.2. “Инсерт” техникаси қоидалари

- Матнди ўқиб, уларда саволлат туғдираётган жойларни, уларни билимларига мос келмаётган ва мос келмаётган жойларни қалам билан белгилаб қўйилади;
- “Инсерт” жадвалини қуйидаги белгилашлар билан тўлдириш:
Агар «!» бўлса сиз ўз билимингизга ёки сиз ўйлаган фикрга тўғри келаётганини ўқияпсиз;
Агар «—» бўлса сиз ўз билимингизга ёки тўғри деб ўйлаганингизга мутлақо зид бўлганини ўқияпсиз;
Агар «+» бўлса сиз ўқитётганингиз сиз учун янгилик;
Агар «?» бўлса, сиз ўқиётганингиз сиз учун тушунарсиз ёки сиз бу саволга янада кўпроқ маълумотлар олишни истайсиз.

1.4.3. Гуруҳларда ишлаш қоидалари

- Ҳамма ўз дўстларини тинглаши керак, унга яхши муносабатда бўлиб ҳурмар кўрсатиши керак;
- Ҳамма актив ҳаракат қилиши лозим; берилган топшириққа нисбатан биргаликда ва жавобгарлик билан ишлаши керак;
- Ҳар ким ўзига керак пайтда ёрдам сўраши керак;
- Ҳар ким ундан ёрдам сўралганда ёрдам кўрсатиши керак;
- Гуруҳнинг иш натижаларини баҳолашда иштирок етиши лозим;
Биз бир кемадамиз, ўзгаларга ёрдам бериб ўзимиз ўрганамиз, шуни ҳар ким тушуниши лоз

4-Мавзу: Жадваллар ва фреймлар. Web-сайт саҳифаларни яратишда улардан фойдаланиш.

Маърузага режа-топшириқлар

Фан: WEB дастурлаш технологияси.

Ўқув соати: 2 соат (маъруза);

Ўқув машғулоти тури: маъруза; янги машғулотларни мустаҳкамлаш ва ўрганиш.

Иш режаси:

1. HTML тилида жадваллар.
2. HTML тилида фреймлар.
3. Фреймлар орасидаги ўзаро таъсир.

Ўқув машғулоти мақсади:

Ишдан мақсад: Web-дастурлаш фани бўйича HTML тили асосидаги формалар ва фреймлар билан ишлаш жараёнида талабаларда билим, ишлаш кўникмаси ва малакаларини шакллантириш ва бу жараённи амалга оширишда талабаларга маълумот беришни ташкил қилиш.

Ўқув машғулотининг вазифалари:

- *Ўргатувчи:* талабаларда қабул қилиш фаолиятини ташкил қилиш, янги материални бошла нғич есда қолдириш ва англаш; терминлар, ибораларни характерловчи элементлар; талабаларнинг фирлашини ривожлантириш муаммоли масалаларни ечимини маҳоратини ошириш;
- *ривожлантирувчи:* китоб матни билан ишлай билишлиги – мағзларини танлаб олиш, таҳлил қилиш; гаплар тузиш, ҳулоса чиқариш, материални талабаларнинг излаш фаолиятини стимуллаштириш; хусусийдан умумий ҳолга ўтиш усули билан текшириш; текшириш натижаларини таҳлил қилиб ва уни умумлаштира олишини ривожлантириш; аналитик-синтетик фаолиятнинг мантикий фикрлашини қўллаш; талабаларнинг ижодий маҳоратини шакллантириш;
- *Тарбияловчи:* актив фаолиятга, мустақил ишга жалб қилиш; гуруҳларда ишлаш қоидаларига риоя қила олиш; фанни ўрганишга қизиқишни ривожлантириш; жавобгарлик туйғуларини тарбиялаш, меҳнатсеварлик, индивидуал ишни жамоавий иш билан бириктириш, интизомлаштириш.

Ўқитиш технологияси:

- *Ўқитиш усуллари:* инструктаж; Маъруза, ақлий хужум, “Инсерт” техникаси;
- *Ўқитиш шакллари:* фронтал; жамоавий;
- *Ўқитиш воситалари:* Маъруза матни; жадваллар, мултимедия;
- *Ўқитиш шароитлари:* техник жиҳозлаштирилган аудитория;
- *Баҳолаш ва мониторинг:* ўғзаки савол-жавоб, блиц-сўров.

Педагогик масалалар:

- Фаннинг масалалари ва унинг ўқув фанлар системасидаги ўрни ва роли билан таништириш;
- Ўқув фаннинг тузулмаси ва тавсия етиладиган ўқув-методик адабиётларни тасвирлаш;
- Фан соҳасида методик ва ташкилий хусусиятларини очиб бериш, баҳолаш шакли ва муддатлари;
- Фан маърузаси пайтида ўқитиш жараёнини ташкил қилишнинг умумий босқичларини характерлаб бериш ва умумий схемасини тушунтириш.
- Ўқитиш технологияси ривожланиши перспективасини характерлаб бериш;

Ўқув фаолияти натижалари:

- Фан маърузаси масалалари, мақсадлари ва номлари шакилланади;
- Фан соҳасида методик ва ташкилий хусусиятлари ҳамда баҳолаш шакли ва муддатлари айтилади
- Фан маърузасида ўқитиш жараёнини ташкил қилишнинг умумий схемасини кенгайтириб хатактерлаб беради;
- Фаннинг асосий таърифларини беради,
- Назарий билимларнинг тўлиқлиги, системалийлиги ва ҳаракатлиийлиги;
- Амалий мағулотларни бажаришда ўрганилган ибораларбилан ишлай олишлиги;

• 1.2. Маърузанинг хронологик харитаси

• 1 босқич. Ўқув машғулотига кириш (10 дақиқа):

- *Ўқитувчининг фаолияти:* тайёргарликни текшириш (давомат, конспектнинг борлиги; ўзига ишонч, аниқлиги,); керакли материалларни тарқатиш (конспект, тарқатма материаллар); маърузанинг мавзуси ва мақсадини баён қилиш; ўқув машғулотнинг ражаси билан таништириш; калит иборалар ва сўзлар, категориялар; интернет сайтлари ва адабиётлар рўйхати; ўқув натижалари ҳақида айтиш;
- *Талабалар фаолияти:* ўқув жойини тайёрлаш (талабалар борлиги; ташқи кўриниш; ўқув материаллар ва қўлланмалар); маърузанинг мавзуси ва мақсади билан танишиш; ўқув материални қабул қилишга тайёргарлик кўриш;
- *Шакиллар, усулар, услублар:* инструктаж; фронтал сўров; мустахкамловчи сўров.

2 босқич. Асосий қисм (60 дақиқа):

- *Ўқитувчининг фаолияти:* мавзуга киритади; янги мавзуга доир ўтган фанлар ва машғулотларнинг мавзуларини еслашга чорлайди; маъруза матнини тарқатади, танишишни таклиф этади, “Инсерт” усули билан белгилар қўйишни таклиф этади; биринчи савол бўйича матн ўқилади; қўшимча ўқув материалларини айтиб боориш ва тушунча бериш; натурал объектларни намноён

қилиш ва изоҳлаш; тушунарсиз саволларни аниқлаш ва тушинтириш; биринчи савол бўйича назар (шундай қилиб қолган саволларга ҳам);

- *Талабалар фаолияти:* янги мавзуда доир олдинги машғулотларда ва фанларда олган билимларни мустаҳкамлайди; ҳар бир калит ибора ва терминларни ешитиб, ёзиб бориб, конспект қилиб айтиб боришади; “Инсерт” усули билан белгилан ўқийдилар, аниқлик киритадилар, саволлар берадилар ва ўзаро;
- *Шакиллар, усулар, услублар:* фронтов сўров блиц-сўров; ақлий ҳужум, “Инсерт” техникаси.

3 босқич. Яқунловчи қисим (10 дақиқа)

- *Ўқитувчининг фаолияти:* мавзуга бўйича ҳулоса қилиш, талабаларнинг еʼтиборларини асосийларда жалб қилиш; қилинган ишнинг муҳимлигини айтиб ўтиш; алоҳида талабаларнинг бажарилган ишларини баҳолаш; ўзаро баҳолашнинг натижаларини чиқариш; ўқув машғулотнинг ютуқлик даражасини баҳолаш ва таҳлил қилиш; мустақил иш учун топшириқлар; баҳо кўрсаткичлари ва меʼзонлари;
- *Талабалар фаолияти:* ишнинг таҳлили; натижаларни олиш; технологик билимларни қўллаш; ўзаро баҳолашни ўтказиш, йўл қўйилган хатолар бўйича таҳлил ва аниқлик киритиш; мустақил иш топшириқларини ёзиб олиш;
- *Шакиллар, усулар, услублар:* гуруҳларда ишлаш, карточкаларда топшириқлар.

1.3. Ўқув-методик материаллар

Маъруза режаси:

1. HTML тилида жадваллар.
2. HTML тилида фреймлар.
3. Фреймлар орасидаги ўзаро таъсир.

Калит сўзлар: формалар (<FORM>), фреймлар (<FRAME>), объектлар, <INPUT>, <SELECT>, <TEXTAREA>

. HTML тилида фреймлар

Узоқ вақтлар веб-саҳифалар яратувчилари бутун сайт ҳаттоки портал саҳифалари бўйлаб ҳаракатнинг умумий сицемасини топишга ҳаракат қилдилар. Стандарт инциментарийни қўллаш учун бир ҳил менюни ҳар бир саҳифага нусхасини қўйишга тўғри келарди. HTML Frames спетсификатсиясини ривожланиши натижасида браузер ойнасини бир нечта ойналарга ажратиб, уларга бир-биридан муцақил саҳифаларни қўйиш имконияти пайдо бўлди.

Фреймлар кириб келиши билан боғлиқ энг асосий муаммо ҳар доимдагидек браузерларнинг ўзаро тўғри келмаслиги бўлди. Кўпгина браузерлар фреймларни «танымасди». Фреймлар спетсификатсияси HTML цандартларига

1997 йилда яратилган HTML 3.2 версиясидан бошлаб қўлланила бошланди. У вақтларда фреймлар Нецсапе фойдаланувчилари орасида оммавийлашган эди. HTML 4.0 дан бошлаб браузерлар фреймларни нормал «тушуна» бошладилар.

Фреймлар битта браузер ойнасига бир нечта турли УРЛ адресларга эга бўлган мустақил веб-саҳифаларни юклаш имкониятини беради. Бу вазифани бажариш жуда оддий. Бунинг учун `<body>` элементи `<frameset>` элементи билан алмаштирилади. Бу контейнер саҳифада фреймлар ҳосил қилувчи `<frame />` элементи учун мўлжалланган. Фреймлар ичида қайси фреймга чиқиши кўрсатилган алоҳида гипермуружаатлар бўлиши мумкин.

Фреймлар браузерни кузатув ойнасини ёнма-ён жойлашган бир нечта тўғри бурчакли соҳаларга бўлиш имконини беради. Мазкур бўлаклардан ҳар бирига алоҳида HTML-файл, яъни бошқалардан мустақил равишда кўздан кечирилувчи файлларни юклаш мумкин. Зарурият туғилганда фреймлар орасида ўзаро боғлиқликни ташкил этиш мумкин. Ўзаро боғлиқлик ташкил этилганда фреймлардан бирида ссылка танланса, бошқа фрейм ойнасида керакли ҳужжатнинг юкланишига олиб келади.

Гарчи HTML-ҳужжатларда фойдаланувчига ахборот акс эттирилишининг турли усуллари ҳавола этилсада, ахборотни ифодалашнинг фрейм тизими ҳам ўзининг афзалликларига эга. Қуйидаги ҳолларда айнан фрейм тизими қўл келади:

- Бир соҳада ишлаётганда бошқа бир соҳага ҳужжатларни юклаш орқали бошқаришни ташкил этиш зарурати туғулганда;
- Экраннинг бошқа ҳудудларида нима бўлишидан қатъий назар экранда доимо кўриниб туриши керак бўлган ахборотни кўздан кечириш дарчасининг маълум қисмига жойлаштириш лозим бўлганда;
- Дарчанинг ҳар бири мустақил равишда кўриб чиқилиши мумкин бўлган ёнма-ён бир неча соҳаларида жойлаштириш қўлай бўлган ахборотни тақдим этиш зарурати туғулганда.

Фреймлар тизимини тасвирлаш учун `<FRAMESET>`, `<FRAME>` ёки `<NOFRAME>` тэгларида фойдаланилади.

`<FRAMESET>` тэги фреймларни белгилайди.

Фреймлардан ташкил топган Web-саҳифалар `<BODY>` бўлинмасига эга бўлиши мумкин эмас.

`<FRAMESET>` ва `</FRAMESET>` контейнерлари ҳар бир фреймни белгилаш блокини ўраб туради. Бундай контейнернинг ичида фақат `<FRAME>` тэглари ёки киритилган `<FRAMESET>` тэглари мавжуд бўлади.

`<FRAMESET>` тэгининг атрибутлари:

- ROWS,
- COLS.

Ушбу параметрлар қийматлари пикселларда, фоизларда ёки нисбий бирликларда берилиши мумкин. Қатор ёки устунлар сони мос рўйхатдаги қийматлар сони билан аниқланади. Масалан:

<FRAMESET ROWS = “100, 240, 140”> - урта фреймдан иборат тўпламни белгилайди. Қийматлар пикселларда берилган. Биринчи фрейм 100 пиксел, иккинчиси 240 пиксел ва ниҳоят сўнгги фрейм 140 пиксел баландликка эга.

<FRAMESET ROWS = “25%, 50%, 25%”> -

экраннинг мақбул баландлигидан юқори қаторнинг қиймати 25 фоиз, ўрта қаторники 50 фоиз, қуйи қаторники 25 фоиз эканлигини билдиради.

<FRAMESET COLS = “*, 2*, 3*”> - қийматлар нисбий бирликларда. “Юлдузча” – “*” фазони пропорционал тақсимлаш учун ишлатилади. Хар бир юлдузча бутуннинг бир қисмини билдиради. Ҳисоблаб топиш учун юлдузчалар олдидаги сонларни қўшиш ва ҳосил бўлган сондан касрнинг махражи сифатида фойдаланилади. Юқоридаги мисолда биринчи устун дарча умумий кенглигининг 1/6, иккинчи устун 2/6, учинчи устун 3/6 қисмини эгаллайди.

<FRAMESET COLS = “100, 25%, *, 2*”>.

<FRAME> тэги алоҳида файлларни белгилайди, бу тэг <FRAMESET> ва </FRAMESET> тэглари жуфтлигининг ичида жойлашиши лозим. Масалан:

<FRAMESET ROWS = “*, 2*”>

<FRAME>

</FRAME>

</FRAMESET>

<FRAMESET> тэги берилганида қанча алоҳида фреймлар белгиланган бўлса, шунча фрейм тэглари ни ёзиш лозим.

<FRAME> тэги атрибутлари:

- SRC
- NAME
- MARGINWIDTH
- MARGINHEIGHT
- SCROLLING
- NORESIZE
- FRAMEBORDER=YES/NO (Фақат IE лар учун)

SRC атрибути бошидан бошлаб мазкур фреймга юкланувчи ҳужжатнинг URL-манзилини белгилайди. Одатда бундай манзил сифатида асосий ҳужжат қайси каталогда бўлса, уша ерда жойлашган HTML-файлнинг номидан фойдаланилади. Масалан:

<FRAMESET SRC=“sample.html”>

Зеро, фреймни тасвирлашда берилган HTML-файл тўлиқ HTML-ҳужжат бўлиши керак, яъни у HTML, HEAD, BODY ва бошқаларга эга бўлиши лозим. Агар фреймдан тасвирни акс эттиришда фойдаланилса, унда:

<FRAME SRC=“http://www.bhv.ru/exempl.gif”>

NAME параметри берилган фреймга ссылка сифатида ишлатиш мумкин бўлган фреймнинг номини белгилайди. Масалан:

<FRAME SRC=“sample.html” NAME=“frame1”>

frame1 деб номланган ушбу фреймга ссылка қилиниши мумкин. Масалан:

frame1 фреймига other.html файлини юклаш учун шу ерга сичқонча курсори босилади.

MARGINWIDTH ва MARGINHEIGHT атрибути фрейм хошия(чегара) кенглигини белгилайди.

Атрибутлар қийматлари пикселларда берилади.

Масалан:

<FRAME MARGINWIDTH =“5” MARGINHEIGHT = “7”>

Бу ерда фрейм юқори ва пастда 5 пиксел, ўнг ва чап томонларидан эса 7 пиксел чегарага эга. Ишлатилиши мумкин бўлган энг кичик қиймат 1 пикселдир.

SCROLLING атрибутидан **прокрутка** йўлакларини акс эттиришни бошқаришда фойдаланилади. Унинг синтаксиси

<FRAME SCROLLING= “YES/ NO/ AVTO”> кўринишга эга.

NORESIZE атрибути фойдаланувчи томонидан фрейм ўлчами ўзгартирилишининг олдини олишда ишлатилади. Масалан:

<FRAME NORESIZE>.

Табиийки NORESIZE атрибутининг битта фреймга нисбатан қўлланилиши бошқа фреймлар ўлчами ўзгартирилишининг ҳам олди олинишига сабаб бўлади.

Гарчи фреймлар тизими HTML 4.0да стандарт билан мустахкамланган бўлсада, <NOFRAMES> тэги фреймларни қўллаб-қувватламайдиган браузерлар ёрдамида кўздан кечиришда асқотади. Демак, фреймларга боғланмаган браузерлар учун <NOFRAMES>ва </NOFRAMES> тэглари жуфтлигидан фойдаланилади. Масалан:

<NOFRAMES> бутун HTML-хужжат</NOFRAMES>

Мазкур тэглар орасига жойлаштирилган барча маълумотлар фреймларни қўллаб-қувватлаш имкониятига эга бўлмаган браузерлар ёрдамида акс эттирилади. Фреймларга боғланган браузерлар эса <NOFRAMES> ва </NOFRAMES> орасидаги барча ахборотга боғлиқ емас. Юқорида келтирилган параметрлар ишлатилган мисолларни кўриб чиқамиз.

Фреймларга мисол.

Экранда биз 3 қисмдан иборат саҳифани кўряпмиз. Улар ўзгартиришга эҳтиёж бўлганда керак бўлади. Бу 3 қисмда қайсики, 4-хужжат ичида таъминланган турли хужжатлар жойлашади. Барча хужжатлар бир-биридан муцақил ҳолда таъминланади. Саҳифанинг ўнг томонида Интернетда ихтиёрий калит сўзларда қидириш мумкин бўлган фомалар жойлашган, саҳифани қуйи томонида оддий сураг-ссылкаси жойлашган. Бу цруктурани барча қисми “frameset” деб номланувчи тамомила кичик хужжат асосида ташкил қилинган. (Инглизчадан таржима қилинганда “frameset”- “frame ташкилотчиси” деган маънони англатади)

Тўлиқ HTML коди қуйидаги кўринишда бўлади:

html>

<head>

<meta http-equiv="content-type" content="text/html; charsetkwindows-1251">

<title>HTMLда фреймлар </title>


```

</head>
<frameset rows="*,112" border="1" framespacing="1" frameborder="yes">
<frameset cols="*,200" frameborder="no" border="1" framespacing="1">
<frame src="framebasic.html" name="basic" scrolling="yes">
<frame src="frameleft.html" name="left" scrolling="no" noresize>
</frameset>
<frame src="framedown.html" name="down" scrolling="yes">
</frameset>
<noframes>
<body>
</body>
</noframes>
</html>

```

“Frameset” теги параметлари: “rows” параметри- сатр баландлигини, “frameborder” параметри- юқори кадр ва пацки кадр ўртасидаги чегара қалинлигини кўрсатувчи муҳим вазифаларни амалга оширади. Қолган параметрлар мажбурий эмас. Биринчи фреймсет ўрнига асосий фреймсетдаги янгиланган фреймсет бўлади.

Агар қуйидаги расмларга яхшилаб қаралса, ҳаммаси тушунарли бўлади:



Биз ўқиган саҳифа “basic” номли ва уни ўнг томонида жойлашган “left” деб номланувчи саҳифалар киритилган. Ушбу икки саҳифа ўз навбатида кадр пайдо қилувчи фреймсет ҳосил қилади. У ва пацки кадр “down” енг муҳим фреймсетда келади. Кадрлар иерарҳияси жадваллар иерарҳияси ўхшайди. Кадр жадвал ва фреймсет ячейкаларини таққослайди:



<Frame> тегида айланма йўллар борлиги ва кадрлар файли манзили кўрсатилиши керак. (Кўриб турибмизки, чапдаги кадрда у йўқ.)

Кадрлар орасидаги ўтиш ҳам ўзига ҳос хусусиятларга эга. Масалан, бир кадрдан бошқа кадрга юкланган саҳифага кўрсатиши мумкин. Бунинг учун

Target="..." теги параметридан фойдаланилади:

`<a href="_url_" target="left">Ссылка матни </a>`

Бу ссилка ўнг кадрда веб-саҳифа юклайди, бу ссилка эса қуйида жойлашган. Ссилка коди-1;

`<a href="sample.html" target="left">I ссилка</a>`

Бутун ойнада ҳамма кадрлар ўрнига саҳифалар қандай юкланади? Бунинг учун `Target="_top"` захира сифатида сақланади.

Бутун ойнага саҳифа юклаш. Бутун ойна учун код ссилкаси:

`<a href="sample1.html" target="_top"> Бутун ойнага саҳифа юклаш </a>`

Ичма-ич фреймлар. Агар экранда горизонтал ва вертикал фреймларни бирданига ҳосил қилмоқчи бўлсак, ичма-ич фреймлардан фойдаланишимиз мумкин. Масалан тепада тўлиқ сатрли фрейм, унинг паида икки уцунга ажратилган фреймларни ҳосил қилайлик. Бунинг учун икки ишни қилиш керак. Биринчидан бизга икки қаторли фрейм керак бўлади. Иккинчидан иккинчи қатор фреймни икки уцунга ажратиш керак:

`<frameset rows="100, *">`

`<frame src= "banner.html" scrolling= "no" noresize = "noresize" />`

`<frameset cols= "25%, 75%">`

`<frame src= "index.html" />`

`<frame src= "viewer.html" marginwidth= "5" marginheight= "5"/>`

`</frameset>`

4.Фреймлар орасидаги ўзаро таъсир

Фреймлар билан ишлаётганда фойдаланувчи учун қўлай бўлган хужжат юклаш схемасини яратиш мумкин. Фреймлар орасидаги ўзаро алоқа хужжатларни бошқа фреймдаги буйруқлар ёрдамида айнан танланган фреймга юклаш имконини беришидадир. Бу мақсадда <A> тэгининг TARGET атрибутидан фойдаланилади. TARGET атрибути ушбу ссылка кўрсатаётган хужжат юкланувчи фрейм ёки браузер ойнаси номини белгилайди. Ўзгартирилмаган ҳолда ушбу параметр йўқ бўлганда хужжат жорий фрейм ёки ойнада юкланади. Фрейм номи сифатида мавжуд дарча ёки фрейм номи берилиши ёки бўлмаса янги ойна очиш учун янги ном берилиши мумкин. 4 та захирадаги номлар бор. Улар:

_blank, _self, _top, _parent. Булардан ташқари “_” белгиси билан бошланувчи хар қандай номдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас.

TARGET=“_blank” – ҳужжатнинг янги ойнага юкланишини таъминлайди. Бу ойна номга эга бўлмаслиги туфайли унга бошқа ҳужжатни юклашнинг иложи бўлмайди.

TARGET=“_self” дан фойдаланилганда ҳужжат жорий фреймга юкланади.

TARGET=“_top” ҳужжатнинг бутун дарчага юкланишига сабаб бўлади.

TARGET=“_parent” ҳужжатнинг жорий фреймнинг фрейм-ота-онаси томонидан эгалланган соҳасига юкланишига олиб келади.

Таркиби “А” фреймига юкланган frame_a.html файлининг биттагина test.html файлига TARGET параметрининг турли қийматларига эга 6 та ссылкаси мавжуд.

<iframe> элементи **<frame />** элементи билан тўғридан-тўғри боғланган, лекин **<frameset>** элементига умуман алоқаси йўқ. **<iframe>** элементи HTML ҳужжатда ички мустақил фреймлар яратиш имкониятини беради. **<iframe>** элементи ихтиёрий саҳифада **<body>** нинг ичига жойлашиши мумкин. Унинг вазифаси саҳифада бошқа бир ҳужжатни **<frame />** **<frameset>** да кўрсатгани каби кўрсатишдир.

Мисол:

```
<iframe src="jad.html" width="300" height="300" frameborder="0"
scrolling="auto">
```

Мана сизга фрейм!!!

```
</iframe>
```

<iframe> элементи **<frame/>** элементининг **frameborder**, **marginwidth**, **marginheight**, **scrolling** каби ҳамма атрибутларини қабул қилиши мумкин. Булардан ташқари унинг **width** ва **height** атрибутлари ҳам мавжудки, улар қўйилаётган фреймнинг бўйи ва эни ўлчамларини пикселларда белгилайди. Яна **<iframe>** элементи **align** атрибутига эга бўлиб, у одатдагидек, **right** ва **left** қийматлар қабул қилади. **<iframe>** элементининг яна бир хусусияти шундаки у ўз ичига олган матнни қачонки фойдаланувчи браузер ички фреймларни қўлламасагина экранга чиқаради.

Фреймларни юқорида келтирилганлардан бошқа қўшимча имкониятлари ҳам мавжуд. Масалан, бирор фреймга саҳифани юклаш ёки фреймларни янги ойнага очиш.

Target атрибути қуйидаги қийматлар қабул қилиши мумкин:

- /self. Мурожаат қўйилган фрейм ўзида ҳужжат очилишини таъминлайди.
- /top. Бу қийматни қўллаб, шу ойнанинг ўзида фреймларни ўчириб ҳужжатни юклаш мумкин.
- /blank. Ҳужжатни янги ойнада очилишини таъминлайди.

Назорат саволлари:

11. HTML тилида формани вазифасини изоҳлаб беринг?
12. Фреймлар қандай ишлайди?
13. Ҳужжатда линкни фреймга боғлашни тушунтиринг?
14. Объект нима ва қанақа объектларни биласиз?
15. Форманинг қайси нуқтасига маълумот киритилишини белгилловчи тегни мисоллар ёрдамида тушунтиринг?
16. Киритилаётган матн майдони параметрлари қандай белгиланади?
17. Формада ҳаракатланувчи рўйхат қўллаш учун қандай параметрлар керак?
18. Фреймлар ва формаларни қўллаш билан қандай имкониятларга эга бўлишимиз мумкин?
19. Frame теги атрибутларини мисоллар ёрдамида тушунтиринг?
20. <iframe> элементини қўллаш билан қандай имкониятларга эга бўлишимиз мумкин?

Фойдаланилган адабиётлар:

7. Университет портали: Intuit.ru.
8. С.С.Қосимов. Ахборот технологиялари. Тошкент “Алоқачи” 2006.
9. Спейнауэр С., Куэрсиа В. Справочник Web-мастера. - К: "BHV", 1997. - 368 с.
10. Яргер Р., Риз Дж., Кинг Т. MySQL и mSQL. Базы данных для небольших предприятий и Интернета. - СПб: Символ-Плюс, 2000 - 560 с.
11. Хилайер С., Мизик Д. Программирование Active Server Pages. - М: "Русская редакция", 1999. - 296 с.
12. Xaitov F.N., Yusupov R.M., Botirov D.B., Sattarov A.R, Shukurov E.X. Web технологиялар. Жиззах. 2005.

Фойдаланилган манбалар:

8. Университет портали: <http://www.Intuit.ru/>
9. <http://pda.coolreferat.com/>
10. <http://www.z-oleg.com/>
11. <http://www.i2r.ru/>
12. <http://www.google.ru/>
13. <http://uz.wikipedia.org/wiki/HTML>
14. <http://www.cgi.ru>

1.4.Ўқитиш усуллари қоидалари

1.4.1. Ақлий ҳужум қоидалари

- Ҳеч қандай ўзаро баҳолаш ва танқид;
- Таклиф етилаётган ғояларни баҳолашдан ўзингни тий, ҳатто улар фантастис ва иложи йўқ бўлса ҳам – ҳаммаси мумкин;
- Танқид қилма – ҳамма айтилган ғоялар бирҳирда;
- Баён қилувчи гапини бўлма;
- Изоҳ беришдан ўзингни тий;
- Мақсад бу - миқдор;
- Қанча ғоялар кўп бўлса чунча яхши: янги ва зарур ғоя туғулиши имконияти кўпроқ
- Агар ғоялар такрорланса ўксинма,
- Тасаввурингга ерк бер;
- Сенда яралган ғояларни ташлама, агал улар сенинг назарингда қабул қилинган схемага тегишли бўлмаса ҳам;
- Бу муаммо аниқ усуллар билан ечилади деб ўйлама.

1.4.2. “Инсерт” техникаси қоидалари

- Матнди ўқиб, уларда саволлат туғдираётган жойларни, уларни билимларига мос келмаётган ва мос келмаётган жойларни қалам билан белгилаб қўйилади;
- “Инсерт” жадвалини қуйидаги белгилашлар билан тўлдириш:
Агар «!» бўлса сиз ўз билимингизга ёки сиз ўйлаган фикрга тўғри келаётганини ўқияпсиз;
Агар «—» бўлса сиз ўз билимингизга ёки тўғри деб ўйлаганингизга мутлақо зид бўлганини ўқияпсиз;
Агар «+» бўлса сиз ўқитётганингиз сиз учун янгилик;
Агар «?» бўлса, сиз ўқиётганингиз сиз учун тушунарсиз ёки сиз бу саволга янада кўпроқ маълумотлар олишни истайсиз.

1.4.3. Гуруҳларда ишлаш қоидалари

- Ҳамма ўз дўстларини тинглаши керак, унга яхши муносабатда бўлиб ҳурмар кўрсатиши керак;
- Ҳамма актив ҳаракат қилиши лозим; берилган топшириққа нисбатан биргаликда ва жавобгарлик билан ишлаши керак;
- Ҳар ким ўзига керак пайтда ёрдам сўраши керак;
- Ҳар ким ундан ёрдам сўралганда ёрдам кўрсатиши керак;
- Гуруҳнинг иш натижаларини баҳолашда иштирок етиши лозим;
Биз бир кемадамиз, ўзгаларга ёрдам бериб ўзимиз ўрганамиз, шуни ҳар ким тушуниши лоз

5-Мавзу: Динамик Веб-сайтлар билан ишлаш. JavaScript ва PHP да дастурлаш.

Маърузага режа-топшириқлар

Фан: WEB дастурлаш технологияси.

Ўқув соатии: 2 соат (маъруза);

Ўқув машғулоти тури: маъруза; янги машғулотларни мустаҳкамлаш ва ўрганиш.

Иш режаси:

1. Кириш.
2. JavaScriptнинг HTML да ишлатилиши
3. JavaScript нинг асосий элементлари
4. Номлаш қоидалари.

Ўқув машғулоти мақсади:

Талабаларга объектга йўналтирилган браузерли дастурлаш тушунчаси, объектлар, скрипти дастурлар, JavaScriptнинг HTML да ишлатилиши, JavaScript нинг асосий элементлари, ўзгарувчилари, JavaScriptда дастур тузиш кўникмаларини ҳақида маълумот бериш.

Ўқув машғулотининг вазифалари:

- *Ўргатувчи:* талабаларда қабул қилиш фаолиятини ташкил қилиш, янги материални бошла нғич есда қолдириш ва англаш; терминлар, ибораларни характерловчи элементлар; талабаларнинг фирлашини ривожлантириш муаммоли масалаларни ечимини маҳоратини ошириш;
- *ривожлантирувчи:* китоб матни билан ишлай билишлиги – мағзларини танлаб олиш, таҳлил қилиш; гаплар тузиш, ҳулоса чиқариш, материални талабаларнинг излаш фаолиятини стимуллаштириш; хусусийдан умумий ҳолга ўтиш усули билан текшириш; текшириш натижаларини таҳлил қилиб ва уни умумлаштира олишини ривожлантириш; аналитик-синтетик фаолиятнинг мантикий фикрлашини қўллаш; талабаларнинг ижодий маҳоратини шакиллантириш;
- *Тарбияловчи:* актив фаолиятга, мустақил ишга жалб қилиш; гуруҳларда ишлаш қоидаларига риоя қила олиш; фанни ўрганишга қизиқишни ривожлантириш; жавобгарлик туйғуларини тарбиялаш, меҳнатсеварлик, индивидуал ишни жамоавий иш билан бириктириш, интизомлаштириш.

Ўқитиш технологияси:

- *Ўқутиш усуллари:* инструктаж; Маъруза, аклий хужум, “Инсерт” техникаси;
- *Ўқитиш шакллари:* фронтал; жамоавий;
- *Ўқитиш воситалари:* Маъруза матни; жадваллар, мултимедия;
- *Ўқитиш шароитлари:* техник жиҳозлаштирилган аудитория;
- *Баҳолаш ва мониторинг:* ўғзаки савол-жавоб, блиц-сўров.

Педагогик масалалар:

- Фаннинг масалалари ва унинг ўқув фанлар системасидаги ўрни ва роли билан таништириш;
- Ўқув фаннинг тузулмаси ва тавсия етиладиган ўқув-методик адабиётларни тасвирлаш;
- Фан соҳасида методик ва ташкилий хусусиятларини очиб бериш, баҳолаш шакли ва муддатлари;
- Фан маърузаси пайтида ўқитиш жараёнини ташкил қилишнинг умумий босқичларини характерлаб бериш ва умумий схемасини тушунтириш.
- Ўқитиш технологияси ривожланиши перспективасини характерлаб бериш;

Ўқув фаолияти натижалари:

- Фан маърузаси масалалари, мақсадлари ва номлари шакилланади;
- Фан соҳасида методик ва ташкилий хусусиятлари ҳамда баҳолаш шакли ва муддатлари айтилади
- Фан маърузасида ўқитиш жараёнини ташкил қилишнинг умумий схемасини кенгайтириб хатактерлаб беради;
- Фаннинг асосий таърифларини беради,
- Назарий билимларнинг тўлиқлиги, системалийлиги ва ҳаракатлийлиги;
- Амалий мағулотларни бажаришда ўрганилган ибораларбилан ишлай олишлиги;

• 1.2. Маърузанинг хронологик харитаси

• 1 босқич. Ўқув машғулотига кириш (10 дақиқа):

- *Ўқитувчининг фаолияти:* тайёргарликни текшириш (давомат, конспектнинг борлиги; ўзига ишонч, аниқлиги,); керакли материалларни тарқатиш (конспект, тарқатма материаллар); маърузанинг мавзуси ва мақсадини баён қилиш; ўқув машғулотнинг ражаси билан таништириш; калит иборалар ва сўзлар, категориялар; интернет сайтлари ва адабиётлар рўйхати; ўқув натижалари ҳақида айтиш;
- *Талабалар фаолияти:* ўқув жойини тайёрлаш (талабалар борлиги; ташқи кўриниш; ўқув материаллар ва қўлланмалар); маърузанинг мавзуси ва мақсади билан танишиш; ўқув материални қабул қилишга тайёргарлик кўриш;
- *Шакиллар, усулар, услублар:* инструктаж; фронтал сўров; мустахкамловчи сўров.

2 босқич. Асосий қисм (60 дақиқа):

- *Ўқитувчининг фаолияти:* мавзуга киритади; янги мавзуга доир ўтган фанлар ва машғулотларнинг мавзуларини еслашга чорлайди; маъруза матнини тарқатади, танишишни таклиф этади, “Инсерт” усули билан белгилар қўйишни таклиф этади; биринчи савол бўйича матн ўқилади; қўшимча ўқув материалларини айтиб боориш ва тушунча бериш; натурал объектларни намноён

қилиш ва изоҳлаш; тушунарсиз саволларни аниқлаш ва тушинтириш; биринчи савол бўйича назар (шундай қилиб қолган саволларга ҳам);

- *Талабалар фаолияти:* янги мавзуда доир олдинги машғулотларда ва фанларда олган билимларни мустаҳкамлайди; ҳар бир калит ибора ва терминларни ешитиб, ёзиб бориб, конспект қилиб айтиб боришади; “Инсерт” усули билан белгилан ўқийдилар, аниқлик киритадилар, саволлар берадилар ва ўзаро;
- *Шакиллар, усулар, услублар:* фронтов сўров блиц-сўров; ақлий ҳужум, “Инсерт” техникаси.

3 босқич. Яқунловчи қисим (10 дақиқа)

- *Ўқитувчининг фаолияти:* мавзуда бўйича ҳулоса қилиш, талабаларнинг еʼтиборларини асосийларда жалб қилиш; қилинган ишнинг муҳимлигини айтиб ўтиш; алоҳида талабаларнинг бажарилган ишларини баҳолаш; ўзаро баҳолашнинг натижаларини чиқариш; ўқув машғулотнинг ютуқлик даражасини баҳолаш ва таҳлил қилиш; мустақил иш учун топшириқлар; баҳо кўрсаткичлари ва меʼзонлари;
- *Талабалар фаолияти:* ишнинг таҳлили; натижаларни олиш; технологик билимларни қўллаш; ўзаро баҳолашни ўтказиш, йўл қўйилган хатолар бўйича таҳлил ва аниқлик киритиш; мустақил иш топшириқларини ёзиб олиш;
- *Шакиллар, усулар, услублар:* гуруҳларда ишлаш, карточкаларда топшириқлар.

1.3. Ўқув-методик материаллар

Маъруза режаси:

1. Кириш
2. JavaScriptнинг HTML да ишлатилиши
3. JavaScript нинг асосий элементлари

Калит сўзлар: Sun Microsystems компанияси, World Wide Web, Javанинг асосий , характеристикалари, JavaScript, скрипти дастурлар, JavaScriptнинг HTML да ишлатилиши, JavaScript нинг асосий элементлари , ўзгарувчилари, JavaScript даги дастур, JavaScriptда қатор ўзгарувчилари.

1.3.1. Маъруза матни

4.1. Кириш

1990 йили Sun Microsystems компанияси дастурлар яратиш ходими Патрик Нотон (Patrick Naughton) ташаббуси билан Green, дастурлаш гуруҳи ташкил этилди . Бу гуруҳнинг мақсади ҳар хил турмушда ишлатилувчи аппаратлар: видеомагнитофонлар, лазер диски билан ишловчи қурилмалар стереосистемалар билан ишлаш да ягона ёндошувни амалга ошириш дастурлаш

тили ишлаб чиқишига киришилди . Шу вақтда Sun Microsystems компанияси Mosaic системасини ишлаб чиқди бу тизим эса World Wide Web ларнинг асосини ташкил этар эди ва у Internet нинг тез ривожланишига сабаб бўлган эди . Тезда компания Oak-компилятор ва Oak-браузер «WebRunner» яратилди . 1995 йили Sun Microsystems компанияси бу махсулотни такомиллаштириб уни Java деб номлади .

Java нинг асосий характеристикалари

1. Соддалиги. Тилнинг соддалиги Java нинг хама характеристикаларига кириши лозим эди : масалан, дастурловчи тилни ўрганишга кўп вақт ажратмаслиги лозим. Тилнинг фундаментал концепциялари дастурловчилар томонидан жуда тез ўрганилиб олинди . Java ни ишлаб чикувчилар дастурловчиларнинг кўпчилиги C++ билан яхши танишлигини эътиборга олишган. Шу сабабли Java C++ га жуда яқин дастурлаш тилидир .
2. Java хавфсизликга жуда катта аҳамият берилган . Кўпгина шифрлаш алгоритмлари шу тил функцияларини ишлатишади.
3. Барқарорлиги. Java платформаси ўта барқарор ишловчи амалий дастурлар яратишни таъминлашга мўлжалланган. Java да объектлар яратиш new оператори билан амалга оширилади Java да массивлар билан ишлаш бевосита бошқариш системаси назоратида олиб борилади. Хотирани бошқариш модели C++ ва C даги кўпгина хатоларнинг олдини олади.
4. Объектга йўналтирилганлиги. Java да дастурловчилар объектларнинг стандарт библиотекасидан фойдаланишлари мумкин, масалан, киритиш /чиқариш қурилмаларидан фойдаланиш , тармоқ функцияларидан фойдаланиш , график интерфейс яратиш усулларида фойдаланиш ва х .к.з. Бу объектлар библиотекаси функционаллиги янада кенгайтирилиши мумкин.
5. Кўп оқимли . Хозирги вақтда кўпгина тармоқ иловаларида бир вақтда бир нечта операцияларни биргаликда бажаришни тақозо этади . Java да бундай жараёнларни ёзиш механизми ишлаб чиқилган.
6. Юқори самарадорлик. Java да юқори самарадорлик махсус оптимизация қилинган байт код ишлатилиши билан эришилади, бу кодлар машина кодига жуда осон ўтказилади. Javaда иловалар шундай яратилиши мумкинки унинг бир қисми ассемблер илида ёзилиши мумкин.
7. Java нейтрал архитектурага мўлжалланган.
8. Java динамиклиги.

Java нинг такомиллашуви натижасида JavaScript тили вужудга келди.

JavaScript – бу HTML вараги тарибида ишлатилувчи дастурлаш тилидир ,у асосан фойдаланувчи билан мулоқатни Microsoft Internet Explorer ёки Netscape Navigator дастурлари орқали амалга оширади. У Netscape ва Sun Microsystems компанияси билан биргаликда ишлаб чиқилган . JavaScript ёрдамида Web варақларида HTML стандарт теглари ёрдамида қилиш мумкин бўлмаган ишларни бажариш мумкин. Скриптлар эса маълум бир ходисалар

бажарилишида рўй беради . JavaScript Java билан тугридан тугри богланишга эга эмас аммо шундай бўлсада Java нинг ташқи хусусиятларига ва усулларидадан фойдаланади. Фарқи шундаки Java апплетлари браузер ташқарисида ишлайди , JavaScript да еса браузерлар ичида ишлайди . JavaScript – бу мижозларнинг фаол варақларини яратиш тилидир, унинг ёрдамида HTML хужжатларининг мазмунини ўзгартириш мумкин ,анимацияларни бошқариш , фойдаланувчи томонидан киритилган формаларни текшириш учун ҳам ишлатилиши мумкин ,мураккаб математик ҳисоблашларни амалга ошириш мумкин ,шунингдек Web-узелларда излашлар амалга оширилиши мумкин. Шу сабабли JavaScript тўлигича кўпгина Web мастерлари талабига жавоб бераолади.

4.2. JavaScript нинг HTML да ишлатилиши

JavaScript да ёзилган скриптларни ишга тушуриш учун бизга браузер керак бўлади , масалан, Netscape Navigator ёки Microsoft Internet Explorer (MSIE). Бу иккала браузер ҳам JavaScript да ёзилган скриптларни ишлаш имконини яратади. JavaScript бизнинг Web саҳифамиз кўринишини яхшилашда ишлатилади. Бу тилни ўрганишга киришишдан олдин умуман олганда биз HTML тилини билишимиз яхши бўлади.

JavaScript да ёзилган дастур бевосита HTML хужжатларга жойлаштирилади. Бунинг учун махсус тэг <SCRIPT> ва </SCRIPT> ишлатилади.

```
<SCRIPT LANGUAGE="JavaScript">
```

```
.....
```

JavaScript даги дастур

```
...
```

```
</SCRIPT>
```

LANGUAGE атрибути дастур қайси тилда ёзилганлигини англатади , бизнинг ҳолда JavaScript да ёзилганлигини билдиради . Скрипти дастурларни қўлламайдиган браузерлар уларни ўтказиб юборишлари учун дастурлар коментария блоклари ичига жойлаштирилади :

```
<SCRIPT LANGUAGE="JavaScript">
```

```
<!--
```

```
...
```

JavaScript даги дастур

```
...
```

```
//-->
```

```
</SCRIPT>
```

Одатда дастур функциялари HTML хужжатнинг <HEAD> секциясига жойлаштирилади . Бу HTML хужжат ичида қандай ёзилишини курайлик :

```
<HTML>
```

```
<HEAD>
```

```
<TITLE> JavaScript даги дастур
```

```
<TITLE>
```

```
<SCRIPT LANGUAGE="JavaScript">
```

<!--

...

JavaScript даги дастур

...

//-->

</SCRIPT>

</HEAD>

<BODY>

...

HTML-хужжат матни ва JavaScript га функцияларни чақириш

...

</BODY>

</HTML>

JavaScript тилида икки хил комментариялар ишлатилади. Биринчисига бир қаторли комментариялари киради, комментария `"/"` симболи билан ажратилади:

// Бу - комментария қатори;

ёки

`askUser();`

// берилмаларни фодаланувчидан олиш .

Иккичисига кўп қаторли комментариялар киради.:

`/*`

Бу –кўп қаторли комментариялар бўлиб

уларни **JavaScript** интерпретатори эътиборга олмайди

`*/`

4.3. JavaScript нинг асосий элементлари ўзгарувчилари.

JavaScript қуйидаги катталаиклар билан ишлайди :

- 42 ёки 3.14159 турдаги сонлар билан .
 - true ёки false туридаги мантикий қийматлар билан.
- "Howdy!" туридаги қатор билан.
- Бўш кўрсаткич, -бу махсус калит сўз бўлиб нул қийматни белгилайди.

Бу фақат JavaScript даги энг кам берилмалар тўплами .

Ўзгарувчи сон, сўз, символлар кетма кетлиги қийматларига эга бўлиши мумкин. Ўзгарувчиларни аниқлаш учун **var** калит сўз ишлатилади:

`var x=3.14159;`

`var y=2;`

`var z=3;`

Бу ерда `x` га 3.14159, `y` –га 2 ва `z` –га 3 қиймат берилди, агар қуйидагича ёзсак :

`x=y+z; //x=5 (2+3)`

JavaScript да қатор ўзгарувчилари мавжуд. Улар символлар терилмасидан ёки символлар ва рақамлар терилмасидан иборат бўлишлари мумкин. Қаторли ўзгарувчилари кавичкалар билан берилади :

```
var str1="String variable";  
var str2="Another string variable";
```

Қаторли ўзгарувчилари ичида қўштирноқларни бериш учун "\" символи ишлатилади :

```
var str3="That's Ok!";
```

Худди шу символдан фойдаланиб "\" қаторли ўзгарувчига махсус ва бошқариш символларини ҳам киритиш мумкин, масалан:

\r - кареткани қайтариш

\n – янги қаторга ўтиш

\t - табуляция

4.4.Номлаш қоидалари

JavaScript даги ўзгарувчилар ва функцияларнинг номлари ("A"- "Z", "a"- "z") харфлари билан бошланишлари лозим . Шундан кейинги символлар сифатида рақамлар ишлатилиши мумкин .

3.2-а. Фронтал сўров учун саволлар

1. Javascriptда объект тушунчаси.
2. JavaScript нинг асосий элементлари.
3. Javascriptда ўзгарувчилар турлари.
4. JavaScriptда қатор ўзгарувчилари.
5. Javascript синтаксиси.
6. Javascriptда document объекти.
7. Javascript URL схемаси.

3.2-б. Блиц-сўров учун саволлар

1. Алоҳида файлдан қандай қилиб Javascript кодини боғлаш мумкин.
2. Javascriptда қайси оператор ўзгарувчи қийматини таъминлайди..
3. Берилган код ечимида натижа нима чиқади.

```
<SCRIPT type="text/javascript">  
var d = new Date();  
var y = d.getDate();  
document.write(y);  
</SCRIPT>
```

4. Берилган код ечимида натижа нима чиқади.

```
<SCRIPT type="text/javascript">  
var x= 12;  
var y= 5;  
var result-= x +-y;  
alert(result);  
</SCRIPT>
```

5. Ўзгарувчиларни номлаш қоидалари қандай.
6. Javascriptда усуллар.

3.2-в. Оғзаки сўров учун саволлар

1. Javанинг асосий характеристикалари.
2. JavaScript нинг асосий элементлари.
3. Объект хусусиятлар, параметрлари.
4. Javascriptда калит сўзлар.
5. **JavaScript** тилининг вазифаси.
6. HTML контейнер канак параметрлар билан характерланади?.
7. **JavaScript** объекти усуллари нимани аниклайди ?

3.3. Муствақил иш учун топшириқлар

1. Javascript синтаксисини ўрганиш
2. Javascript объектларидан document.write() объекти устида ишлаш.
3. Javascript да сатрли ўзгарувчилар устида амаллар бажариш.
4. Javascript да оддий скриптлар ёзиш.
5. Javascript элементлари.

3.4. Карточкалар учун тестлар

4. **JavaScript** тилининг вазифаси?

- A. **JavaScript** – бу гипер матнли Web саҳифаларини мижоз томонида сценарияларини куриб чиқишни бошқарувчи тилдир .
- B. **JavaScript** - бу гипер матнли Web саҳифаларини сервер томонида сценарияларини куриб чиқишни бошқарувчи тилдир .
- C. **JavaScript** - бу гипер матнли Web саҳифаларини тугунда томонида сценарияларини куриб чиқишни бошқарувчи тилдир .
- D. **JavaScript** - бу гипер матнли Web саҳифаларини исталган томонида сценарияларини куриб чиқишни бошқарувчи тилдир .

5. **JavaScript** нинг асосий вазифаси?

- A. **JavaScript** нинг асосий вазифаси HTML-контейнер атрибутлари қийматларини ва муҳит хусусиятларини узгартириш имкониятидир .
- B. **JavaScript** нинг асосий вазифаси HTML-контейнер атрибутлари қийматларини ва муҳит хусусиятларини узгартириш имкониятидир .
- C. **JavaScript** нинг асосий вазифаси HTML-контейнер атрибутлари қийматларини ва муҳит хусусиятларини узгартириш имкониятидир .
- D. **JavaScript** нинг асосий вазифаси HTML-контейнер атрибутлари қийматларини ва муҳит хусусиятларини узгартириш имкониятидир .

6. HTML контейнер канак параметрлар билан характерланади?

- A. *Хусуият* , усул, ходиса.
- B. *Хусуият* , функция, ходиса.
- C. *Хусуият* , процедура, ходиса.
- D. *Хусуият* , модул, ходиса.

3.5. экранга таянч материалларни кўрсатиш(слайдлар)

- Презентация

3.6. Тавсия этилган адабиётлар

Асосий адабиётлар

1. Матросов С.Ч. и др. HTML 4.0 в подлиннике. BHV-СПб, 2000. 672 с.
2. Уилтон П. JAVASCRIPT. Основы. Символ-плюс. 2002. 1056 с.
3. Кингли-Хью Э., Кингли-Хью К. JAVASCRIPT 1.5: Учебный курс. Питер. 1-е издание. 2002.
4. Томсон Л., Веллинг Л. Разработка Web-приложений на PHP и MySQL. - К.: "ДиаСофт", 2001. - 672 с.

Қўшимча адабиётлар

5. Спейнауэр С., Куэрсиа В. Справочник Web-мастера. - К: "BHV", 1997. - 368 с.
6. Бранденбау. JAVASCRIPT. Сборник рецептов для профессионалов. СПб. 2001.
7. Ратшиллер Т., Геркен Т. PHP4: разработка Web-приложений. Питер, 2001. - 384 с.
8. Яргер Р., Риз Дж., Кинг Т. MySQL и mSQL. Базы данных для небольших предприятий и Интернета. - СПб: Символ-Плюс, 2000 - 560 с.
9. Хилайер С., Мизик Д. Программирование Active Server Pages. - М: "Русская редакция", 1999. - 296 с.
10. Холзнер С. Perl: специальный справочник. - СПб: "Питер". 2000. - 496 с.
11. Шварц Р., Кристиансен Т. Изучаем Perl. - К: "BHV", 2000

4.Ўқитиш усуллари қоидалари

4.1. Ақлий ҳужум қоидалари

- Ҳеч қандай ўзаро баҳолаш ва танқид;
- Таклиф етилаётган ғояларни баҳолашдан ўзингни тий, ҳатто улар фантастис ва иложи йўқ бўлса ҳам – ҳаммаси мумкин;
- Танқид қилма – ҳамма айтилган ғоялар бирҳирда;
- Баён қилувчи гапини бўлма;
- Изоҳ беришдан ўзингни тий;
- Мақсад бу - миқдор;
- Қанча ғоялар кўп бўлса чунча яхши: янги ва зарур ғоя туғулиши имконияти кўпроқ
- Агар ғоялар такрорланса ўксинма,
- Тасаввурингга ерк бер;
- Сенда яралган ғояларни ташлама, агал улар сенинг назарингда қабул қилинган схемага тегишли бўлмаса ҳам;
- Бу муаммо аниқ усуллар билан ечилади деб ўйлама.

1.4.2. “Инсерт” техникаси қоидалари

- Матнди ўқиб, уларда саволлат туғдираётган жойларни, уларни билимларига мос келмаётган ва мос келмаётган жойларни қалам билан белгилаб қўйилади;
- “Инсерт” жадвалини қуйидаги белгилашлар билан тўлдириш:
Агар «!» бўлса сиз ўз билимингизга ёки сиз ўйлаган фикрга тўғри келаётганини ўқияпсиз;
Агар «—» бўлса сиз ўз билимингизга ёки тўғри деб ўйлаганингизга мутлақо зид бўлганини ўқияпсиз;
Агар «+» бўлса сиз ўқитётганингиз сиз учун янгилик;
Агар «?» бўлса, сиз ўқиётганингиз сиз учун тушунарсиз ёки сиз бу саволга янада кўпроқ маълумотлар олишни истайсиз.

1.4.3. Гуруҳларда ишлаш қоидалари

- Ҳамма ўз дўстларини тинглаши керак, унга яхши муносабатда бўлиб ҳурмар кўрсатиши керак;
- Ҳамма актив ҳаракат қилиши лозим; берилган топшириққа нисбатан биргаликда ва жавобгарлик билан ишлаши керак;
- Ҳар ким ўзига керак пайтда ёрдам сўраши керак;
- Ҳар ким ундан ёрдам сўралганда ёрдам кўрсатиши керак;
- Гуруҳнинг иш натижаларини баҳолашда иштирок етиши лозим;
Биз бир кемадамиз, ўзгаларга ёрдам бериб ўзимиз ўрганамиз, шуни ҳар ким тушуниши лоз

6-Мавзу: JavaScriptдаги маълумот турлари, ўзгарувчилари, ифодалари ва арифметик операторлар.

Маърузага режа-топшириқлар

Фан: WEB дастурлаш технологияси.

Ўқув соатии: 2 соат (маъруза);

Ўқув машғулоти тури: маъруза; янги машғулотларни мустаҳкамлаш ва ўрганиш.

Иш режаси:

1. Берилмалар турини ўзгартириш.
2. Ўзгарувчиларнинг ҳаракат соҳаси .
3. Бутун сонлар (Integer).
4. Қўзғалувчан вергулли литераллар.

Ўқув машғулоти мақсади:

Талабаларга javascriptда берилмалар турлари, ўзгарувчиларнинг ҳаракат соҳаси, ўзгарувчилар турлари қўзғалувчи вергулли литераллар тушунчалари ҳақида маълумот бериш

Ўқув машғулотининг вазифалари:

- *Ўргатувчи:* талабаларда қабул қилиш фаолиятини ташкил қилиш, янги материални бошланғич есда қолдириш ва англаш; терминлар, ибораларни характерловчи элементлар; талабаларнинг фирлашини ривожлантириш муаммоли масалаларни ечимини маҳоратини ошириш;
- *ривожлантирувчи:* китоб матни билан ишлай билишлиги – мағзларини танлаб олиш, таҳлил қилиш; гаплар тузиш, ҳулоса чиқариш, материални талабаларнинг излаш фаолиятини стимуллаштириш; ҳусусийдан умумий ҳолга ўтиш усули билан текшириш; текшириш натижаларини таҳлил қилиб ва уни умумлаштира олишини ривожлантириш; аналитик-синтетик фаолиятнинг мантикий фикрлашини қўллаш; талабаларнинг ижодий маҳоратини шакиллантириш;
- *Тарбияловчи:* актив фаолиятга, мустақил ишга жалб қилиш; гуруҳларда ишлаш қоидаларига риоя қила олиш; фанни ўрганишга қизиқишни ривожлантириш; жавобгарлик туйғуларини тарбиялаш, меҳнатсеварлик, индивидуал ишни жамоавий иш билан бириктириш, интизомлаштириш.

Ўқитиш технологияси:

- *Ўқутиш усуллари:* инструктаж; Маъруза, ақлий ҳужум, “Инсерт” техникаси;
- *Ўқитиш шакллари:* фронтал; жамоавий;
- *Ўқитиш воситалари:* Маъруза матни; жадваллар, мултимедия;
- *Ўқитиш шароитлари:* техник жиҳозлаштирилган аудитория;
- *Баҳолаш ва мониторинг:* ўғзаки савол-жавоб, блиц-сўров.

Педагогик масалалар:

- Фаннинг масалалари ва унинг ўқув фанлар системасидаги ўрни ва роли билан таништириш;
- Ўқув фаннинг тузулмаси ва тавсия етиладиган ўқув-методик адабиётларни тасвирлаш;
- Фан соҳасида методик ва ташкилий хусусиятларини очиб бериш, баҳолаш шакли ва муддатлари;
- Фан маърузаси пайтида ўқитиш жараёнини ташкил қилишнинг умумий босқичларини характерлаб бериш ва умумий схемасини тушунтириш.
- Ўқитиш технологияси ривожланиши перспективасини характерлаб бериш;

Ўқув фаолияти натижалари:

- Фан маърузаси масалалари, мақсадлари ва номлари шакилланади;
- Фан соҳасида методик ва ташкилий хусусиятлари ҳамда баҳолаш шакли ва муддатлари айтилади
- Фан маърузасида ўқитиш жараёнини ташкил қилишнинг умумий схемасини кенгайтириб хатактерлаб беради;
- Фаннинг асосий таърифларини беради,
- Назарий билимларнинг тўлиқлиги, системалийлиги ва ҳаракатлиёлиги;
- Амалий мағулотларни бажаришда ўрганилган ибораларбилан ишлай олишлиги;

1.2. Маърузанинг хронологик харитаси

1 босқич. Ўқув машғулотига кириш (10 дақиқа):

Ўқитувчининг фаолияти: тайёргарликни текшириш (давомат, конспектнинг борлиги; ўзига ишонч, аниқлиги,); керакли материалларни тарқатиш (конспект, тарқатма материаллар); маърузанинг мавзуси ва мақсадини баён қилиш; ўқув машғулотнинг ражаси билан таништириш; калит иборалар ва сўзлар, категориялар; интернет сайтлари ва адабиётлар рўйхати; ўқув натижалари ҳақида айтиш;

Талабалар фаолияти: ўқув жойини тайёрлаш (талабалар борлиги; ташқи кўриниш; ўқув материаллар ва қўлланмалар); маърузанинг мавзуси ва мақсади билан танишиш; ўқув материални қабул қилишга тайёргарлик кўриш;

Шакиллар, усулар, услублар: инструктаж; фронтал сўров; мустаҳкамловчи сўров.

2 босқич. Асосий қисм (60 дақиқа):

Ўқитувчининг фаолияти: мавзуга киритади; янги мавзуга доир ўтган фанлар ва машғулотларнинг мавзуларини еслашга чорлайди; маъруза матнини тарқатади, танишишни таклиф этади, “Инсерт” усули билан белгилар қўйишни таклиф этади; биринчи савол бўйича матн ўқилади; қўшимча ўқув материалларини айтиб боориш ва тушунча бериш; натурал объектларни намноён қилиш ва изохлаш; тушунарсиз саволларни аниқлаш ва тушинтириш; биринчи савол бўйича назар (шундай қилиб қолган саволларга ҳам);

Талабалар фаолияти: янги мавзуда доир олдинги машғулотларда ва фанларда олган билимларни мустаҳкамлайди,; ҳар бир калит ибора ва терминларни ешитиб, ёзиб бориб, конспект қилиб айтиб боришади; “Инсерт” усули билан белгилан ўқийдилар, аниқлик киритадилар, саволлар берадилар ва ўзаро;

Шакиллар, усулар, услублар: фронтал сўров блиц-сўров; ақлий ҳужум, “Инсерт” техникаси.

3 босқич. Якунловчи қисим (10 дақиқа)

- *Ўқитувчининг фаолияти:* мавзу бўйича ҳулоса қилиш, талабаларнинг ётиборларини асосийларда жалб қилиш; қилинган ишнинг муҳимлигини айтиб ўтиш; алоҳида талабаларнинг бажарилган ишларини баҳолаш; ўзаро баҳолашнинг натижаларини чиқариш; ўқув машғулотнинг ютуқлик даражасини баҳолаш ва таҳлил қилиш; мустақил иш учун топшириқлар; баҳо кўрсатгичлари ва меҳмонлари;
- *Талабалар фаолияти:* ишнинг таҳлили; натижаларни олиш; технологик билимларни қўллаш; ўзаро баҳолашни ўтказиш, йўл қўйилган ҳатолар бўйича таҳлил ва аниқлик киритиш; мустақил иш топшириқларини ёзиб олиш;
- *Шакиллар, усулар, услублар:* гуруҳларда ишлаш, карточкаларда топшириқлар.

1.3. Ўқув-методик материаллар

Маъруза режаси:

1. Берилмалар турини ўзгартириш.
2. Ўзгарувчиларнинг ҳаракат соҳаси.
3. Бўтун сонлар (integer).
4. Қўзғалувчи вергулли литераллар.

Калит сўзлар: *Берилмалар турлари ва уларни ўзгартириш, ўзгарувчиларнинг ҳаракат соҳаси, бутун сонлар (Integer), қўзғалувчан вергулли литераллар.*

3.1. Маъруза матни

5.1. Берилмалар турини ўзгартириш

Ўзгарувчиларнинг турлари уларда қандай қиймат сақланишига боғлиқ. Демак биз ўзгарувчининг аниқ турини аниқлашимиз шарт эмас. Ўзгарувчи тури скрипт бажарилиши даврида автоматик равишда аниқланади. Масалан:

var answer = 42 бўлса,

кейинчалик биз :

answer = "Thanks."

Шаклида турни ўзгартиришимиз мумкин.

Қаторли ва сонли қийматлар қатнашган ифодадарни ҳисоблашда, JavaScript сонли қийматларни қаторлига алмаштиради. Масалан :

x = "The answer is - " + 42

y = 42 + " - is the answer."

Биринчи қатордаги буйруқ бажарилганда "The answer is - 42 " натижа каторни оламиз, иккинчи қатордаги буйруқ бажарилганда эса " 42 - is the answer" – натижани оламиз .

JavaScript сонли ва қаторли қийматларни бошқариш учун бир нечта махсус функцияларга эга :

- **eval** – *JavaScript* нинг исталган ўзгарувчи ёки литералларини сонга ўзгартириш.
- **parseInt** қаторни бутун сонга ўзгартиради.
- **parseFloat** қаторни қўзгалувчан вергулли сонга айлантиради .

5.2.Ўзгарувчиларнинг ҳаракат соҳаси.

Ўзгарувчиларнинг ҳаракат соҳаси деб , уларни скриптларда ишлатиш мумкин бўлган соҳа олинади . *JavaScript* да иккита ҳаракат соҳаси ишлатилади :

Глобал соҳа: Биз бундай ўзгарувчининг илованинг исталган жойида ишлатишимиз мумкин.

Локал соҳа: Бундай ўзгарувчилар фақат функция ичида ишлатилади.

Функция ичида локал ўзгарувчиларни эълон қилиш учун **var** калит сўзи ишлатилади, масалан :

var total = 0

Глобал узгарувчиларни эълон қилиш учун ,фақат ўзгарувчи номи эълон қилинади (функция ичида ёки функция ташқарисида), масалан:

total = 0;

Глобал ўзгарувчилар одатда скриптдан ташқарида эълон қилинади.

3.Бутун сонлар (Integer)

Бутун сонлар (Integer) 1, 164, 102390 кўринишдаги сонлардир .Улар ўнли(10 асосли) , ўн олтилик (16 асосли , ёки саккизли (8 асосли) кўринишда тасвирланишлари мумкин. Бутун соннинг ўнли литерали 0 сиз рақамлар кетмакетлигидан иборат бўлади.

Бутун сон саккизлик ёки ўн олтилик шаклда ифодаланиши мумкин .Ўн олтилик бутун сон 0-9 гача бўлган рақамлар А-Ғ харфлар билан ифодаланиши мумкин . *JavaScript* да улар символлар комбинацияси билан ёзилади : сон олдида 0x ёки 0X (нол- x). Саккизлик сонлар эса фақат рақамлар билан ифодаланади 0-7 , улар *JavaScript* да 0 билан бошланади .

Масалан , 23 ўнли сон он олтилик шаклда қуйидагича ёзилади 0x17 ва саккизликда эса 027 шаклида ёзилади .

4. Қўзгалувчан вергулли литераллар

Қўзгалувчан вергулли литераллар бутун сонларнинг каср қисмини акс эттиради ва камида битта рақам ва ўнли нуқтадан биорат бўлади ёки экспоненциал симболидиан иборат бўлиши лозим. Қуйидаги мисолда битта сони хар хил вариантларда ифодалаш келтирилган :

- 3.1415927
- 31415927e-7
- .31415927E1

Мантикий литераллар

Мантикий қийматлар чин (**true**) ёки ёлгон (**false**) қийматларга эга бўлишлари мумкин.

Қаторлар

Қатор литераллари - нол ва ундан кўп символлардан иборат ва битталиқ ва иккиталиқ қўштирноқ ичига олинган бўлади (") –иккилик ёки (') бирлик қўштирноқга олинган бўлади:

- **'Blah'**
- **"1234"**
- **"one line \n another line"**

Калит сўзлар

JavaScript да бир қатор сўзлар калит сўзлар сифатида ишлатилади .Улар учта категорияга бўлининишади : *JavaScript* даги калит сўзлар (1-жадвал) да ва *Java* (2-жадвал) да ишлатилувчи калит сўзлар, ва ишлатиш мумкин бўлмаган сўзлар келтирилган.

1-жадвал. <i>JavaScript</i> даги калит сўзлар				
break	for	new	true	With
continue	function	null	typeof	
else	if	return	var	
false	in	this	while	

2-жадвал. <i>Java</i> даги калит сўзлар

abstract	default	implements	static	Void
boolean	do	import	super	
byte	double	instanceof	switch	
case	extends	int	synchronized	
catch	final	interface	throw	
char	finally	long	throws	
class	float	native	transient	
const	goto	package	try	

Қуйидаги сўзларни ишлатмасликга ҳаракат қилиш лозим: String ёки parseInt.

1.3.2-а. Фронтал сўров учун саволлар

1. Javascriptда берилмалар тушунчасига изох беринг.
2. Javascriptда берилмалар турини қандай ўзгартириш мумкин.
3. Javascriptда сонли ва қаторли қийматларни бошқариш учун қандай функциялардан фойдаланилади.
4. Javascriptда ўзгарувчиларнинг ҳаракат соҳаси деганда нимани тушунаси.
5. Глобал, локал ўзгарувчилар деганда нимани тушунаси.
6. Қўзгалувчан вергулли литераллар ҳақида нималарни биласиз.
7. Мантикий литераллар, қаторлар ҳақида гапириб беринг.

1.3.2-б. Блиц-сўров учун саволлар

1. График Javascriptда сонли ва қаторли қийматларни бошқариш учун қандай функциялардан фойдаланилади.
2. Javascriptда калит сўзлари ҳақида гапиринг
3. Javascriptда ўзгарувчиларни эълон қилишнинг синтаксиси.
4. Javascriptда **eval** функцияси вазибалари.
5. Javascriptда **parseInt** ва **parseFloat** функцияси вазибалари.
6. JavaScriptда қатор ўзгарувчилари.

1.3.2-в. Оғзаки сўров учун саволлар

11. Jаванинг асосий характеристикалари.
2. JavaScript нинг асосий элементлари.
3. Объект хусусиятлар, параметрлари.
4. Javascriptда калит сўзлар.
5. **JavaScript** тилининг вазибаси.
6. HTML контейнер қанақа параметрлар билан характерланади?
7. **JavaScript** объекти усуллари нимани аниқлайди ?
8. Глобал, локал ўзгарувчилар деганда нимани тушунаси.
9. Қўзгалувчан вергулли литераллар ҳақида нималарни биласиз.

1.3.3. Мустақил иш учун топшириқлар

1. Javascriptда сатрли ўзгарувчилар ёрдамида сценарийларни яратиш.
2. Javascriptда объектлар билан ишлаш кўникмасини ошириш.
3. Javascriptда document.write() усулидан фойдаланиб ўзгарувчи қийматларини браузерга чиқариш.
4. Javascriptда **parseInt** ва **parseFloat** функциясидан фойдаланиб сценарийлар яратинг.

1.3.4. Карточкалар учун тестлар

1. JavaScript объекти усуллари нимани аниқлайди ?
 - A. Объект усуллари унинг узгариш функцияларини аниқлайди .
 - B. Объект усуллари унинг узгариш функцияларини аниқлайди.
 - C. Объект усуллари унинг узгариш функцияларини аниқлайди
 - D . Объект усуллари унинг узгариш функцияларини аниқлайди.

2. Дастур кодидаги хатони аниқланг.

Click here

- A. ойна яратиш хатоси. height параметри кўрсатилмаган.
- B. ойна яратиш хатоси. status параметри кўрсатилмаган.
- C. ойна яратиш хатоси. Очилувчи файлнинг мурожаати нотўғри яратилган.
- D . хато йўқ.

3. Куйидаги мисолда HREF атрибути билан нима аниқланмоқда

intuit ?

- A. HREF атрибути гипематнли мурожатни аниқлайди.
- B. HREF атрибути оддий матнли мурожатни аниқлайди.
- C. HREF атрибути мураккаб мурожатни аниқлайди.
- D . HREF атрибути ката мурожатни аниқлайди.

4. JavaScript объектларнинг ходисаси атрибутлари қиймати сифатида нималар курсатилади?

- A. Объектларнинг ходисаси атрибутлари қиймати сифатида ходисаларни ишлаш фойдаланувчи дастури курсатилади.
- B. Объектларнинг ходисаси атрибутлари қиймати сифатида хоссаларни ишлаш фойдаланувчи дастури курсатилади.
- C. Объектларнинг ходисаси атрибутлари қиймати сифатида берилмаларни ишлаш дастури курсатилади.
- D. Объектларнинг ходисаси атрибутлари қиймати сифатида ахборотларни ишлаш дастури курсатилади..

5. clearTimeout()? Методи аргументи нимани кўрсатади.

- A) паток яратишни
- B) стекни
- C) Javascript кодини

3.5. экранга таянч материалларни кўрсатиш(слайдлар)

- Презентация

3.6. Тавсия этилган адабиётлар

Асосий адабиётлар

1. Матросов С.Ч. и др. HTML 4.0 в подлиннике. BHV-СПб, 2000. 672 с.
2. Уилтон П. JAVASCRIPT. Основы. Символ-плюс. 2002. 1056 с.
3. Кингли-Хью Э., Кингли-Хью К. JAVASCRIPT 1.5: Учебный курс. Питер. 1-е издание. 2002.
4. Томсон Л., Веллинг Л. Разработка Web-приложений на PHP и MySQL. - К.: "ДиаСофт", 2001. - 672 с.

Қўшимча адабиётлар

5. Спейнауэр С., Куэрсиа В. Справочник Web-мастера. - К: "BHV", 1997. - 368 с.
6. Бранденбау. JAVASCRIPT. Сборник рецептов для профессионалов. СПб. 2001.
7. Ратшиллер Т., Геркен Т. PHP4: разработка Web-приложений. Питер, 2001. - 384 с.
8. Яргер Р., Риз Дж., Кинг Т. MySQL и mSQL. Базы данных для небольших предприятий и Интернета. - СПб: Символ-Плюс, 2000 - 560 с.
9. Хилайер С., Мизик Д. Программирование Active Server Pages. - М: "Русская редакция", 1999. - 296 с.
10. Холзнер С. Perl: специальный справочник. - СПб: "Питер". 2000. - 496 с.
11. Шварц Р., Кристиансен Т. Изучаем Perl. - К: "BHV", 2000

4.Ўқитиш усуллари қоидалари

4.1. Ақлий ҳужум қоидалари

- Ҳеч қандай ўзаро баҳолаш ва танқид;
- Таклиф етилаётган ғояларни баҳолашдан ўзингни тий, ҳатто улар фантастис ва иложи йўқ бўлса ҳам – ҳаммаси мумкин;
- Танқид қилма – ҳамма айтилган ғоялар бирҳирда;
- Баён қилувчи гапини бўлма;
- Изоҳ беришдан ўзингни тий;
- Мақсад бу - миқдор;
- Қанча ғоялар кўп бўлса чунча яхши: янги ва зарур ғоя туғулиши имконияти кўпроқ
- Агар ғоялар такрорланса ўксинма,
- Тасаввурингга ерк бер;
- Сенда яралган ғояларни ташлама, агал улар сенинг назарингда қабул қилинган схемага тегишли бўлмаса ҳам;
- Бу муаммо аниқ усуллар билан ечилади деб ўйлама.

1.4.2. “Инсерт” техникаси қоидалари

- Матнди ўқиб, уларда саволлат туғдираётган жойларни, уларни билимларига мос келмаётган ва мос келмаётган жойларни қалам билан белгилаб қўйилади;
- “Инсерт” жадвалини қуйидаги белгилашлар билан тўлдириш:
Агар «!» бўлса сиз ўз билимингизга ёки сиз ўйлаган фикрга тўғри келаётганини ўқияпсиз;
Агар «—» бўлса сиз ўз билимингизга ёки тўғри деб ўйлаганингизга мутлақо зид бўлганини ўқияпсиз;
Агар «+» бўлса сиз ўқитётганингиз сиз учун янгилик;
Агар «?» бўлса, сиз ўқиётганингиз сиз учун тушунарсиз ёки сиз бу саволга янада кўпроқ маълумотлар олишни истайсиз.

1.4.3. Гуруҳларда ишлаш қоидалари

- Ҳамма ўз дўстларини тинглаши керак, унга яхши муносабатда бўлиб ҳурмар кўрсатиши керак;
- Ҳамма актив ҳаракат қилиши лозим; берилган топшириққа нисбатан биргаликда ва жавобгарлик билан ишлаши керак;
- Ҳар ким ўзига керак пайтда ёрдам сўраши керак;
- Ҳар ким ундан ёрдам сўралганда ёрдам кўрсатиши керак;
- Гуруҳнинг иш натижаларини баҳолашда иштирок етиши лозим;
Биз бир кемадамиз, ўзгаларга ёрдам бериб ўзимиз ўрганамиз, шуни ҳар ким тушуниши лозим.

7-Мавзу: JavaScriptда функция, метод, объектлар ва уларнинг хусусиятлари.

Маърузага режа-топшириқлар

Фан: WEB дастурлаш .

Ўқув соати: 2 соат (маъруза);

Ўқув машғулоти тури: маъруза; янги машғулотларни мустаҳкамлаш ва ўрганиш.

Иш режаси:

1. JavaScript объекти ва усуллари.
2. Функциялар ва усуллар
3. Ўзгарувчан сонли аргументли функциялар .

Ўқув машғулоти мақсади:

Талабаларга JavaScript объектлари, усуллари, хусусиятлари тушунчасини, функция ва усуллар, стандарт функциялар, фойдаланувчи томонидан яратиладиган функциялар, ўзгарувчан сонли аргументли функциялар тушунчалари ҳақида маълумот бериш.

Ўқув машғулотининг вазифалари:

Ўргатувчи: талабаларда қабул қилиш фаолиятини ташкил қилиш, янги материални бошланғич еса қолдириш ва англаш; терминлар, ибораларни характерловчи элементлар; талабаларнинг фирлашини ривожлантириш муаммоли масалаларни ечимини маҳоратини ошириш;

ривожлантирувчи: китоб матни билан ишлай билишлиги – мағзларини танлаб олиш, таҳлил қилиш; гаплар тузиш, ҳулоса чиқариш, материални талабаларнинг излаш фаолиятини стимуллаштириш; хусусийдан умумий ҳолга ўтиш усули билан текшириш; текшириш натижаларини таҳлил қилиб ва уни умумлаштира олишини ривожлантириш; аналитик-синтетик фаолиятнинг мантикий фикрлашини қўллаш; талабаларнинг ижодий маҳоратини шакллантириш;

Тарбияловчи: актив фаолиятга, мустақил ишга жалб қилиш; гуруҳларда ишлаш қоидаларига риоя қила олиш; фанни ўрганишга қизиқишни ривожлантириш; жавобгарлик туйғуларини тарбиялаш, меҳнатсеварлик, индивидуал ишни жамоавий иш билан бириктириш, интизомлаштириш.

Ўқитиш технологияси:

- *Ўқутиш усуллари:* инструктаж; Маъруза, ақлий ҳужум, “Инсерт” техникаси;
- *Ўқитиш шакллари:* фронтал; жамоавий;
- *Ўқитиш воситалари:* Маъруза матни; жадваллар, мултимедия;
- *Ўқитиш шароитлари:* техник жиҳозлаштирилган аудитория;
- *Баҳолаш ва мониторинг:* ўғзаки савол-жавоб, блиц-сўров.

Педагогик масалалар:

- Фаннинг масалалари ва унинг ўқув фанлар системасидаги ўрни ва роли билан таништириш;
- Ўқув фаннинг тузулмаси ва тавсия этиладиган ўқув-методик адабиётларни тасвирлаш;
- Фан соҳасида методик ва ташкилий хусусиятларини очиб бериш, баҳолаш шакли ва муддатлари;
- Фан маърузаси пайтида ўқитиш жараёнини ташкил қилишнинг умумий босқичларини характерлаб бериш ва умумий схемасини тушунтириш.
- Ўқитиш технологияси ривожланиши перспективасини характерлаб бериш;

Ўқув фаолияти натижалари:

- Фан маърузаси масалалари, мақсадлари ва номлари шакилланади;
- Фан соҳасида методик ва ташкилий хусусиятлари ҳамда баҳолаш шакли ва муддатлари айтилади
- Фан маърузасида ўқитиш жараёнини ташкил қилишнинг умумий схемасини кенгайтириб хатактерлаб беради;
- Фаннинг асосий таърифларини беради,
- Назарий билимларнинг тўлиқлиги, системалийлиги ва ҳаракатлиёлиги;
- Амалий мағулотларни бажаришда ўрганилган ибораларбилан ишлай олишлиги;

1.2. Маърузанинг хронологик харитаси

1 босқич. Ўқув машғулотига кириш (10 дақиқа):

Ўқитувчининг фаолияти: тайёргарликни текшириш (давомат, конспектнинг борлиги; ўзига ишонч, аниқлиги,); керакли материалларни тарқатиш (конспект, тарқатма материаллар); маърузанинг мавзуси ва мақсадини баён қилиш; ўқув машғулотнинг ражаси билан таништириш; калит иборалар ва сўзлар, категориялар; интернет сайтлари ва адабиётлар рўйхати; ўқув натижалари ҳақида айтиш;

Талабалар фаолияти: ўқув жойини тайёрлаш (талабалар борлиги; ташки кўриниш; ўқув материаллар ва қўлланмалар); маърузанинг мавзуси ва мақсади билан танишиш; ўқув материаллини қабул қилишга тайёргарлик кўриш;

Шакиллар, усулар, услублар: инструктаж; фронтал сўров; мустахкамловчи сўров.

2 босқич. Асосий қисм (60 дақиқа):

Ўқитувчининг фаолияти: мавзуга киритади; янги мавзуга доир ўтган фанлар ва машғулотларнинг мавзуларини еслашга чорлайди; маъруза матнини тарқатади, танишишни таклиф этади, “Инсерт” усули билан белгилар қўйишни таклиф этади; биринчи савол бўйича матн ўкилади; қўшимча ўқув материалларини айтиб боориш ва тушунча бериш; натурал объектларни намноён қилиш ва изоҳлаш; тушунарсиз саволларни аниқлаш ва тушинтириш; биринчи савол бўйича назар (шундай қилиб қолган саволларга ҳам);

Талабалар фаолияти: янги мавзуда доир олдинги машғулотларда ва фанларда олган билимларни мустаҳкамлайди,; ҳар бир калит ибора ва терминларни ешитиб, ёзиб бориб, конспект қилиб айтиб боришади; “Инсерт” усули билан белгилан ўқийдилар, аниқлик киритадилар, саволлар берадилар ва ўзаро;

Шакиллар, усулар, услублар: фронтал сўров блиц-сўров; ақлий ҳужум, “Инсерт” техникаси.

3 босқич. Якунловчи қисим (10 дақиқа)

- *Ўқитувчининг фаолияти:* мавзуда бўйича ҳулоса қилиш, талабаларнинг ётиборларини асосийларда жалб қилиш; қилинган ишнинг муҳимлигини айтиб ўтиш; алоҳида талабаларнинг бажарилган ишларини баҳолаш; ўзаро баҳолашнинг натижаларини чиқариш; ўқув машғулотнинг ютуқлик даражасини баҳолаш ва таҳлил қилиш; мустақил иш учун топшириқлар; баҳо кўрсаткичлари ва меъзонлари;
- *Талабалар фаолияти:* ишнинг таҳлили; натижаларни олиш; технологик билимларни қўллаш; ўзаро баҳолашни ўтказиш, йўл қўйилган ҳатолар бўйича таҳлил ва аниқлик киритиш; мустақил иш топшириқларини ёзиб олиш;
- *Шакиллар, усулар, услублар:* гуруҳларда ишлаш, карточкаларда топшириқлар.

1.3. Ўқув-методик материаллар

Маъруза режаси:

1. JavaScript объекти ва усуллари.
2. Функциялар ва усуллар.
3. Ўзгарувчан сонли аргументли функциялар .

Калит сўзлар: JavaScript объекти ва усуллари, функциялар ва усуллар, ўзгарувчан сонли аргументли функциялар, объектлар, объектга йўналтирилганлик, ўзгарувчи бўлган конструкциялар, объект усуллари, объектлар ва усулларнинг хусусиятлари, функциялар ва усуллар.

3.1. Маъруза матни

6.1. JavaScript объекти ва усуллари.

JavaScript дастурлаш тили оддий объектга йўналтирилганлик мисолига асосланган.. Объект –бу JavaScript ўзгарувчиси бўлган конструкциядир. Хусусиятлар бошқа функциялар бўлишлари мумкин . Объектлар билан боғланган функциялар объект усуллари дейилади .

Объектлар ва уларнинг хусусиятлари

JavaScript объекти хусусиятларга эга . Биз объект хусусиятига қуйидаги белгилашлар тизими орқали мурожат қилишимиз мумкин:

objectName.propertyName

Объект номи ва хусусият номи регистрга нисбатан сезгир ҳисобланади . Биз хусусиятни қиймат бериш билан аниқлаймиз . Масалан, myCar номли объект берилган бўлсин . Биз бу объектга қуйидаги номларга эга бўлган хусусиятлар беришимиз мумкин : **make , model , year**:

```
myCar.make = "Ford"  
myCar.model = "Mustang"  
myCar.year = 69;
```

Шунингдек биз бу хусусиятларга юқоридаги жадвалдаги белгилашлар тизимларидан фойдаланиб мурожат қилишимиз мумкин:

```
myCar["make"] = "Ford"  
myCar["model"] = "Mustang"  
myCar["year"] = 69;
```

Қуйидаги функция объект хусусиятининг аргументи сифатида ишлатилишини ифодалайди :

Масалан, show_props(myCar, "myCar") функциясига мурожат қилишдан чиққан натижа қуйидагича бўлади :

```
myCar.make = Ford  
myCar.model = Mustang  
myCar.year = 67
```

Биз хусусиятни бирон бир сон билан ҳам белгилашимиз мумкин, масалан:

```
temp[0] = 34  
temp[1] = 42  
temp[2] = 56
```

Бу мисолда temp объектининг учта хусусияти ўрнатилмоқда , ва биз бу хусусиятларга temp[i] шаклида мурожат қилишимиз лозим, бу ерда i 0 ва 2 оралигидаги бутун сон.

Web саҳифанинг барча элементлари JavaScript тилидаги иерархик тузилиши бўйича қурилади. Ҳар бир элемент объект кўринишида номаён бўлади. Бундан ҳар бир объект аниқ таркибга ва усулга эга бўлади. Ўз навбатида JavaScript тили Web саҳифа объектларини осон бошқариш имкониятини беради. Бунда объектлар иерархия шаклида бўлади.

Мисол. HTML саҳифа:

```
<html>  
  <head>  
    <title My homepage >  
  </head>  
<body bgcolor = # ffffff>  
  <center>  
    <img scr = home.gif name="pic1" width = 200 height = 100>  
  </center>
```

```

<p>
<form name = "My form">
Name:
<input type = "text" name = "home" value = " " > <br>
e – mail:
<input type="button" value="pushme" name= "mybutton" onclick =
"alert(Y)">
</form>
<p>
<center>
<img scr = "my.gif" name ="pic4" width = 300 height = 15>
<p>
<a href = http://maks/index.html"> </a>
</center>
</body>
</html>

```

Демак биз 2 та тасвир, 1 та мурожат ва қандайдир матн чиқариш учун 2 майдондан иборат форма ва 1 та тугмачага эгамиз. JavaScript нуктаий назаридан броузер дарчаси – аллақандай Window объекти бўлиб ҳисобланади. Бу объект ўз навбатида бир неча расмийлаштириш элементларига эга. Дарча ичкарасига биз html хужжатиини ўрнатишимиз мумкин (ёки бошқа тилдаги файл, ҳозирча html файли билан чегараланиб турамыз). Бундай саҳифа document объектидан фарқ қилмайди. Бу шуни англатадики, document объекти JavaScript тилида ҳозирги пайтда юкланган html хужжатни намоён этади. Document объекти JavaScript тилида жуда муҳим объектлардан бири ҳисобланади. Масалан, Document объектининг таркибига, Web саҳифа фонинг ранги киради. Шундай қилиб биз учун шуниси муҳимки html объектларидан барчаси document объектининг таркибига киради. Html объектларига мисол, мурожаат ёки тўлдирилган форма бўла олади.

Албатта биз бу иерархия ёрдамида турли объектлар ҳақида маълумотга эга бўлишимиз ва уни бошқариш имконига эга бўлишимиз керак. Бунинг учун биз JavaScript тилида турли объектларга рухсат қандай ташкил этилганлигини билишимиз шарт. Кўриниб турибдики иерархик тузилишга кўра ҳар бир объект ўз номига эга. Мас равишда агар сиз html саҳифадаги 1-расмга мурожат қилмоқчи бўлсангиз объектлар иерархиясидаги ўз йўналишингизни танлаб олишингиз керак ва энг юқори чуққидан бошлаш керак. Бу тузилишдаги 1-объект document деб аталади. Саҳифадаги 1-расм images[0] объекти каби тасвирланган. Бу шуни англатадики JavaScript да document.images[0] деб ёзиб бу объектга рухсат олган бўламыз. Масалан, агарда форманинг 1-элементига қандай матн киритилганини билмоқчи бўлсангиз дастлаб қандай қилиб объектга рухсат олишни аниқлаб олишингиз керак ва яна объектлар иерархиясининг энг юқорисидан бошлаймиз. Сунгра elements[0] объектга йўл кўрсатамыз ва кетма–кетлик билан барча объектларни номини ёзамиз ва натижада шу нарса аниқланадики 1-майдонга рухсатни шуларни ёзиш орқали олиш мумкин:

Document.forms[0].Elements[0]. Энди фойдаланувчи томонидан киритилган матнни қандай қилиб билиш мумкин. Объектнинг қайси тури ёки ҳоссаларидан бири бу информацияга рухсат бериши мумкинлигини аниқлаш учун JavaScript ҳақидаги маълумотномаларга муржат қилиш керак. У ерда сиз киритилган матн майдонига мос келувчи элемент value ҳоссаси борлиги ва у киритилган матнга мос келади. Демак энди биз киритилган қийматни ўқиш учун барча керакли ҳақида билимга эгамиз. Бунинг учун JavaScript сатрида қўйидагини ёзиш мумкин.

```
Name = document.froms[0].elements[0].value
```

Олинган сатр name ўзгарувчисига юкланади. Энди биз бу ўзгарувчидан ҳоҳлаган керакли пайтда фойдаланишимиз мумкин. Масалан, биз alert ("Hi"+name) буйруғи ёзилган дарча яратишимиз мумкин. Натижада, агар фойдаланувчи бу майдонга 'Stefan' сўзини киритган бўлса alert ("Hi"+name) буйруғига кура янги дарчада 'Hi Stefan' сўзи пайдо бўлади. Агар катта саҳифалар билан иш кўрсак турли объектларга номлар бўйича адреслаш процедурасида жуда чалкашлик бўлиши мумкин. Масалан, document.forms[3].elements[17] document.forms[2].elements[18] объектларига мурожаат қилиш керак бўлсин. Бундай муоммадан қутилиш учун турли объектларга ихтиёрий ном беришимиз мумкин. Буларни қандай қилишни мисол орқали кўришимиз мумкин:

```
<form name = "myForm"
```

```
    Name
```

```
    < input type = "text" name = "kirit" value = " " > <br>
```

бу ёзув шуни билдирадики, forms[0] объекти энди 2-чи исм myForm га эга бўлди. Худди шундай elements[0] урнига kirit ни ёзишимиз мумкин (<input> тегида охирги атрибути name да кўрсатилган). Шу тариқа

```
    name = document.forms[0].elements[0].value ўрнига
```

```
    name = document.myForm.kirit.value
```

 ни ёзишимиз мумкин. Бу сезиларли даражада JavaScript да дастурлашни соддалаштиради, айниқса катта Web-саҳифалар кўп микдорда объектларга эга бўлса. (Номларни ёзишда регистрларни, катта-кичик ҳарфлар ҳолатини эътиборга олиш керак, яъни myForm ўрнига myform ёзиш мумкин эмас) JavaScript да объектларнинг кўпчилик хусусиятларида рухсат фақат ўқиш учун эмас. Яна уларга янги қийматлар ёзиш имкониятига ҳам эга бўламиз.

JavaScript воситалари орқали кўрсатилган майдонга янги сатр ёзишингиз мумкин.

```
<form name = "myForm"
```

```
<input type = "text" name = "input" value = "ха ха ха"
```

```
<input type = "button" value = "write"
```

```
    onclick = " document.myForm.input.value = 'уф! ;'"
```

Дастлаб қўйидаги мисолни кўриб чиқамиз:

Скрипти даслабки коди:

```
< html >
```

```
< head >
```

```
< title>Objects < /title >
```

```

< script language = "JavaScript">
< !- -hide
function first() {
// форма киритилган
// матн майдонида дарча ҳосил қилади
alert ("Текст элементининг қиймати :"+ document.myForm.myText.value) ;
}
function second() {
// Жорий функция кўчирувчилар қийматини аниқлайди.
Var mystring = " The checkbox is " ;
// Кўчирувчи ўчганми ёки йўқ?
If (document.myForm.mycheckbox.checked.) mystring += "checked"
else mystring += "notchecked";
// Экранга сатрни чиқариш
alert ( mystring ) ;
}
// - -
< /script >
< /head >
<body bgcolor = lightblue >
< form name = "myForm >
< input type = "text" name = "myText" value = "ха ха ха" >
< input type = "button" name="button1" value = "button1" >
onclick = "first ()"
<br>
< input type = "checkbox" name = "mycheckbox">
< input type = "button" name="button 2" value = "button2" >
onclick = "second()"
< /form >
< p > < br > < br >
< script language = " JavaScript ">
< !- - hide
document.write( "Фон рангги бу : " ) ;
document.write( document.bgcolor+ "<br>" ) ;
document.write( " 2 чи button даги матн :") ;
document.write( " document.myForm.button 2.value" ) ;
// --
< /script >
< /body >
< /html >

```

Location объекти

JavaScript да window ва document объектларидан ташқари location деб аталувчи яна бир муҳим объект мавжуд. Бу объектда HTML ҳужжат юкланган адрес сақланади. Агар сиз <http://www.xyz.com/page/html> саҳифасини юклаган

бўлсангиз, у ҳолда `location.href` нинг қиймати ҳам худди шу адресга мос тушади. Шундай бўлсада биз учун жуда муҳим нарса шуки, `location.href` га янги қиймат ёзишимиз мумкин. Масалан, қўйидаги мисолда тугмача жорий дарчадан янги саҳифага утишни юклайди:

```
< form >
< input type = button value="Yahoo">
    onclick = "location.href = ` http://www.Yahoo.com ` ; "
< /form >
```

6.2 Функциялар ва усуллар

Функциялар -бу *JavaScript* нинг фундаментал ички блокларидан бири хисобланади .

Функцияни аниқлаш калит сўз **function** дан бошланади , ва сўнгра функция номи берилади ва юмалоқ қавс ичида аргументлар рўйхати берилади.

function Natija(x1,x2,x3,x4)

Функциялар ўз конструкциясида бошқа функцияларни ҳам ишлатишлари мумкин :

function pretty_print(string)
{ document.write(" " + string) }

Бу функция қаторни аргумент сифатида қабул қилади ,ва сўнгра (+) операторидан фойдаланиб HTML нинг баъзи тэглари кўшимча қилади , сўнгра натижани жорий ҳужжатга чиқаради .

Функция аргументлари қаторлар ва сонлардан иборат булиши билан биргаликда бошқа қийматлар ҳам қабул қилади . Функция аргументлари жадвалларда сақланади .Функция ичида, параметрларни қўйидагича беришимиз мумкин:

functionName.arguments [i]

Бу ерда *functionName* – функция номи ва *i* – аргументнинг тартиб рақами . Масалан, `myfunc` номи функциянинг биринчи аргументи `myfunc.arguments [0]` шаклида аниқланади .

Функция рекурсив бўлиши ҳам мумкин , яъни у ўзини чақириши ҳам мумкин . Масалан ,факториал функциясидан фойдаланишда кўрайлик :

```
function factorial(n)
{
if ((n == 0) || (n == 1))
    return 1
else {
    result = (n * factorial(n-1) )
```

```

    return result
}
}

```

Биз факториални 1 дан 5 гача кўрсатишимиз ҳам мумкин :

```

for (x = 0; x < 5; x++) {
    document.write(x, " factorial is ", factorial(x))
    document.write(" ")
}

```

Натижалари:

Нул факторил - 1

Бир факториал- 1

Икки факториал - 2

Уч факториал - 6

Турт факториал - 24

Беш факториал - 120

6.3. Ўзгарувчан сонли аргументли функциялар.

